

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўқув ишлари бўйича проректори**  
**\_\_\_\_\_ М.Камалов**  
**“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил**

**“ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)  
ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчилар: ю.ф.д., проф. Ш.Рузиназаров  
ю.ф.н., доц. Х.Азизов

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	11
1-мавзу. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти .....	11
2-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари.....	36
3-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатлари буйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари.....	43
4-мавзу. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг илмий-назарий масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби .....	59
5-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларида корпоратив бошқарув ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари.....	81
ТАҚДИМОТЛАР .....	119
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....	147

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Кириш**

#### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулининг мақсади:** жамиятни демократлаштириш шароитида фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти тўғрисида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг тасаввурларини қайта кўриб чиқиш, қайта баҳолаш асосида уларда фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу соҳа муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулининг вазифалари:**

- фуқаролик ҳуқуқининг ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;
- фуқаролик ҳуқуқининг тингловчиларини фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг ечимларидан келиб чиққан ҳолда ўргатиш;
- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;
- турли тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи институтларини танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарур билимлар асосини таъминлаш;
- тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий муносабатларга оид қонунлар ҳужжатларини амалда қўллаш олиш кўникмасини ривожлантириш.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

**“Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- Фуқаролик ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи ҳақидаги замонавий концепциялар, мактаблар ва йўналишлар; глобализация жараёнининг фуқаролик ҳуқуқи ривожига таъсирини *билиши* керак;
- Фуқаролик ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи ривожининг қонуниятлари ва тенденцияларини таҳлил қилиш; фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий тенденцияларини умумлаштириш бўйича *кўникмаларига* эга бўлиши зарур;
- глобаллашув жараёни ва ахборотлашган жамият шароитида фуқаролик ҳуқуқи ривожланиш муаммоларини мустақил таҳлил этиш; фуқаролик ҳуқуқи ривожининг замонавий тенденцияларини ҳал этиш юзасидан ташкилий- ҳуқуқий ечимлар топа олиш; фуқаролик ҳуқуқи самарадорлигини ошириш муаммосини Ўзбекистон ҳуқуқ тизими призмаси орқали таҳлил эта

билиш, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш муаммоларини ҳал этиш бўйича таклифлар бера олиш **малакаларини эгаллаши** лозим;

-Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг хусусиятларини тўғри англаш, жамиятда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тадбиркорлик ҳуқуқий қонунчилик билан боғлай олиш, қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини **билиши** керак;

- Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш **қўникмаларига** эга бўлиши зарур;

- Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини** эгаллаши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиёти” фани бир қатор ҳуқуқий фанлар, хусусан, “Оила ҳуқуқи”, “Мажбурият ҳуқуқи”, “Корпортив ҳуқуқ”, “Инвестиция ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Молия ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш”, “Хўжалик процессуал ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фуқаролик ҳуқуқи ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			
			жами	жумла дан		
					Назай	Амалий машғулот

1.	Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти				2		2
2.	Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йўналишлари				2		
.	Фуқаролик қонун ҳужжатлари буйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари				2		
.	Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг илмий-назарий масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.				2		2
.	Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларида корпоратив бошқарув ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.				2	2	
.	Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари.				2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>0</b>	<b>6</b>	<b>0</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти

#### Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим –тарбия, шу жумладан юридик таълим тўғрисидаги ғояларнинг моҳияти
2. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш назарияси ва амалиёти
3. Юридик таълимни модернизация қилишда фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган замановий талаблар

4. Фуқаролик ҳуқуқи ўқитишда маърузага қўйилган асосий назарий методик талабларнинг моҳияти

5. Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича тингловчилар билимини баҳолашнинг асосий мезони

## **2-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий тенденциялари

3. Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, умумлаштириш, қиёсий жадвал тузиш, халқаро ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириб тақдим этишга қўйилган талабларнинг моҳияти

4. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда унинг назарий ва қонунчилик манбаларини ўрганишни ташкил этишнинг методик жиҳатлари

## **3-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари**

Режа:

1. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аҳамияти ва умумий тавсифи

2. Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари

3. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини тузиш ва тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга оид ўқув методик талабларнинг мазмуни

## **4-мавзу. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг илмий-назарий масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

Режа:

1. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг илмий-назарий муаммолари.

2. Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш муаммолари.

3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.

4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.

**5-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларида корпоратив бошқарув ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари**

Режа:

1. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларнинг ўзига хослиги.

2. Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари. Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш билан боғлиқ лойиҳалар ва жаҳон модели.

3. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим –тарбия, шу жумладан юридик таълим тўғрисидаги ғояларнинг моҳияти

2. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш назарияси ва амалиёти

3. Юридик таълимни модернизация қилишда фуқаролик ҳуқуқи фани ўртасида қўлланиладиган замонавий талаблари

4. Фуқаролик ҳуқуқи ўқитишда маърузага қўйилган асосий назарий методологик талабларнинг моҳияти

5. Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича тингловчилар билимини баҳолашнинг асосий мезонлар

### **2-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий тенденциялари

3. Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, умумлаштириш, қиёсий жадвал тузиш, халқаро ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириб тақдим этишга қўйилган талабларнинг моҳияти

4. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда унинг назарий ва қонунчилик манбаларини ўрганишни ташкил этишнинг методик жиҳатлари

**3-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари**

Режа:

1. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аҳамияти ва умумий тавсифи
2. Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари
3. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини тузиш ва тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга оид ўқув методик талабларнинг мазмуни

**4-мавзу. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг илмий-назарий масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

Режа:

1. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг илмий-назарий муаммолари.
2. Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш масалалари.
3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.
4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.
5. “Бир дарча” ва “ягона ойна” тамойиллари

**5-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларида корпоратив бошқарув ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари**

Режа:

1. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларнинг ўзига хослиги
2. Корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари. Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш билан боғлиқ лойиҳалар ва жаҳон модели.
3. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари

**6-мавзу. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари**

Режа:

1. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими.
2. Адлия органлари тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус орган сифатида.



3. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура ва монополияга қарши курашувчи органларнинг роли ва ваколатлари.

4. Тадбиркорлик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати ўрнатишнинг зарурлиги.

5. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари

### **Кўчма машғулот мазмуни**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қилади.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари ўзлари танлаган казус бўйича 2000 та сўздан иборат эссе ёзадилар ҳамда уни оғзаки ҳимоя қиладилар. Эссе Times new roman 14 шрифт 1,5 интервалда, вароқнинг юқори ва пастки қисмидан 2 см, ўнг томон 1,5 см ва чап томон 3 см бўш жой қолдирилади.

Казусга жавоб ёзишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, назарий манбалар албатта фойдаланилиши лозим.

Жаҳон биринчилигида 1-ўринни олган “Лочин” номли отни “Қорабайир” от заводи Тошкент отчопаридан 5.000. 000 сўмга сотиб олиш тўғрисида келишди ва пулнинг 2.500. 000 сўмини олдиндан тўлади. Лекин “Лочин” олиб кетилишидан бир кун илгари бахтсиз ҳодиса туфайли ўлди.

“Қорабайир” от заводи Тошкент отчопаридан тўланган 2.500. 000 сўмни қайтариб беришни талаб қилди. Тошкент отчопари эса, “Лочин”нинг ўрнига унинг зотига мансаб ва Осие биринчилигида совриндор бўлган “Учқур” лақабли отни беришни таклиф қилди. Лекин от заводи бунга рози бўлмади, отчопар раҳбарияти эса, бу от ҳам ундан қолишмаслигини эътироф этди ва пулни ишлатиб юборганини, уни қайтаришнинг иложи йўқлигини айтди.

*Отчопар раҳбариятининг жавоби тўғрими? От заводининг талаби ҳақлими? Масала қандай ҳал қилинади?*

2013 йил сентябрида солиқ органи “Norges” МЧЖнинг 2011-2012 йиллар учун бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблагани ва тўлаганини текширди. МЧЖ ўзи ишлаб чиқарган истеъмол моллари ва импорт истеъмол товарларини улгуржи сотиш қоидаларини бузганлиги аниқланди: МЧЖ якка тартибдаги тадбиркорларга ўзида назорат-касса машиналари мавжудлиги ва уларнинг солиқ инспекциясида рўйхатдан

Ўтказилганлиги далилини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этмасдан сотган. Шунга асосан молиявий жазо қўллаш: мазкур сотишдан корхона олган бутун даромадни ундириш ва худди шунча миқдорда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинди. МЧЖ буни асоссиз деб ҳисоблади ва чиқарилган қарорни бекор қилиш тўғрисида илтимос билан хўжалик судига мурожаат қилди.

*ДСИнинг талаби қонунийми? МЧЖнинг мурожаати асослими?*

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-мавзу. Замоनावий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти

#### Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим –тарбия, шу жумладан юридик таълим тўғрисидаги ғояларнинг моҳияти
2. Замоनावий фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш назарияси ва амалиёти
3. Юридик таълимни модернизация қилишда фуқаролик ҳуқуқи фани ўртасида қўлланиладиган замановий талаблари
4. Фуқаролик ҳуқуқи ўқитишда маърузага қўйилган асосий назарий методологик талабларнинг моҳияти
5. Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича тингловчилар билимини баҳолашнинг асосий мезонлар

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ҳуқуқий таълимни модернизация қилиш алоҳида рол эгаллайди. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳуқуқий таълимни ривожлантириш мақсадида глобализациянинг ҳуқуқий таълим мазмуни шунингдек, таълим услубиёти ва технологиясига бўлган таъсирга катта аҳамият қаратишни талаб этмоқда. Ҳуқуқий таълимни модернизация қилиш босқичма-босқич, давлат ва жамият талабларини чуқур ўрганган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Ҳуқуқий таълимнинг вазифаси – глобализация жараёнидаги ҳодисаларни аниқлаш, ўрганиш, жамият қонунларига боғлиқ эканлигини тушиниб етиш ҳамда шунга муносиб, ҳозирги замон шароитида самарали иш юрита оладиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан асослаб берилган тараққиёт ва таълим модели бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. “Портлаш эффекти” ҳам ушбу таълим моделига асосланганлиги барчамизга маълум. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “измлар”дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, маълумки ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта таълим – тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> фармонида юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги масалалари бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Маълумки, таълим – бу инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, шахс ва жамиятнинг ахлоқий, ақлий, руҳий ва жисмоний ҳолатининг доимий такомиллашуви мақсадида билимларни эгаллаши ҳамда янги авлодга ўтказилишига йўналтирилган тарбия ва ўргатиш жараёнидир.

Билим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ва дахлсиз ҳуқуқидир. Билим олиш ҳуқуқи Республика қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширилади. Мустақиллик йилларида ушбу соҳага оид бир қатор норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги<sup>3</sup> Қонуннинг аҳамияти бекиёсдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш тамойиллари, узлуксиз таълим йўналишини ислоҳ қилиш, узлуксиз таълим тизими ва турлари, мактабдан олдинги, умумий ўрта, ўрта махсус, касб- ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, кадрлар тайёрлашда илм-фаннинг ўрни, кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқаришнинг ўрни, кадрлар тайёрлаш тизими ривожланишининг асосий йўналишлари, узлуксиз таълимни таъминлаш, педагогик ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим жараёни мазмунини ислоҳ қилиш, диний-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар, қобилиятли болалар ва ёшлар, таълим тизимини бошқариш, касб-ҳунар таълимини назорат қилиш тизимини шакллантириш, таълим тизимини молиялаштириш, моддий-техник таъминот, таълим тизимини ахборот воситалари билан таъминлаш, таълим хизматлари бозорини ривожлантириш, давлат томонидан ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш, илм-фаннинг таълим жараёни билан узвий алоқасини шакллантириш, ишлаб чиқариш билан таълим тизими интеграциясини таъминлаш, таълим соҳасида кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик, миллий дастурни таъминлашда ташкилий тадбирлар ўзининг ифодасини топган.

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” 2008. – Б. 60-61.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-модда, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги<sup>4</sup> Қонуни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, билим олиш ҳуқуқи, билим бериш ҳуқуқи, таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми, давлат таълим стандарти, таълим тили, таълим тизими, таълим турлари, мактабдан олдинги таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-маҳсус таълим, касб- ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, оиладаги таълим ва ўз ўзини тарбиялаш, ўқувчининг ижтимоий муҳофазаси, таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий муҳофазаси, етим болаларни ва ота-оналар ва бошқа ваколатли шахслар қаровисиз қолган болаларни ўқитиш, жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларни ўқитиш, ижтимоий муҳофаза ва реабилитацияга муҳтож шахслар учун таълим-тарбия муассасаларини очиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари, ваколатли давлат органларининг жойлардаги таълимни бошқариш соҳасидаги ваколатлари, таълим муассасаларини бошқариш, таълимни бошқарувчи давлат органларининг нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро муносабатлари, ота-оналар ва ваколатли шахсларнинг мажбуриятлари, таълимни молиялаштириш, халқаро ҳамкорлик ва шу соҳадаги бошқа масалаларни тартибга солиди.

Юридик соҳадаги кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан бири - бу янги илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий таълимни босқичма босқич ихтисослаштиришдир<sup>5</sup>.

Олий таълимни модернизация қилиш мақсадида *биринчидан*, олий таълим олиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи эканлигини тўлиқ англаш ва ўқув жараёнининг сифатини тубдан яхшилаш, *иккинчидан*, асосий йўналишлари бўйича унинг тузилмасини тартибга солиш, *учинчидан*, жамият ва ишлаб чиқаришнинг долзарб ва истиқболли талаблари асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш лозим. Шунини таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг илғор тараққиёти, иқтисод ва жамиятни ҳаракатлантирувчи кучи ва миллий таълим

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

<sup>5</sup> Безруков Ю.И., Черепанов М.М. Интерактивная методика обучения: сотрудничество преподавателя со студентом // Российский юридический журнал. 2012. №5. 61. С; Кузнецов А. Организационные меры для повышения эффективности научных исследований в России // Вопросы экономики 2013. №3. 82. С; Муравьев А. О научной значимости российских журналов по экономике и смежных дисциплина // Вопросы экономики 2013 № 4. 130. С; Яртых И.С. Мониторинг вузов как «момент истины» // Высшее образование 2013. №6. 4. С; Арутюнян Г.Г. Конституционализация социального поведение человека в правовом государстве // Конституционного правосудия 2013. №5. 1. С; Шутрина Е.С. Особенности судебной и иной правоприминительной практики по отдельным вопросам послевузовского профессионального образование // Юрическое образование и науке. 2012 №4. 27. с; Денисова Е.М. Проблемные аспекты в регулировании правового образование в России // Юрическое образование и науке. 2012. №3. 14. С; Кулапова Т.Ю. Правовой (юридической) опыт: понятие и виды // Современное право 2013. №6. 19 с; Васильев Ф.П., Булатова Л.А. Дистанционное образование и особенности современного толкования его применения. // Юрический мир 2012. №9. 38. с.

рақобатбардошлигининг кўрсаткичи сифатида босқичма босқич ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос фарқ қилувчи жиҳати унинг фаолият юритиш хусусиятларидан келиб чиқади. Ҳуқуқий таълим бериш жараёни замоннинг талабларига жавоб бериши, ҳуқуқни амалда қўлланишини таъминлай олиши, яъни, юридик олий таълим муассасаларининг юқори малакали юридик кадрларни барча соҳаларига тайёрлашда намоён бўлади. Бутун дунё таълим соҳаларида ҳуқуқий таълим алоҳида ўрин эгаллайди, бунинг сабаби ҳуқуқий билимлар жамиятни илғор тараққий этишига, миллатнинг хавфсизлигига, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига, экологик эркинлигига кафил бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, маълумки ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта таълим – тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. “Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср-интеллектуал бойлик ҳукмдорлик қиладиган аср. Кимки, бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четга қолиб кетиши муқаррар”<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>7</sup>ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди<sup>8</sup>.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий ўтган асрнинг бошидаёқ “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”. Бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини бугунги юксак тафаккур ва инновацион технологиялар замони ҳам исботламоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан асослаб берилган тараққиёт ва таълим модели бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. “Портлаш эффекти “ хам ушбу таълим моделига асосланганлиги бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий

<sup>6</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси—биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. –Т.:Ўзбекистон, 2009.—30б.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

<sup>8</sup>Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир // Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь.

ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “измлар”дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади. Улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактаблар ривож топмоқда. Абу Райхон Беруний бобомиз айтганларидек, “Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади. Имом ал-Бухорий бобомиз таъбири билан айтганда “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай” ёхуд Юсуф хос Хожиб эътироф этганидек “Ўқув қайда бўса улуғлик бўлар. Билим қайда бўлса буюклик бўлар”. Бундай пурҳикмат фикрлар миллий кадриятларимиз бўлиб хизмат қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида замон талабларига мос ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашимизда рақобатбардошликка асосланиш ҳам тақозо этилади. Шу боис таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш шароитига мослаш” ҳам асосий вазифа эканлигидан келиб чиқиб, юридик фан ва таълимни модернизация қилиш, шу жумладан, оммавий ва хусусий ҳуқуқ фанларни ўрганишнинг маоммоли-мақсадли жиҳатларини тадқиқ этиш ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Юридик таълим ва ҳуқуқий ҳулқ-атвор узвий бир-бири боғлиқ категориядир<sup>9</sup>. Глобаллашув шароитида юриспруденция энг зарурий ихтисослик йўналишлардандир<sup>10</sup>. Юридик таълим муассасалари инновацион таълим усулларини татбиқ этиш уни бошқариш тизимининг янада самарадорлигига эришишни зарурият қилиб кўяди<sup>11</sup>. Энг муҳими ҳар бир юридик фан соҳаларини ўқитишда анъанавий ва янги ёндашув нуқтаи назардан баҳо бериш ҳуқуқий таълимнинг сифатига эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади<sup>12</sup>. Юридик таълимни замонавий лойиҳалаштириш унинг истиқболини белгилаб беради<sup>13</sup>.

Сўнгги йилларда таълим муассасалари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда<sup>14</sup>. Ҳатто

---

<sup>9</sup>Батафсил қаранг: Кобликов А.С. Юридическая этика. –М.: 1999; Юридические понятия и язык права в современных исследованиях. Научно-аналитический обзор. –М.: 1986; Юзвизин И.И. Информациология. –М.: 1996.

<sup>10</sup>Йўлдошев Ж. Ҳуқуқий таълим // Маърифат 2013 йил 2 ноябрь; Кличкова А.В. Морально-нравственные ценности и правосознание будущих юристов // Вестник Московского университета серия 11. Право 2012. №5. 51с. Синцов Г.В. К вопросу об этическом воспитании юристов в современной России // Российская юстиция. 2012. №11. 37с; Несмелов В. И. Вера и знание с точки зрения гносеологии. Казань. 1913.

<sup>11</sup>Силченко Т.В. Инновационные методы и критерии в системе управления ВУЗом // Европейский юридический журнал. 2012, №7. 20с.

<sup>12</sup>Гусейнова Л.В. Лекция по гражданскому праву: традиционность и новые подходы // Закон и право. 2012. №7. 34с.

<sup>13</sup>Наговицин С. Г. Проектирование образовательного пространства в юридическом вузе // Закон и право 2012. №7. 116с.

<sup>14</sup>Грудцина Л.Ю. Правовой статус научных организаций образовательных учреждений высшего профессионального образования // Закон и право 2012. №11. 12с. Аргунов А.Ю. О разработке моделей межведомственного взаимодействия при осуществлении процедур контроля оценка качества образования // Закон и право 2012. №11. 19с. Ефимцева Т.В. Правовое положение малых инновационных предприятий //

билимларни бошқаришнинг туб иқтисодий ва инновацион жиҳатларига аҳамият берилаётганлиги диққатга сазовордир<sup>15</sup>. Ҳозирги глобаллашув шароитида электрон ахборот ва билимларни бошқаришнинг инновацион жиҳатларини, инновацион ғоялар ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга катта аҳамият берилмоқда. Юридик таълим сифатини ошириш бошқача айтганда, таълимда тингловчилар ва магистрларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш таълим соҳасида бошқарувнинг устувор йўналишига айланмоқда.

Таниқли рус цивилист олими В.Ф. Яковлев тўғри таъкидлаганидек, одобсиз ва ахлоқсиз кишиларни юридик касбга йўл қўйиш мумкин эмас, юридик билимлар билан қуролланган одобсиз ва ахлоқсиз кишилар – бу хавфли, ҳуқуқий билимлар билан қуролланган одобли ва ахлоқли кишилар – олий даражада бизнинг мамлакатимиз учун фойдалидир. Одоб-ахлоқга эга бўлиш юристнинг мажбурий сифатидир<sup>16</sup>. Ёш юристга биринчи яхши устоз иккинчи “малакавийлик” керак. Ҳуқуқшуноснинг меҳнати ҳам миллий бойлик бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқшунослик бўйича таълим стандартларини чуқур ўзлаштирган, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ривожланишини пухта ўзлаштириб олган, ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишларидан хабардор бўлган ва халқаро ҳуқуқ ва ривожланган давлатларнинг қонунчилик тизимига оид билимлардан ҳам бохабар бўлган мутахассис бўлиши лозим<sup>17</sup>.

Юридик таълимни модернизация қилиш шароитида ҳуқуқий электрон таълимни дастурлаштириш асосида ўқитиш истиқболга эга<sup>18</sup>. Таълим ислохотларнинг самарадорлиги таълим сифатига ва тингловчиларда қизиқиш уйғотиш омилларига боғлиқлигини асло унутмаслик зарур. Билимни пухта эгалламасдан туриб демократик тараққиётга эришиб бўлмайди. Ўз навбатида ҳуқуқий давлатни барпо этишда давлатнинг институционал тизимлари ва ишлаб чиқариш соҳаларида таълимнинг интеграллашуви ва кооперациялашуви демократик тараққиётнинг асосий ҳал қилувчи омилдир.

Ҳуқуқий таълимнинг сифати уни баҳолаш тизимига узвий боғлиқ бўлиб, мунтазам мониторингини амалга ошириш лозим<sup>19</sup>. Таълимнинг сифати энг муҳими, тингловчи ва магистрнинг ўзлаштириш даражаси интерфаол

---

Юрист. 2012. №18. 18с. Савченко М.В. Становление организационно-правовой формы вузы европейских государств // Закон и право 2013. №4. 62с.

<sup>15</sup>Мильнер Б.З. Управление знаниями в современной экономике. –М.: 2008. Мильнер Б.З. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями –М.: 2010.

<sup>16</sup>Интервью с В.Ф. Яковлевым // Юридический мир 2012. №2. 3с.

<sup>17</sup>Бу ҳақида адабиётларда эътибор берилмоқда. Парпиев М., Ниёзов Ж. Юридик кадрлар тайёрлаш: миллий ва халқаро тажриба. // Ҳуқуқ ва бурч. 2012. №9.

<sup>18</sup>Васильев Ф.П. , Булатова Л.А. Дистанционное образование и особенности современного толкования его применения // Юридический мир. 2012. №9. 42с., Асфандиёров Б. Электронное обучение и электронные ресурсы – правовые проблемы // Юрист вуза. 2012. № 11. 23 с. Безруков Ю.И., Черепанов М.М. Интерактивная методика обучения: сотрудничества преподавателя со студентом // Российской юридический журнал 2012. №5 31с.

<sup>19</sup>Яшук Т.В. Оценка юридического образования: аккредитация мониторинг, рейтинги // Российская юстиция. 2013. №7 58с.



усулларини самарали татбиқ этишга ҳам узвий боғлиқдир<sup>20</sup>. Шу боис адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ўқитишнинг фаол усулларини қўллаган ҳолда ўтказиладиган маърузаларга “маъруза-суҳбат”, “маъруза-мунозара”, “ўзаро мулоқотли алоқадорликни қўллаш бўйича маъруза”, “муаммовий маъруза”, “дастурлаштирилган маъруза”, “тақдимот-маъруза”лар киради. Амалий машғулоти ўтказишнинг интерфаол усуллари бўлиб “кейс-усул”, “ролли ўйин”, “ақлий ҳужум”, “психологик ва бошқа тренинг”, “эксперт ва мутахассисларнинг мастер класс”<sup>21</sup> кабилар ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг юридик таълимнинг анъаналари ва хусусиятлари борлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Ҳуқуқий манбаларда тўғри таъкидланганидек “ўқувнинг ҳамма жараёни куйидаги тузилишга асосланади: эслаш-фикрлаш-хотирада сақлаш-қўллаш-текшириш<sup>22</sup>. Дарҳақиқат юрист кадрни тайёрлаш ва замонавий ўқитишнинг назарияси ва методикасини пухта ўзлаштириб олиш юксак малакали ҳуқуқшунослар авлодини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси юридик таълимни модернизация қилиш шароитида иқтидорли тингловчиларни тарбиялаш орқали юристлар корпусини такомиллаштиришга эришиш лозим. Иқтидор ва қобилият ҳам замонавий ҳуқуқшуноснинг сифат мезонларини белгилайдиган ўлчовдир. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичи халқаро юридик жараёнларни пухта кузатиб борилиши, тизимли ўрганиб уни мониторингини амалга ошириши тақозо этади. Ҳуқуқий билимлар мониторинги жамият ва давлатнинг ҳуқуқ устуворлигини таъминлашнинг ғоятда муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади<sup>23</sup>. Шу боис юридик таълим муассасалари фаолияти мониторинги ҳам муҳим аҳамиятлидир<sup>24</sup>.

Ҳуқуқий адабиётларда қайд этилганидек, юридик таълим касбий ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг шакли сифатида уни ривожлантиришнинг қонуниятларига ва жамиятнинг ҳуқуқий тизимини функциявий бошқарувга бўйсунди<sup>25</sup>. Ҳозирги даврда юридик таълим куйидаги учта асосий йўналиши бўйича амалга оширилмоқда. Биринчидан, таълим мазмунини такомиллаштириш, иккинчидан, мутахассислар тайёрлаш миқдорини режалаштириш, учинчидан, сифатнинг тартиб-таомилини такомиллаштириш мақсадида, модернизациялаш, аккредитациялашнинг норматив-ҳуқуқий таъминлаш, ички параметрларига асосланган иш

---

<sup>20</sup>Андренова Т.А., Таресенко О.А. Активные и интерактивные формы проведения занятий для бакалавров и магистров // Юридическое образования и науки 2013, №2. С. 33-36.

<sup>21</sup>Бондарь Н.С. Современные ориентиры российского юридического образования: национальный традиции или космополитические иллюзии // Юридическое образование и наука. 2013. №1. С. 7-16.

<sup>22</sup>Ламейкина М.В. Семейное право. Применение новых методов обучение в преподавания данной дисциплины // Закон и право. 2013 №4. 49с.

<sup>23</sup>Певцова Е.А. Теория и методика обучения праву. Учебник для студ. вузов. –М.: Владос. 2003. Андреева Л.А. Проблемы подготовки кадров по направлению «юриспруденция» в свете образовательных реформ // Образование 2011. №8. Воскресенская Е.В. Применение новых методов в преподавании юридических дисциплин. // Успехи современного естествознания 2008. №4. С. 71-72.

<sup>24</sup>Яртых И.С. Мониторинг вузов как момент истины // Высшее образование 2013. №6. 4с.

<sup>25</sup>Денисова Е.М. Проблемные аспекты в регулировании правового образования в России // Юридическое образование и наука 2012. №3. 14с.

берувчилар томонидан битирувчиларга қай даражада эҳтиёжнинг мавжудлиги кабилар шулар жумласидандир<sup>26</sup>. Юриспруденция нафақат бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас қисми балки замонавий демократик жамият ривожланишининг мўлжалини белгилайди.

Бугунги кунда бутун жаҳон ҳуқуқ соҳасига юз тутмоқда. Масалан АҚШ тингловчиларидан 50%, Буюк Британия тингловчиларидан 40% юридик олий таълим муассасалари тингловчиларидир.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳуқуқий билимлар олий таълим муассасасида ўқитиш жараёнининг барча босқичларида такомиллашиб боради. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кўрсаткичлари миллий ҳуқуқшуносларнинг юксак малакасига ҳам боғлиқдир.

Анъанавий Америка ҳуқуқий таълими моддий ва процессуал ҳуқуқни ўргатишда муайян муваффақиятларга эришган десак, муболаға бўлмайди. АҚШдаги кўпгина юридик факультетлар ўқитувчилари (уларнинг кўпчилиги юридик амалиётда, ўқитувчилик соҳасига ўтгунга қадар бой юридик тажрибага эга бўлади) судья ва амалиётчилар билан биргаликдаги ҳамкорлиги мақсадга мувофиқ деган фикрга келинди. Бунда судья ва амалиётчилар адъюнкт-профессорлар сифатида иштирок этиб тингловчилар кўникмаларини янада чуқурроқ шакллантиришга имконият яратади.

Кўпгина ҳолларда ҳуқуқий мактаблардаги машғулотлар баҳс-мунозаралар кўринишида ўтиб, бунда ҳар бир тингловчи муҳокама қилинаётган масала бўйича ўз фикрини айтиши мумкин. Бундан ташқари, семинарларда бир неча ўқитувчилар қатнашиб, уларга амалиётчи ходимни (судьялар, прокурорлар, адвокатлар)ни таклиф қилиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Маъруза ва семинар машғулотларида аниқ ишларни кўриб чиқишга катта аҳамият қаратилади, шунинг учун ҳам, кўпгина курслар учун асосий манба бўлиб прецедентларга бой бўлган ўқув қўлланмалари хизмат қилади. Энг катта эътибор асосан ўқув жараёнини олиб бориш шакллари ва усулларига қаратилади.

АҚШда юридик таълим олишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда тингловчиларнинг қанча назарий билим олишига эмас, балки қай даражада асосий амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади, Америка ҳуқуқий таълими, асосан тингловчи томонидан битирувчига касбий фаолиятида асқотадиган чуқур амалий билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган. Америка ҳуқуқшунослик таълими икки босқичга бўлинади: тўрт йиллик коллеж ҳамда уч йиллик ҳуқуқ мактаби. Бунинг устига биринчи маълумоти бўйича Америка ҳуқуқшуноси иқтисодчи, журналист ёки математика соҳалари бўйича касбларни эгаллаши мумкин. Ҳуқуқ мактабига умумий ва кенг маълумотга эга етарли даражадаги ёшга кирган инсонлар

---

<sup>26</sup>Усаков Е.Е. Место юриспруденции в системе науки об образования // Юридическое образование и наука. 2012. №2. 12с.

боради ва улар ўзлари учун айнан қандай фанлар кераклигини яхши тушунишади, яъни онгли равишда касбий танловни амалга оширадilar.

Германияда ҳуқуқшуносларни тайёрлаш номарказлаштирилган тарзда амалга оширилади. Бошқача айтганда, у ягона федерал қонунлар билан эмас, балки 16 федерал ерларнинг “Ҳуқуқий таълим тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади. Ҳуқуқий таълим тўғрисидаги федерал ерларнинг махсус қонунлари таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бунда университетларнинг юридик факультетларида ўқув жараёни икки босқичда амалга оширилади. У университетдаги (академик) таълим ва амалий стажировкадан иборатдир. Қайта тайёрлаш ва юридик кадрларнинг малакасини ошириш Федерал Адлия вазирлиги ва 16 федерал ерлар Адлия вазирликларининг келишувига мувофиқ тартибга солинади. ГФРда ушбу масала бўйича махсус қонун ҳужжатлари ёки йўриқномалар мавжуд эмас. Ҳуқуқий таълимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юридик кадрларни тайёрлаш бўйича бир қатор масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратади. Ушбу давлатнинг олий таълими, ҳатто чет эл фуқаролари учун ҳам бепул ҳисобланади. Ҳуқуқшунос касби эса яхшигина обрў-этиборга эга ва юридик олий ўқув юртига кириш учун кириш танлови мавжуд эмас. Бундан ташқари, Германия чет эл фуқароларини кенг миқёсда жалб қилишни эълон қилган давлатлар қаторига киради. Бу хусусан, Германиянинг, шунингдек Европа Иттифоқининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўсиб бораётган роли билан боғлиқдир. Германияда тингловчи 4 йил давомида асосий ҳуқуқий фанларни ўрганади ва ундан кейин бир қатор назорат ишларини ёзади ҳамда давлат имтиҳонини топширади. Сўнг икки йилда турли юридик касбларнинг амалий ўрганилиши ташкил этилади: 6 ой судда, 4 ой прокуратурада, 4 ой ижтимоий соҳада ва бошқа муассасаларда. Барча стажировкаларни тугатганидан кейин, тингловчи иккинчи давлат имтиҳонини топширади ва шу вақтдан бошлаб ҳуқуқшуносликнинг исталган соҳасида ишлашга тайёр бўлади, чунки Германияда “универсал” ҳуқуқшунослар тайёрланади.

Мамлакатимизда юридик кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>27</sup> Қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу қарор ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкент давлат юридик университети «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича

---

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: биринчидан, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича тингловчиларнинг фундаментал базавий, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш; иккинчидан, ўқув жараёнига назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, тингловчиларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш; учинчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш; ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш; тўртинчидан, мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш; бешинчидан, тингловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш; олтинчидан, университетнинг ўқув ва илмий бўлинмаларини ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини эгаллаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлинмаларида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий, педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш; шартнома асосида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жалб этиш.

Тошкент давлат юридик университетининг тизимида ташкил этилган Ҳуқуқий тадқиқотлар марказининг асосий вазифаларига: давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, шунингдек мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида

фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш; марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга ТДЮУ ва республиканинг бошқа юридик таълим муассасалари ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари ва тингловчиларини кенг жалб этиш; университетнинг ўқув режалари ва дастурларига жорий этиш учун Марказ томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижалари асосида юридик фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлаш кабилар киради.

Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр ва магистрларни тайёрлаш дастурлари юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўқув жараёнини таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тингловчиларда таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари асосида олиб бориш; тингловчиларнинг давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи) ва бошқа юридик фаолият соҳаларида билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш заруратини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган ҳолда таълим бериш дастурлари доирасида махсус ҳуқуқий фанлар бўйича ўқув юкламаси ҳажмини ошириш; замонавий шаклларни («кейс-стади», илмий презентациялар, жамоада ишлаш ва бошқ.) жорий этган ҳолда амалий машғулотлар ҳажмини, шунингдек бакалавр ва магистрларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат корхоналари, молия-банк ҳамда бошқа муассасаларда малака амалиёти давомийлигини ошириш кабилар шулар жумласидандир.

Тегишли манфаатдор орган ва идоралар ўқув амалиётининг ўқув дастурларига мувофиқ тингловчиларнинг ўқиш даврида олган амалий ва назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли бўлинмаларида мажбурий стажировкаларини ташкил этишда университетга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш; идоравий тузилмаларнинг раҳбар таркиблари, масъул ходимлари томонидан университетда махсус юридик фан ва предметлар, қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари, ҳуқуқни қўллаш фаолияти бўйича маъруза ўқиш (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш шартларида), машғулотлар ўтказишни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Олий ҳуқуқий таълим тизимини такомиллаштириш энг аввало, олий ҳуқуқий таълимнинг замонавий талабларга жавоб бериши; ҳуқуқий таълим мазмунининг самарадорлигини ошириш; ҳуқуқий таълим сифатини ошириш; ҳуқуқий таълим соҳасида молиялаштириш ва қўллаб қувватлаш масалаларига мунтазам эътибор қаратиш; ҳамкорлик (жумладан халқаро ва давлатлараро) ва ижтимоий шерикчилик (ривожланган мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг олий ўқув юртлари ўқув дастурлари) бўйича чоратadbирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқшунос кадрларни доимий равишда ахборотли тайёргарлигини олиб бориш тизимининг татбиқ этилиши ҳуқуқшунос-мутахассислари ўқув жараёнларини оптималлаштириш, буни ахборот таъминотининг янада юқори даражада ташкил этиш ҳисобига амалга ошириш; мутахассиснинг замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларга тез мослашишига ва ўқув ҳужжатларининг мақбуллаштиришга имкон яратувчи тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда анъанавий ҳуқуқий таълимнинг ўқув-услубий мажмуаларини ахборот технологиялари асосида яратиш имконини беради.

Ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини, яъни унинг сифатига таъсир кўрсатувчи олимлар сирасига жамиятнинг ҳуқуқшуносларни касбига нисбатан ижтимоий талабларига баҳо бериш; юридик кадрлар тайёрлашни режалаштиришни янада такомиллаштириш; ҳуқуқий таълим бўйича ўқув дастурининг мунтазам мониторингини юритишни юридик ва ноюридик олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари бўйича ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш; юридик олий ўқув юртларида илғор замонавий таълим технологияларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш кабилар киради.

Юридик таълим тизимини ислоҳ қилишда педогогик фаолиятни амалга ошириш масъулияти профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатилган. Шу боис улар олий таълим стандарти, юриспруденция соҳаси бўйича таълим стандартлари шунингдек ўзи ўқитадиган фан дастурини мукамал билиши лозим. Шунингдек олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари, асосий ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш принциплари, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (хусусан, маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, мустақил ишлар, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш методикасини, тингловчилар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш тамойиллари, педагогика бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда одоб-ахлоқ ва нутқ маданияти, чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асослари, мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш йўналишларига эга бўлиш, тингловчиларда

тадқиқот фикрлашини шакллантириш тамойиллари, бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанлик ташкилий ва методик таъминлаш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ва фанлар дастурларини шакллантириш асосларини пухта ўзлаштириб олган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, юрист-педагог тингловчиларнинг ўз билимларини мустақил оширишини ташкилий ва методик таъминлаш, тингловчиларнинг билимлари, маҳоратлари ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш асослари, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар, таълим, фан ва ҳуқуқни қўллашни амалиётини интеграциялашни ташкил этиш асослари, иқтидорли тингловчилар билан ишлаш методлари ҳамда олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини мукамал эгаллаб олган бўлиши лозим.

Юридик таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг модули тизими янгилик бўлиб ўзига хос жиҳатларига эга. Педагогик тадқиқотларда “модул” тушунчасига турли хил таърифлар билдирилган. Хусусан, модул-бу билимларни назорат қилиш билан ҳамоҳанглашган, қандайдир мантиқий яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқув ахборотидаги мантиқий белгиланган қисм сифатида эътироф этилган таърифлар мавжуд. Шунингдек, айрим олимлар томонидан ўзгача мазмунда таърифлар билдирилган. Ўқув-модули-ҳар бир ўқув топшириқларини бажариш вақти, назорат ва ҳисобга олиш усуллари, ўқув материаллари (параграф, мавзу, бўлим, фан интеграллашган курс)ни ўрганиш бўйича хос тарзда ўқув модули уни ўрганишнинг кўпроқ оқилона шакл ва методлари билан биргаликда одатий ўқув дастурлари мавзу (бўлим)ларини акс эттиради<sup>28</sup>.

Маълумки, модулли ўқитишнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, унга кўра таълим олувчи ўзига тақдим этилган индивидуал ўқув дастури асосида мустақил тайёргарлик кўради. Бу ўқув дастурини бажариш учун ҳаракатларнинг режаси, ахборотлар мажмуаси, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича аниқ методик тавсияномалар бўлиши зарур. Модулли ўқитишнинг асосий талаблари жумласига қуйидагилар киради. Ҳар бир модулнинг мазмунига барча материални ўзлаштириб олиш бўйича мақсад белгилашни; модул бир ва бир неча дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилиши; модуллар мазмуни мустақил фикрлаш, мантиқий ўйлаш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиши; касбий ижодий фикрлашини ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали мазмуни муаммоли тарзда берилишига эришиш шулар жумласидандир. Модулли ўқитишда таълим олувчиларнинг билим, малака, кўникмаси қатъий равишда назоратнинг рейтинги тизимида баҳоланишини зарурият қилиб қўяди.

Ҳар бир модул бўйича тайёрланадиган ўқув материаллари ўз ичига ўқиш даврини тўлиқ қамраб олган модулли дастур, ҳар бир модул бўйича назарий материаллар (маъруза), ўқув-услубий тарқатма материаллар, ҳар бир модул

---

<sup>28</sup>Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образования. 2006. 379 с.

бўйича индивидуал топшириқлар, ўқув илмий адабиётлар рўйхати, ҳар бир модул бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар ва ҳар бир модул бўйича назорат топшириқларини қамраб олади.

Юридик таълим тизимида модулли ўқитишнинг жорий этилиши малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ҳар қандай тизимга жорий этилган янгиликнинг самараси унинг иштирокчилари томонидан пухта ўзлаштириб олинган тақдирдагина ўзининг натижасини бериши мумкин. Шу боис юридик таълимни модулли ўқитиш асосида ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш мавжуд субъектив ва объектив муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш имкониятини яратади. Айниқса бу борадаги илғор тажрибаларни семинар-тренинглар асосида муҳокама этиб ташкилий чоратадбирларнинг кўрилиши модулли ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари юридик таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради.

Юридик таълимга бўлган давлат ва жамиятнинг эҳтиёжи жуда ҳам ортиб бораётганлиги, айниқса миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллаш тажрибасига эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлашнинг объектив заруриятини инобатга олишни тақозо этмоқда. Энг муҳими бугунги тингловчи ва магистрнинг ўқув дастурларини ўзлаштириш бўйича зиммасига юклатилган вазифасини теран ҳис қилиши, юридик олий ўқув юрти профессор ўқитувчиларининг нафақат касбий маҳорати шу жумладан уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича етарли халқаро билим ва тажрибага эга бўлиши зарур. Ривожланишнинг ҳозирги инновацион босқичида юридик таълим соҳасида янги истиқболли даврнинг бошланганини инобатга олсак, ўтмишдан фарқли ўлароқ, нафақат давлат органларига балки фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам малакали юрист кадрларни тайёрлашни зарурият қилиб қўймоқда. Меҳнат бозоридаги рақобат, мутахассисдан етук малака ва тажрибага эга бўлиши талаб этмоқда.

Юридик таълим соҳаси бўйича қўйилган замонавий устувор вазифаларни амалга ошириш қўйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўришни тақозо этади: “Ҳуқуқий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами”ни тайёрлаш; Хорижий давлатларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Ҳуқуқий таълим тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш; Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб, “Ўзбекистон Республикаси илмий-педагогик ходимларининг мақоми тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикасида Юридик инновацион таълим Концепциясини ишлаб чиқиш; халқаро миқёсда тан олинган ўқув дастурларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг ҳуқуқий олий таълим бўйича стандартларини янада такомиллаштириш; ҳуқуқий таълимда ўқув услубий ва ахборот таъминоти сифатини ошириш мақсадида тақриз қилиш тартиб-таомилни такомиллаштириш ва нашрдан чиқиши керак бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича ўқитиш самарасини ошириш бўйича ўқув-услубий кенгашнинг родини кучайтириш (кенгашлар энг обрўли профессорлар, олим



ва ҳуқуқшунослардан ташкил топган бўлиши лозим); юридик таълим, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик ахборотлаштирилган таълим, юридик илм-фан ютуқларини ўқув жараёни, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ қилиш масалалари бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш; юридик кадрларни тайёрлаш ва ҳуқуқий таълимни ривожлантириш бўйича социологик тадқиқотлар олиб бориш; шу маънода ривожланган мамлакатлардаги университетларнинг таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда тингловчиларнинг ўқув академик соатлари жадвалини тузиш, уларни “суд жараёни”, “тергов жараёни”, “ҳуқуқий маслаҳат”ларга ўқув амалиётларини ўташ учун юбориш, уларда касбий юридик кўникмаларни шакллантириш самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш; маърузанинг мақсадга мувофиқлигини ошириш мақсадида ҳуқуқшунос-амалиётчиларни кенг жалб қилиш, очиқ маърузаларни ўтказишнинг таъсирчанлигини ошириш (ушбу соҳадаги асосий мутахассис-ўқитувчи томонидан) керак. Бундан ташқари, амалиётдаги ходимлар (судьялар, прокурорлар ва адвокатлар) иштирокида семинарлар ўтказиш ҳам ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Асосий эътиборни аниқ ишларни ҳал қилишга қаратилган маърузалар ва семинар машғулотларига қаратиш, бошқача сўз билан айтганда, ўқув жараёни олиб боришнинг шакллари ва методологиясини такомиллаштириш керак; ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича кадрларнинг хорижий тилга оид тайёргарлигини кучайтириш, буни ўқув жараёнларига кўп сонли тилга оид фанлар билан (ҳафтасига саккиз академик соатдан), яъни “Юридик таржима” кабиларни киритиш, уларни бутун бакалавр курсида ўқитиш йўли билан амалга ошириш даркор. Бундан ташқари, фанлар доирасида катта эътиборни услубий материалларни танлашга қаратиш, яъни дастурга хорижий тилдан она тилига таржима қилиш кўникмаларини ўргатувчи материалларга катта аҳамият қаратиш зарур; дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш; халқаро юридик тажрибага эга профессор ўқитувчилар (педагогик кадрлар) корпусини босқичма-босқич шакллантириш; юридик таълим жараёнларига ҳуқуқий амалиёт ва экспериментларни кенг татбиқ қилиш; юридик олий ўқув юртларининг халқаро ҳамкорлик бўйича истиқболли режасини ишлаб чиқиш; Тошкент давлат юридик университетининг доимий ишловчи матбуот хизматини ташкил қилиш; республика бўйича ҳуқуқ йўналиши бўйича махсус электрон-ахборот базасини шакллантириш чораларини кўриш шулар жумласидандир.

Таълим соҳаси қонун ҳужжатларининг ривожланиши таълим муассасалари ва улар таркибини инновацион тадқиқотни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини ҳар томонлама тизимли таҳлил этиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юридик таълимни модернизация қилиш – бу мураккаб ва тадрижий жараёндир. Шунинг учун юридик таълим

жараёнининг чуқур ўйлаб босқичма-босқич ислоҳ қилиниши жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга имкон беради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш қонун ҳужжатлари мониторингига ҳам узвий боғлиқ. Амалдаги қонун ҳужжатлари тизимида таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин тутаяди. Қолаверса интеллектуал ва инновацион ғояларни ривожлантириш нафақат таълим балки фанга оид қонун ҳужжатларини тизимлаштиришга бошқача айтганда уни унификация қилишни ҳам талаб этмоқда. Кези келганда шуни айтиш жоизки, гарчи республикада таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга унинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга жуда катта эътибор қаратилаётган бўлсада ҳали бу борада ўзининг ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигидан далолат беради. Таълим ва фан соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурияти шу билан изоҳланадики, улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий воситалар билан тартибга солишни тақозо этмоқда.

Инновацион ва электрон юридик таълимни ривожланиши ва фаннинг илмий-методологик асосларини янада чуқурлаштириш соҳага оид қонун ҳужжатларини тизимлилиги, уйғунлиги ва комплекслиги нуқтаи назаридан ўрганиш таълим ва фан соҳасида ижодий бошқарувнинг самарали усул ва воситаларидан фойдаланиш баробарида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш имкониятини яратади. Юридик таълим ва илм-фанни ривожлантиришнинг янги даври уни бошқаришнинг инновацион жиҳатларига жуда катта аҳамият беришни талаб этади. Энг муҳими, инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичи нафақат миллий балки халқаро юридик жараёнларни пухта кузатиб бориш, тизимли ўрганиб уни мониторингини амалга оширишни тақозо этади. Юриспруденция нафақат бизни ҳаётимизнинг ажралмас қисми балки замонавий демократик жамият ривожланишининг мўлжалини белгилайди. Айниқса юридик таълим ва фандаги анъанавий ва замонавий ёндашувнинг уйғунлашуви унинг сифати ва мазмунини бойитишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий таълим соҳаси мониторинги ҳам бевосита бир қатор ҳолатларга аниқлик киритиш имконини беради. Яъни юридик таълим жараёни замон талабларига мосми, ҳуқуқни амалда қўллашни таъминлай оладиган, жамият ва давлатнинг ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш каби бир қатор саволларга жавоб топишни талаб этади. Юридик фан соҳаси бўйича тадқиқотларнинг ҳар бир турига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришни, тайёрланаётган магистрлик ва докторлик диссертацияларининг демократик тараққиётга эришишдаги роли ва аҳамиятига ҳар томонлама баҳо беришни зарурият қилиб қўяди. Юридик таълим ва фан соҳасида ҳам фаолият тури ҳам қонунчилик соҳаси сифатида унинг комплекс мониторингини амалга оширилиши айниқса, замонавий модул тизими асосида ўқитишнинг самарадорлигига эришиш имкониятларини яратади. Юридик таълим ва фаннинг узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан таълим соҳасида чуқур илмий

тадқиқот ишларини амалга ошириш қолаверса, таълим тизимини илмий-методологик таъминлашга ёрдам беради.

Юридик таълим соҳасига фақат бир томонлама ёндашмасдан уни соҳалари бўйича тизимли таҳлилий ишларни амалга ошириш, янги истиқболли йўналиш сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиёти таълимини ривожлантиришга илмий-методологик ёндашиш жамиятда қонун устуворлигининг асосий шартидир.

Шу боис ҳозирги даврда олий ўқув юртидан кейинги таълимга эътибор қаратиб нафақат ҳуқуқшунослар балки қонунлар ижросига дахлдор ҳар бир мансабдор шахс ва мутахассисларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш ижтимоий барқарорликни ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Юридик таълим, фан, ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқий маданияти, юрист одоб-ахлоқи каби тушунча ва категорияларининг моҳиятини теран англаш, ўз навбатида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назаридан юридик фаолият ва соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш миллий ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришга хизмат қилади. Қайд этилган йўналишлар бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг кўрилиши ва мониторингини самарали ташкил этилиши асослантирилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Қонун устуворлигининг моҳиятини тушуниш ва уни амалиётда татбиқ этишда юридик таълимнинг роли ҳам беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устувор йўналишлари ҳисобланади: таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш; ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш, ... чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатидан тайёрлигига боғлиқ бўлади”. Маълумки, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, уни янада либераллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш энг долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш шароитида юридик кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасидаги вазифаларини ҳал этиш талаб этилмоқда. Чунки юксак малакали кадрлар бу борада самарали ҳуқуқий чораларни кўриш имконига эга бўлади.

Маълумки, 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг қабул қилиниши–ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимни ўзаро уйғунликда ривожлантириш ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шarti эканлигини кафолатлади.

Ушбу миллий дастурда белгиланганидек, “Юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, ўқитишнинг илғор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб қилади. Зеро, юрист нафақат муайян билимлар мажмуига эга бўлиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиши зарур.

Ўқув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши ва фуқаролик жамияти шаклланиши масалаларига, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларига жиддий эътибор қаратилиши керак”.

Жамиятнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳам, унга бўлган талаблар ҳам тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда юридик таълимни такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам бу борада босқичма-босқич ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимида таълимнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга ва уни мунтазам такомиллаштиришга эътибор берилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Юридик кадрларни тайёрлаш жараёни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги<sup>29</sup> Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури<sup>30</sup>, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, шунингдек олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳуқуқий асослар юридик таълимни янги сифат босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Юриспруденция” соҳасида кадрларни тайёрлаш истиқболли вазифа бўлиб ҳисобланади. Юриспруденция соҳасидаги тингловчи ва кадрларга юридик таълим бериш уларга ўз касбий вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг муҳим гаровидир. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги мутахассислар энг аввало, ҳуқуқий фанларнинг асосларини мукамал эгаллаган бўлишлари шарт. Юридик фанлар юриспруденция соҳасидаги тингловчи ва кадрларга қонунийлик, ҳуқуқий тартиб ва ҳуқуқий ҳулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Ўз навбатида, ҳуқуқшунослик илмидан тўлиқ хабардор бўлиш қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ идрок этишга қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уни самарали татбиқ этишнинг муҳим омилдир. Юриспруденция соҳасига кадрларни тайёрлашда ҳуқуқ ва қонунчилик асосларининг мукамал ўрганилиши, муайян ҳаётий мисолларда, уни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши, уларнинг ҳуқуқий билимларини пухта эгаллаган мутахассис сифатида шаклланишига имконият яратади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “биз эркин, демократик давлат барпо этяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-модда, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислохотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур”<sup>31</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг хизмат роли беқиёсдир. Шартнома ҳуқуқи назариясининг ривожланиши ва уни илмий методологик талқини шартнома муносабатларини янада такомиллаштиришни талаб этади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги<sup>32</sup> Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми, 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни билан эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми тасдиқланди.

Янги Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши мустақил давлат цивилистик тафаккур ривожланишининг муҳим ютуғи бўлди. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишда ва уни мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда устозимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х.Рахмонқуловнинг хизматлари беқиёсдир. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этилиши унда ўзини оқлаган нормалар ифода этилганлигидан далолат беради. Фуқаролик кодексида шартнома институти марказий ўринни эгаллайди. Ўтмишдаги Фуқаролик кодексидан фарқли равишда 2-кичик бўлим шартнома тўғрисида умумий қоидаларга бағишланган бўлиб, унинг 26-боби шартнома тушунчаси ва шартларига бағишланган. Фуқаролик кодексининг 353-моддасига кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шунингдек, унинг 354-моддасида фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Бу қоида шартнома конструкциясида рўй берган энг муҳим аҳамиятга молик янгилик бўлди. Бу норманинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўлланилаётганлиги фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда мақбул асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, қайд этилган бобда ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар, баҳо, шартноманинг амал қилиши, оммавий шартнома, шартноманинг намунавий шартлари, қўшилиш шартномаси, учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома ва

<sup>31</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –Б. 262-267.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

шартномаларни шарҳлашга оид нормаларнинг назарда тутилиши қонун ижодкорлик фаолиятининг улкан ютуғи бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Қайд этилган кичик бўлимнинг 22- боби шартнома тузишга бағишланган бўлиб унинг амалий жиҳатларига оид моддий нормаларни ўз ичига қамраб олганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, ушбу Кодекснинг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаи тўғрисидаги шартлар “қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Энг муҳими, Фуқаролик кодексида назарда тутилган шартноманинг тузилиши пайти, шартноманинг шакли, оферта, офертанинг чақириб олинмаслиги, офертага таклиф этиш, оммавий оферта, акцепт, акцептни чақириб олиш, акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш, акцепт муддати, кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш, кечиктириб олинган акцепт, бошқа шартлар асосидаги акцепт, шартноманинг тузилган жойи, мажбурий тартибда шартнома тузиш, шартнома олдидан бўладиган низолар, кимошди савдосида шартнома тузиш, кимошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби ва ким ошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатларига оид нормалар мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, ушбу Кодекс 2-кичик бўлимнинг 28-боби шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга бағишланган. Ушбу бобда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ва унинг оқибатларига оид нормалар шартномавий муносабатларнинг ривожланиш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш талаб ва заруриятдан келиб чиқиб ғоятда муҳим бўлган нормалар ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 3-кичик бўлими мажбуриятларнинг айрим турларига бағишланган, унда бир қатор шартномалар яъни олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти, айирбошлаш, ҳадя, рента, мулк ижараси, уй-жой ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи багаж ва юк ташиш, қарз ва кредит, банк омонати, банк ҳисоб-варағи, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), омонат сақлаш, суғурта, оддий ширкат кабилар ифодасини топди. Фуқаролик кодексининг шартномаларга оид нормаларнинг таҳлили ва уларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни ривожлантиришда фуқаролик қонун ҳужжатларининг роли бекиёсдир<sup>33</sup>. Шу

<sup>33</sup> Губин Е.П. Право как инструмент решение экономических проблем России // Вест. Мос. университета Серия Право 2012 №2. 3 с; Губин Е.П. Правовая политике в сфере рыночной экономики:

боис бозор муносабатлари тизимини қарор топтириш товар пул муносабатларини ҳуқуқий шакли бўлган шартномаларга (битимлари) оид нормаларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Энг аввало, маъмурий бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишда шартномаларни тузишни моҳияти ва асосларини илмий-амалий таҳлил этиш ўта долзарб масаладир. Ривожланган давлатлар илғор тажрибасини инобатга олиб ва эркин тадбиркорлик фаолиятининг амалда бўлишига хизмат қиладиган янги турдаги шартномаларни фуқаролик муомиласига киритиш устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида бобда ташкилий ҳуқуқий шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини очиб берадиган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. қонун ҳужжатларида шартномани тузилмаганлик фактини тан олиш билан боғлиқ масалани ҳал қилиш лозим. Ҳуқуқий ҳимоя воситаси сифатида бундай даъвога йўл қўйиладими ёки шартнома бўйича тарафлардан мажбурият қабул қилиб олган контрагентларни бундай даъвони тақдим этишини чеклаш мумкинми? Бу масалалар ечимини топмаганлиги сабабли бу ҳақидаги нормаларни Фуқаролик кодексига ифодалаш зарурияти вужудга келмоқда. Шартноманинг олдиндан вужудга келган муносабатга татбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Чунки бундай талаб тарафларнинг шартнома тузиш эркинлигини ҳам бир мунча чеклайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 357-моддаси 2-қисмида тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади деб, белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шу боис қайд этилган асосга кўра шартнома эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи норма сифатида унинг мазмунини қайта кўриб чиқиш лозим. ФКнинг 358-моддасида мустаҳкамланган оммавий шартнома ҳақидаги норманинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, унинг 2-қисмини ўзгартириш талаб этилади. Яъни, ушбу моддага кўра товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу тахрирни қуйидаги тахрирда ўзгартириш тавсия этилади. Оммавий шартноманинг баҳоси ҳамма истеъмолчилар ва тарафлар учун бир хил назарда тутилади. Оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзаллик ёки тарафларнинг мақомидан келиб чиқиб белгиланмаслиги лозим.

Фуқаролик кодексининг 360 моддаси 3-қисми ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф

---

теория и практика // Вестник Мос. университета 2012. №6. 23 с; Витрянский В. Общие положения об обязательствах в условиях реформирования гражданского законодательства // Хозяйство и право 2012. №3. 3 с; Фоков А.П. О системном применении гражданского права в Российской Федерации // Российская судья, 2013. №1. 2 с; Фоков А.П. Современная доктрина и гражданское законодательство // Российская судья, 2013 №6. 2 с; Примак Т.К. Реформа гражданского права: проблемы модернизации // Российская юстиция, 2012. №5. 2 с.

қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди. Бу нормани чиқаришнинг асоси шу билан изоҳлаш мумкинки, қўшилиш шартномаси конструкциясидан фойдаланиш орқали “актив томон” ўзи учун қулай шартлар асосида шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича талаби қондирилмаслик ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бу эса ўз навбатида, шартномавий мажбуриятда “актив томон” ва “пассив томон” ларнинг шартнома шартлари бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тенг равишда фойдаланиш имконини беради. Қайд этилган ҳолатларга кўра, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмаслиги “актив томонга” сезиларли тарзда ўзининг таъсирини кўрсатади. Шу сабабли таклиф этилаётган ўзгартириш қўшилиш шартномавий муносабатларда тенглик принципини таъминлашга хизмат қилади. ФКнинг 361-моддасида назарда тутилган “Дастлабки шартнома” конструкциясидан янада самарали фойдаланиш мақсадида, дастлабки шартномада мажбурий фойдаланиши лозим бўлган шартлар, дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини бир тарафнинг талаби бўйича келишувга эришилган шартлар, уни тузиш пайти бошқа муҳим шартларни келишиши билан боғлиқ шартларни бир мунча соддалаштириш лозим. Шунингдек, 361-моддага асосий шартномани тузишни суд тартибиде мажбурлаш ҳамда шартномани тузишдан бош тортаётган тарафдан зарарларни ундиришни кўзда тутувчи нормани белгилаш лозим. Бу эса ўз навбатида, қонун талаблари асосида дастлабки шартнома асосида тузиладиган шартноманинг хизмат ролини янада оширади. Қолаверса, шартнома интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шартнома тузиш ҳамда мулоқотлар олиб боришда тарафларнинг виждонсизларча хулқ-атворининг олдини олиш мақсадида хорижий ҳуқуқий тартибнинг бир қатор қоидаларини назарда тутиб, шартнома олди жавобгарлиги деб аталмиш (*culpa in contraneude*) махсус қоидаларни белгилаш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. ФКга дастлабки шартнома конструкцияси билан бир қаторда “ҳадли шартнома” ҳақидаги нормаларни киритиш масаласини муҳокама этиш лозим. Бу шартноманинг табиати дастлабки шартномадан фарқ қилади. Ҳадли шартнома келгусида шартнома тузиш мажбуриятини келтириб чиқармайди. Шартнома тузилган ҳисоблансада бироқ шартни келгусида шартномада қўлланиши ёки айнанлаштирилиши мумкин. Яъни “очиқ шартнома” ҳисобланади, келгусидаги шартлар билан келишишга йўл қўйилади. ФКнинг 364-моддаси таҳририни қуйидаги тарзда баён этиш тавсия этилади: оммавий шартномада баҳо бир хил тоифадаги истеъмолчилар ёки контрагентларни ҳаммаси учун ягона тарзда белгиланиши мумкин. Бунда оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзалликлар ёки мақомдан (хусусиятлардан) келиб чиқиб белгиланиши мумкин эмас. Қоғоз ҳужжатлар ва электрон алоқа воситалари шу жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда битим тузишни ҳуқуқий



режимини унификация қилиш мақсадида ФК нинг 366 моддаси 2-қисмининг куйидаги таҳрирда баён этиш лозим. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан шунингдек, электрон ҳужжат ёки алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини шончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Шу сабабли алоқа тармоғи бўйича бериладиган ахборот сифатида электрон, магнит ёки оптик, ёхуд ўхшаш воситалар асосида тайёрланадиган, жўнатиладиган, олинган ёки сақланадиган шу жумладан, маълумотни электрон айирбошлаш, электрон почта, телеграмма, телекс ёки телефакс башарти, улар ушбу белгилардан ҳеч бўлмаса бирортаси бўйича талабларга жавоб берса тан олинishi мумкин.

Қонун ёки тарафлар келишувида тарафлар имзолайдиган фақат битта ҳужжатни ёзма ҳолда тузиш зарурияти белгиланиши мумкин. Ушбу нормани акцептга бағишланган (ФКнинг 370-моддаси) қоидалар билан ўзаро мувофиқлаштириш зарур.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорлик субъектларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва хўжалик шерикчилик билан боғлиқ муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни (оддий ширкат)ни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш лозим. Фуқаролик кодекси нормаларини амалиётда қўллаш ҳолати далолат беришича, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ шартномавий муносабатларга оид нормалар ўзининг ифодасини топмаган. Шу сабабли ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланадиган, сув ресурслари бошқа ва табиат объектлари билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий шартномавий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади. ФК даги бундай ҳуқуқий бўшлиқни инобатга олиб табиий ресурсларга оид шартномаларга бағишланган ҳуқуқий нормаларни тизимли тарзда баён этиш зарур. Бозор муносабатлари шароитида шартнома эркинлигининг таъминланганлиги, цивилистик тафаккурнинг ютуғи бўлиб амалда рўёбга чиққанлиги ва қонунчиликда ифодаланишининг муҳим объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

ФКнинг 359-моддасида шартноманинг намунавий шарти тўғрисидаги нормалар назарда тутилган. Шу боис ушбу моддага мажбурий тузиладиган шартномаларнинг намунавий шартнома шартлари асосида тузилишига оид қоидаларни ифода этиш лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши, электрон имзо ва электрон тўлов электрон савдоларга оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб электрон битимлар бўйича нормаларни белгилаш заруриятини келтириб чиқармоқда. ФКда электрон битимлар ҳақида алоҳида нормаларни ифода этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибасидан самарали фойдаланиб, тегишли нормаларни назарда тутиш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаролик муомиласида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиши тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида иштирокининг тобора кенгайиб бориши ФКга ташқи иқтисодий битимларга оид нормаларни ифодалаш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу боис ФКда фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчиларининг ташқи иқтисодий битимларига оид қоидаларнинг белгиланиши, уни оқилона ва самарали тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг “Пудрат ҳақида”ги бобига “Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш тўғрисидаги янги қоидаларни киритиш лозим. Хорижий давлатларнинг бу борадаги фуқаролик қонунчилиги тажрибасини ўрганиб, тегишли нормаларнинг ФКда ифода этилиши давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларни бажаришга оид муносабатларни мақсадга мувофиқ тартибга солишга ёрдам беради. ФКда инкассация шартномасига оид нормалар назарда тутилмаган. Гарчи, хуқуқни қўллаш амалиётида инкассация шартномасидан келиб чиқадиган низолар учраб турсада, уларни ҳал қилиш учун хизмат қиладиган устивор қонун нормалари Фуқаролик кодексида белгиланмаган. Шу боис, хорижий давлатлар тажрибасини ва хуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб бу ҳақдаги махсус нормаларни ФКда белгилаш, уни самарали тартибга солишга хизмат қилади. ФКда амалиётда кенг қўлланилаётган қўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномалари ҳақидаги нормалар мустахкамланмаган, бу борадаги муносабатлар тарқоқ айрим қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қайд этилганларга асосан ФКга “Қўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномаларига оид махсус нормаларни ифода этиш лозим. Мамлакатимизда фуқаролик-хуқуқий муносабатлар иштирокида концессия шартномасининг кенг қўлланилаётганлиги инобатга олиб ва бу борадаги махсус қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлигини ҳамда хуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, концессия шартномасига оид нормаларни ФКда белгилаш заруратини вужудга келтириб чиқармоқда. Айниқса, ФКдаги бу ҳақдаги нормаларни тизимли ўрганиш ФКда ўхшаш нормаларни ифода этиш, концессия шартномавий муносабатларни устувор жихатдан хуқуқий тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг текинга тузиладиган шартномаларга оид нормаларини ҳомийлик тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш уни амалда қўллашнинг фуқаролик-хуқуқий воситаларни янада кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси “Ҳомийлик тўғрисидаги” қонунининг қабул қилиниши ҳомийликнинг хуқуқий шакли сифатида ҳомийлик шартномасига оид қоидаларни ифодалашни тақозо этмоқда. ФК “Ҳақ эвазига оид хизмат кўрсатиш”га оид 38-боби янада такомиллаштиришга муҳтож. Чунки, хуқуқни қўллаш амалиётидан маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш доираси янада кенгайиб бормоқда. Яъни коммунал хизмат, кўп қаватли уйларга лифт хизмати, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизмати, тиббий хизмат, риэлторлик хизмати, гаров реестри хизмати кабилар шулар жумласидандир. Шу боис ривожланган давлатларнинг Фуқаролик кодексидаги ўхшаш қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг хуқуқий тартибга солишни янада кенгайтиришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда суғурта бозорининг тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бориши ФКнинг суғурта шартномасига оид махсус нормаларни янада такомиллаштириш лозим. Айниқса, бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, уни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни ФКга мажбурий суғурта турига оид нормаларни киритиш лозим. ФКда махсулот тақсимотига оид битимлар ҳақидаги нормалар белгиланмаган. Шу боис бу борадаги махсус қонуннинг мавжудлигини инобатга олиб алоҳида бобда “Махсулот тақсимотига оид битимларга бағишланган нормаларни назарда тутиш лозим. Шунингдек, ФКда энергия таъминоти шартномаси тўғрисидаги қоидалар умумий тарзда ўз ифодасини топган. “Энергетика тўғрисида”ги ва муқобил энергияга оид қонуни ҳужжатларининг ривожланиши, унинг алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб уни такомиллаштиришнинг эҳтиёжи вужудга келмоқда. Тараққий топган давлатлар тажрибасини инобатга олиб хусусий электр таъминоти шартномавий муносабатларини ривожланиб бораётганлиги назарда тутиб келгусида истеъмолчиларни хусусий энергия таъминоти ташкилотлари билан эркин шартномавий муносабатларни қарор топтириш буйича тегишли нормаларни ифода этиш мақсадга мувофиқ. ФКнинг фуқаролар иштирокидаги улушли қурилиш шартномаси тўғрисидаги махсус бобни киритиш лозим. Бундай шартномавий алоқадорликда қурилиш ишларини бажариш фуқароларнинг уй жойга бўлган эҳтиёжларни қондиришда ҳам муҳим ҳуқуқий восита бўлиб ҳисобланади. Бу миллий кадриятларимизга ҳам мос келади. Фуқароларнинг “хашар” асосида қурилишни ўз хиссаларини қўшиб амалга ошириши нафақат уй-жой балки, тадбиркорлик мақсадида корпоратив шартномаларга асосланган, кўчмас мулк сирасига кирадиган, бино, иншоотларнинг қурилишини янада кенг қўламда амалга ошириш имкониятини яратади. ФКга қўшимча равишда текинга хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақидаги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай шартномалар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, махсус ҳуқуқий қоидаларни назарда тутишни тақозо этади. ФКнинг олди–сотди шартномасига бағишланган бобига биржада олди–сотди шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларни мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик кодексининг шартномаларга оид нормаларнинг такомиллаштирилиши уни келгусида амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

## 2-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари

### Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий тенденциялари
3. Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, умумлаштириш, қиёсий жадвал тузиш, халқаро ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириб тақдим этишга қўйилган талабларнинг моҳияти
4. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда унинг назарий ва қонунчилик манбаларини ўрганишни ташкил этишнинг методик жиҳатлари

Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг хизмат роли бекиёсдир. Шартнома ҳуқуқи нозариясининг ривожланиши ва уни илмий методологик талқини шартнома муносабатларини янада такомиллаштиришни талаб этади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида<sup>34</sup> Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми, 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида<sup>34</sup> Қонуни билан эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми тасдиқланди.

Янги Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши мустақил давлат цивилистик тафаккур ривожланишининг муҳим ютуғи бўлди. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишда ва уни мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда устозимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х.Рахмонқуловнинг хизматлари бекиёсдир. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этилиши унда ўзини оқлаган нормалар ифода этилганлигидан далолат беради. Фуқаролик кодексида шартнома институти марказий ўринни эгаллайди. Ўтмишдаги Фуқаролик кодексидан фарқли равишда 2-кичик бўлим шартнома тўғрисида умумий қоидаларга бағишланган бўлиб, унинг 26-боби шартнома тушунчаси ва шартларига бағишланган. Фуқаролик кодексининг 353-моддасига кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шунингдек, унинг 354-моддасида фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Бу қоида шартнома конструкциясида рўй

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

берган энг муҳим аҳамиятга молик янгилик бўлди. Бу норманинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўлланилаётганлиги фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда мақбул асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, қайд этилган бобда ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар, баҳо, шартноманинг амал қилиши, оммавий шартнома, шартноманинг намунавий шартлари, қўшилиш шартномаси, учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома ва шартномаларни шарҳлашга оид нормаларнинг назарда тутилиши қонун ижодкорлик фаолиятининг улкан ютуғи бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Қайд этилган кичик бўлимнинг 22- боби шартнома тузишга бағишланган бўлиб унинг амалий жиҳатларига оид моддий нормаларни ўз ичига қамраб олганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, ушбу Кодекснинг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаи тўғрисидаги шартлар “қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Энг муҳими, Фуқаролик кодексида назарда тутилган шартноманинг тузилиши пайти, шартноманинг шакли, оферта, офертанинг чақириб олинмаслиги, офертага таклиф этиш, оммавий оферта, акцепт, акцептни чақириб олиш, акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш, акцепт муддати, кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш, кечиктириб олинган акцепт, бошқа шартлар асосидаги акцепт, шартноманинг тузилган жойи, мажбурий тартибда шартнома тузиш, шартнома олдидан бўладиган низолар, кимошди савдосида шартнома тузиш, кимошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби ва ким ошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатларига оид нормалар мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, ушбу Кодекс 2-кичик бўлимнинг 28-боби шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга бағишланган. Ушбу бобда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ва унинг оқибатларига оид нормалар шартномавий муносабатларнинг ривожланиш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш талаб ва заруриятдан келиб чиқиб ғоятда муҳим бўлган нормалар ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 3-кичик бўлими мажбуриятларнинг айрим турларига бағишланган, унда бир қатор шартномалар яъни олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти, айирбошлаш, ҳадя, рента, мулк ижараси, уй-жой ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи багаж ва юк ташиш, қарз ва кредит, банк омонати, банк ҳисоб-варағи, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), омонат сақлаш, суғурта, оддий ширкат кабилар ифодасини

топди. Фуқаролик кодексининг шартномаларга оид нормаларнинг таҳлили ва уларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни ривожлантиришда фуқаролик қонун ҳужжатларининг роли беқиёсдир<sup>35</sup>. Шу боис бозор муносабатлари тизимини қарор топтириш товар пул муносабатларини ҳуқуқий шакли бўлган шартномаларга (битимлари) оид нормаларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Энг аввало, маъмурий бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишда шартномаларни тузишни моҳияти ва асосларини илмий-амалий таҳлил этиш ўта долзарб масаладир. Ривожланган давлатлар илғор тажрибасини инобатга олиб ва эркин тадбиркорлик фаолиятининг амалда бўлишига хизмат қиладиган янги турдаги шартномаларни фуқаролик муомиласига киритиш устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида бобда ташкилий ҳуқуқий шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини очиб берадиган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ қонун ҳужжатларида шартномани тузилмаганлик фактини тан олиш билан боғлиқ масалани ҳал қилиш лозим. Ҳуқуқий ҳимоя воситаси сифатида бундай даъвога йўл қўйиладими ёки шартнома бўйича тарафлардан мажбурият қабул қилиб олган контрагентларни бундай даъвони тақдим этишини чеклаш мумкинми? Бу масалалар ечимини топмаганлиги сабабли бу ҳақидаги нормаларни Фуқаролик кодексига ифодалаш зарурияти вужудга келмоқда. Шартноманинг олдиндан вужудга келган муносабатга татбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Чунки бундай талаб тарафларнинг шартнома тузиш эркинлигини ҳам бир мунча чеклайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 357-моддаси 2-қисмида тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади деб, белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шу боис қайд этилган асосга кўра шартнома эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи норма сифатида унинг мазмунини қайта кўриб чиқиш лозим. ФКнинг 358-моддасида мустаҳкамланган оммавий шартнома ҳақидаги норманинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, унинг 2-қисмини ўзгартириш талаб этилади. Яъни, ушбу моддага кўра товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу

---

<sup>35</sup> Губин Е.П. Право как инструмент решение экономических проблем России // Вест. Мос. университета Серия Право 2012 №2. 3 с; Губин Е.П. Правовая политике в сфере рыночной экономики: теория и практика // Вестник Мос. университета 2012. №6. 23 с; Витрянский В. Общие положения об обязательствах в условиях реформирования гражданского законодательства // Хозяйство и право 2012. №3. 3 с; Фоков А.П. О системном применении гражданское право в Российской Федерации // Российская судья, 2013. №1. 2 с; Фоков А.П. Современная доктрина и гражданское законодательство // Российская судья, 2013 №6. 2 с; Примак Т.К. Реформа гражданское право: проблемы модернизации // Российская юстиции, 2012. №5. 2 с.

тахрирни қуйидаги тахрирда ўзгартириш тавсия этилади. Оммавий шартноманинг баҳоси ҳамма истеъмолчилар ва тарафлар учун бир хил назарда тутилади. Оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзаллик ёки тарафларнинг мақомидан келиб чиқиб белгиланмаслиги лозим.

Фуқаролик кодексининг 360 моддаси 3-қисми ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди. Бу нормани чиқаришнинг асоси шу билан изоҳлаш мумкинки, қўшилиш шартномаси конструкциясидан фойдаланиш орқали “актив томон” ўзи учун қулай шартлар асосида шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича талаби қондирилмаслик ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бу эса ўз навбатида, шартномавий мажбуриятда “актив томон” ва “пассив томон” ларнинг шартнома шартлари бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тенг равишда фойдаланиш имконини беради. Қайд этилган ҳолатларга кўра, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмаслиги “актив томонга” сезиларли тарзда ўзининг таъсирини кўрсатади. Шу сабабли таклиф этилаётган ўзгартириш қўшилиш шартномавий муносабатларда тенглик принципини таъминлашга хизмат қилади. ФКнинг 361-моддасида назарда тутилган “Дастлабки шартнома” конструкциясидан янада самарали фойдаланиш мақсадида, дастлабки шартномада мажбурий ифодаланиши лозим бўлган шартлар, дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини бир тарафнинг талаби бўйича келишувга эришилган шартлар, уни тузиш пайти бошқа муҳим шартларни келишиши билан боғлиқ шартларни бир мунча соддалаштириш лозим. Шунингдек, 361-моддага асосий шартномани тузишни суд тартибида мажбурлаш ҳамда шартномани тузишдан бош тортаётган тарафдан зарарларни ундиришни кўзда тутувчи нормани белгилаш лозим. Бу эса ўз навбатида, қонун талаблари асосида дастлабки шартнома асосида тузиладиган шартноманинг хизмат ролини янада оширади. Қолаверса, шартнома интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шартнома тузиш ҳамда мулоқотлар олиб боришда тарафларнинг виждонсизларча хулқ-атворининг олдини олиш мақсадида хорижий ҳуқуқий тартибнинг бир қатор қоидаларини назарда тутиб, шартнома олди жавобгарлиги деб аталмиш (*culpa in contraneude*) махсус қоидаларни белгилаш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. ФКга дастлабки шартнома конструкцияси билан бир қаторда “ҳадли шартнома” ҳақидаги нормаларни киритиш масаласини муҳокама этиш лозим. Бу шартноманинг табиати дастлабки шартномадан фарқ қилади. Ҳадли шартнома келгусида шартнома тузиш мажбуриятини келтириб чиқармайди. Шартнома тузилган ҳисоблансада бироқ шarti келгусида шартномада қўлланиши ёки айнанлаштирилиши мумкин. Яъни “очиқ шартнома” ҳисобланади, келгусидаги шартлар билан

келишишга йўл қўйилади. ФКнинг 364-моддаси таҳририни қуйидаги тарзда баён этиш тавсия этилади: оммавий шартномада баҳо бир хил тоифадаги истеъмолчилар ёки контрагентларни ҳаммаси учун ягона тарзда белгиланиши мумкин. Бунда оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзалликлар ёки мақомдан (хусусиятлардан) келиб чиқиб белгиланиши мумкин эмас. Қоғоз ҳужжатлар ва электрон алоқа воситалари шу жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда битим тузишни ҳуқуқий режимини унификация қилиш мақсадида ФКнинг 366 моддаси 2-қисмининг қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан шунингдек, электрон ҳужжат ёки алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини шончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Шу сабабли алоқа тармоғи бўйича бериладиган ахборот сифатида электрон, магнит ёки оптик, ёхуд ўхшаш воситалар асосида тайёрланадиган, жўнатиладиган, олинган ёки сақланадиган шу жумладан, маълумотни электрон айирбошлаш, электрон почта, телеграмма, телекс ёки телефакс башарти, улар ушбу белгилардан ҳеч бўлмаса бирортаси бўйича талабларга жавоб берса тан олинishi мумкин.

Қонун ёки тарафлар келишувида тарафлар имзолайдиган фақат битта ҳужжатни ёзма ҳолда тузиш зарурияти белгиланиши мумкин. Ушбу нормани акцептга бағишланган (ФКнинг 370-моддаси) қоидалар билан ўзаро мувофиқлаштириш зарур.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорлик субъектларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва хўжалик шерикчилик билан боғлиқ муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни (оддий ширкат)ни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш лозим. Фуқаролик кодекси нормаларини амалиётда қўллаш ҳолати далолат беришича, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ шартномавий муносабатларга оид нормалар ўзининг ифодасини топмаган. Шу сабабли ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланадиган, сув ресурслари бошқа ва табиат объектлари билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий шартномавий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади. ФК даги бундай ҳуқуқий бўшлиқни инобатга олиб табиий ресурсларга оид шартномаларга бағишланган ҳуқуқий нормаларни тизимли тарзда баён этиш зарур. Бозор муносабатлари шароитида шартнома эркинлигининг таъминланганлиги, цивилистик тафаккурнинг ютуғи бўлиб амалда рўёбга чиққанлиги ва қонунчиликда ифодаланишининг муҳим объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

ФКнинг 359-моддасида шартноманинг намунавий шarti тўғрисидаги нормалар назарда тутилган. Шу боис ушбу моддага мажбурий тузиладиган шартномаларнинг намунавий шартнома шартлари асосида тузилишига оид қоидаларни ифода этиш лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши, электрон имзо ва электрон тўлов электрон савдоларга оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб электрон битимлар бўйича нормаларни



белгилаш заруриятини келтириб чиқармоқда. ФКда электрон битимлар ҳақида алоҳида нормаларни ифода этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибасидан самарали фойдаланиб, тегишли нормаларни назарда тутиш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаролик муомиласида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларига кўшилиши тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида иштирокининг тобора кенгайиб бориши ФКга ташқи иқтисодий битимларга оид нормаларни ифодалаш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу боис ФКда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ташқи иқтисодий битимларига оид қоидаларнинг белгиланиши, уни оқилона ва самарали тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг “Пудрат ҳақида”ги бобига “Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш тўғрисидаги янги қоидаларни киритиш лозим. Хорижий давлатларнинг бу борадаги фуқаролик қонунчилиги тажрибасини ўрганиб, тегишли нормаларнинг ФКда ифода этилиши давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларни бажаришга оид муносабатларни мақсадга мувофиқ тартибга солишга ёрдам беради. ФКда инкассация шартномасига оид нормалар назарда тутилмаган. Гарчи, ҳуқуқни қўллаш амалиётида инкассация шартномасидан келиб чиқадиган низолар учраб турсада, уларни ҳал қилиш учун хизмат қиладиган устивор қонун нормалари Фуқаролик кодексида белгиланмаган. Шу боис, хорижий давлатлар тажрибасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб бу ҳақдаги махсус нормаларни ФКда белгилаш, уни самарали тартибга солишга хизмат қилади. ФКда амалиётда кенг қўлланилаётган кўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномалари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланмаган, бу борадаги муносабатлар тарқоқ айрим қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қайд этилганларга асосан ФКга “Кўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномаларига оид махсус нормаларни ифода этиш лозим. Мамлакатимизда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокида концессия шартномасининг кенг қўлланилаётганлиги инобатга олиб ва бу борадаги махсус қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлигини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, концессия шартномасига оид нормаларни ФКда белгилаш заруратини вужудга келтириб чиқармоқда. Айниқса, ФКдаги бу ҳақдаги нормаларни тизимли ўрганиш ФКда ўхшаш нормаларни ифода этиш, концессия шартномавий муносабатларни устувор жихатдан ҳуқуқий тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг текинга тузиладиган шартномаларга оид нормаларини ҳомийлик тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш уни амалда қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни янада кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси “Ҳомийлик тўғрисидаги” қонунининг қабул қилиниши ҳомийликнинг ҳуқуқий шакли сифатида ҳомийлик шартномасига оид қоидаларни ифодалашни тақозо этмоқда. ФК “Ҳақ эвазига оид хизмат кўрсатиш”га оид 38-боби янада такомиллаштиришга муҳтож. Чунки, ҳуқуқни

қўллаш амалиётидан маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш доираси янада кенгайиб бормоқда. Яъни коммунал хизмат, кўп қаватли уйларга лифт хизмати, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизмати, тиббий хизмат, риэлторлик хизмати, гаров реестри хизмати кабилар шулар жумласидандир. Шу боис ривожланган давлатларнинг Фуқаролик кодексидаги ўхшаш қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солишни янада кенгайтиришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда суғурта бозорининг тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бориши ФКнинг суғурта шартномасига оид махсус нормаларни янада такомиллаштириш лозим. Айниқса, бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, уни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни ФКга мажбурий суғурта турига оид нормаларни киритиш лозим. ФКда маҳсулот тақсимотида оид битимлар ҳақидаги нормалар белгиланмаган. Шу боис бу борадаги махсус қонуннинг мавжудлигини инобатга олиб алоҳида бобда “Маҳсулот тақсимотида оид битимларга бағишланган нормаларни назарда тутиш лозим. Шунингдек, ФКда энергия таъминоти шартномаси тўғрисидаги қоидалар умумий тарзда ўз ифодасини топган. “Энергетика тўғрисида”ги ва муқобил энергияга оид қонуни ҳужжатларининг ривожланиши, унинг алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб уни такомиллаштиришнинг эҳтиёжи вужудга келмоқда. Тараққий топган давлатлар тажрибасини инобатга олиб хусусий электр таъминоти шартномавий муносабатларини ривожланиб бораётганлиги назарда тутиб келгусида истеъмолчиларни хусусий энергия таъминоти ташкилотлари билан эркин шартномавий муносабатларни қарор топтириш буйича тегишли нормаларни ифода этиш мақсадга мувофиқ. ФКнинг фуқаролар иштирокидаги улушли қурилиш шартномаси тўғрисидаги махсус бобни киритиш лозим. Бундай шартномавий алоқадорликда қурилиш ишларини бажариш фуқароларнинг уй жойга бўлган эҳтиёжларни қондиришда ҳам муҳим ҳуқуқий восита бўлиб ҳисобланади. Бу миллий кадриятларимизга ҳам мос келади. Фуқароларнинг “хашар” асосида қурилишни ўз ҳиссаларини қўшиб амалга ошириши нафақат уй-жой балки, тадбиркорлик мақсадида корпоратив шартномаларга асосланган, кўчмас мулк сирасига кирадиган, бино, иншоотларнинг қурилишини янада кенг кўламда амалга ошириш имкониятини яратади. ФКга қўшимча равишда текинга хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақидаги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай шартномалар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, махсус ҳуқуқий қоидаларни назарда тутишни тақозо этади. ФКнинг олди–сотди шартномасига бағишланган бобига биржада олди–сотди шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларни мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик кодексининг шартномаларга оид нормаларнинг такомиллаштирилиши уни келгусида амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

### **3-мавзу. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари**

#### **Режа:**

1. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аҳамияти ва умумий тавсифи
2. Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари
3. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини тузиш ва тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга оид ўқув методик талабларнинг мазмуни

Жамиятда ҳуқуқнинг мавқеини ошириш, унинг инсонлар ҳуққ атворига ва ижтимоий муносабатларга таъсири ва хизмат ролини кучайтириш ҳуқуқни қўллаш фаолияти механизмини қай даражада тизимли ташкил этишга боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳуқуқ реализацияси уни реал амалиётда амалга оширишнинг мураккаб механизми сифатида фойдаланилади. Кўплаб юрист олимлар ҳуқуқ реализацияси шаклига риоя этиш, фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллашни киритади.<sup>1</sup> Ҳуқуқни реализацияси ҳуқуқни тартибга солишнинг яқунловчи босқичи бўлиши баробарида субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижтимоий ҳаётда татбиқ этилишини англатади. Худди шу маънода ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги давомида қайд этилган ҳуқуқ реализацияси яқунловчи босқичи кузатилади, баҳоланади ва уни механизмини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Жамиятда норматив-ҳуқуқий тизимнинг жадал ривожланиб бориши ҳуқуқга бўлган қараш ва муносабатларнинг чуқурлашувига айниқса ҳуқуқни қўллаш фаолияти механизмига малакали ва тизимли ёндашув бўлишини тақозо этмоқда. Ўтмишда марказлашган тоталитар норматив-ҳуқуқий тизим ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизмидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермас эди. Чунки, ҳуқуқнинг реализацияси маъмурий буйруқбозликка асосланган ҳуқуқни қўллаш амалиётига салбий таъсир кўрсатар эди. Бошқача айтганда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизми афзалликларидан қонун ижодкорлик фаолиятида фойдаланиш имконияти чекланган эди. Айниқса, норматив-ҳуқуқий тизим энг аввало, қонунчилик асосларида умумий тарзда ифода этилиши сабабли республикаларнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермас эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида миллий қонунчиликни ривожлантириш учун объектив имконият яратилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳуқуқни қўллаш

---

<sup>1</sup> Недбайло П.Е. Применения советских правовых норм- М.: 1960; Фалькина Т.И. Формы реализации права и механизм их осуществления. Автореферат. дисс...к.ю.н. Нижний Новгород.,2007.

амалиётидан фойдаланишнинг асослари босқичма-босқич шакллантирилиб борилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида қонун лойиҳасини тайёрлаш қонунчиликнинг ҳолатини чуқур ўрганишга, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлашга, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиётини таҳлил этишга асосланади.

Мамлакатимизда бу борада яратилган ҳуқуқий тизим янги қонун ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш имкониятини яратмоқда. Бошқача айтганда, давлатнинг қонун ижодкорлик сиёсатини ривожлантириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Чунки, Конституция ва қонун устиворлигини таъминлашни қолаверса, самарали қонун ижодкорлиги сиёсатини амалга оширишни тақозо этади.<sup>36</sup> Қонун ижодкорлик сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Тоталитар тузум пайтида марказлашган норматив-ҳуқуқий тизим ҳуқумронлиги ҳуқуқни қўллаш фаолияти ютуқларидан самарали фойдаланиш имконини бермас эди.

Мамлакатимизда Конституция ва қонуннинг устунлиги таъминланиши, инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатланиши, миллий ҳуқуқий тизимни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар ҳуқуқни қўллаш амалиётига бўлган қараш ва муносабатни тубдан ўзгартирмоқда. Қонун ижодкорлик фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётига эътиборнинг тобора ортиб бораётганлиги нафақат амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида балки унинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги институционал тузилмалари ҳам шаклланиб бораётганлиги миллий ҳуқуқий тизим тараққиётининг муҳим ютуғидир. Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизми жамиятдаги ҳуқуқий онгга таъсири остида ривожланиши юридик тараққиётнинг муҳим гаровидир. Бунинг маъноси шундан иборатки, яратилган қонун давлат ва ижтимоий тузилмалар орқали ижроси таъминланиб ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг ва фуқаронинг ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳуқуқий онг орқали ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизми янада такомиллашиб қонунчиликдаги “бўшлиқ” ва “заиф нуқталар” тўлдиришга эришилади. Яъни, норматив-ҳуқуқий тизим самарадорлигига эришилади, ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги тушунмовчиликлар турлича қонун нормаларини талқин этишнинг олди олинади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизминини самарадорлигига эришиш ушбу йўналишда тизимли амалга ошириладиган мониторинг натижасига боғлиқдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни қисман эмас, балки тўлиқ

---

<sup>36</sup> Батафсил қаранг: Мазуренко А.П. Тенденции развития правотворческой политики// Юрист-Правоведь 2009-№2.С.6-13.

тушунишни шу жумладан, унинг реализациясини ҳам ўзида ифода этадиган кўп томонлама ҳодиса сифатида ривожланади ва турли хил кўринишда намоён бўлади. Миллий ҳуқуқий тизим диалектикаси энг аввало ана шу тадрижий жараёни ҳар қандай ҳолда ва шароитда тизимли таҳлил этиб унинг мониторингини юритишни тақозо этади. Бугунги ҳуқуқий ҳаққонийликнинг мезонини эътиборга олсак, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги кенг маънода халқаро ва ривожланган давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳам тизимли таҳлил этиш ва уни кузатишни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро мониторинги тизимини такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига қонун ҳужжатлари айниқса, тадбиркорлик субъектлари манфаатларига тааллуқли қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатишнинг замонавий принцип, усул ва ёндашувларни жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бундай баҳолаш тизими қонун ҳужжатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Энг муҳими, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг ижроси тизимли таҳлил қилиниб унинг сифатини яхшилашга ва технологиясининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида норматив-ҳуқуқ ижодкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қайд этилган қарорда белгиланган чоратадбирлар қонун ҳужжатларига таъсир кўрсатишнинг баҳолаш тизимининг жорий этилиши рақобат, риэлторлик фаолияти вақтинчалик фойдаланилмайдиган давлат мулкни ижарага бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишга турли хил рухсатномалар олиш, тадбиркорлик субъектларини тугатиш, чет эл инвестицияси, санитар назорати соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш имкониятини яратади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти механизмларини мониторинги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий қарашлар, ҳуқуқий концепция ва назарияни ривожлантиришга имконият яратади. Бу механизм ҳуқуқни қўлловчи ҳамма субъектлар ҳуқуқ-атвори динамикасини белгилайди. Қонун ва унинг ижроси билан боғлиқ барча жараёнда бу механизмнинг афзалликлари, ютуғи ва камчиликлар аниқланади ва истиқболли йўналишларни ишлаб чиқишга эришилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизми унинг ресурс таъминотини (яъни, меҳнат, молиявий, моддий ва бошқа ресурслар) узвий боғлиқдир. Мониторинг натижасида бундай таъминотнинг ҳолати аниқланиши ҳуқуқий химоя тизимини ташкилий ва моддий таъминлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизмнинг кўлами жуда ҳам кенг бўлиб риоя этиш, ижро этиш, фойдаланиш ва қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар

доирасида амал қилади. Шу сабабли ҳуқуқий мониторинг давомида ушбу ҳар бир усулга баҳо берилади. Амалдаги қонун ҳужжатларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан мониторингини амалга оширишда субъектив ҳуқуқ ва мажбурятларнинг реализацияси қай даражада мутаносиб равишда ҳимоя тизими орқали таъминланаётгани ҳал қилувчи ўрин тутаети. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг субъектлари ва улар мақомининг норматив тусда ифода этилганлик ҳолати аниқланади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизми унинг субъектлари ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришни ёки бўлмаса унинг таъсирчан ҳуқуқий воситаларидан самарали фойдаланишини назарда тутаети.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини юритишда норматив тартибга солиш билан ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ўртасидаги нисбатга баҳо бериш аҳамиятлидир. Қонунчилик нуқтаи назаридан ёндошганда ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг асосини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ташкил этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати моддий-процессуал ҳуқуқ нормаси асосида қабул қилинади ва муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий мониторинг жараёнида ушбу ҳуқуқий оқибат генезисини аниқлаш ҳуқуқни қўллаш субъектининг ҳуқуқ ва мажбурятларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Ҳуқуқий мониторинг натижасида энг муҳими “ҳуқуқий инфляция” га объектив баҳо бериш зарур. Бундай тушунчанинг мазмун моҳияти шу билан изоҳланадики, ҳуқуқни қўлловчи субъект мавжуд норматив-ҳуқуқий массивдан самарали фойдаланади ёки нотўғри талқин этади ёхуд ҳимоя тизими таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатади. Норматив-ҳуқуқий бўшлиқ шароитида ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг ҳужжати қабул қилиниши ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни барқарорлигини таъминлашга ҳамда Конституция ва қонун устуворлигини қарор топтиришга салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш механизмларини илмий – амалий таҳлил этишга объектив эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Бошқача айтганда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилмасдан миллий қонунчиликни ривожлантириш мушкул масаладир. Умуман олганда, ҳуқуқий ҳаётимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришларнинг пировард натижаси ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарадорликка эришишни тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тарихий-ҳуқуқий тадқиқ этиш юридик фан олдида турган долзарб вазифадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳақидаги ғоя ва принципларнинг моҳиятини очиб бериш ҳуқуқни қўллаш методологиясини тушуниб олишга ёрдам беради. Энг муҳими ҳуқуқни қўллаш амалиёти доктринасининг назарий фундаментал асосларини ишлаб чиқиш баробарида унинг механизмларини такомиллаштириш муаммолари ҳуқуқий фанларнинг тартибга солиш предмети ва методи нуқтаи

назаридан ўрганилиши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши ҳуқуқий демократик тараққиёт учун хизмат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги энг долзарб масала моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ўртасидаги нисбат масаласидир. Шаклланган қонунчилик амалиётига кўра, миллий ҳуқуқ тизимида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари асослари яратилган. Кодификациялаштирилган норматив-ҳуқуқий база ҳам шаклланган бўлиб, ривожланиб бормоқда. Маълумки, кодификациялаштирилган ҳуқуқ нормалари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра моддий ва процессуал ҳуқуқий нормалар тизимида бўлинади. Шу сабабли ҳозирги пайтда юридик адабиётлардаги энг баҳсли масала моддий ва процессуал ҳуқуқий нормаси ўртасидаги нисбат масаласидир. Миллий қонунчилик тажрибаси кўрсатишича, процессуал ҳуқуқ нормасига нисбатан моддий ҳуқуқ нормалари жадал ривожланмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти далолат беришича, агар моддий ҳуқуқ нормасини амалиётга қўллаш билан боғлиқ процессуал ҳуқуқ нормалари ривожлантирилмаса, улар декларатив тусга эга бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтдаги юриспруденцияда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларни амалиётга қўллаш даражаси объектив баҳоланиб келяпти, деб бўлмайди. Шу сабабли амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритишда қонуннинг ҳар бир нормасини амалиётга қўллаш даражасига баҳо берилиши унинг самарадорлигини аниқлаш имконини яратади. Шу маънода миллий ҳуқуқ тизимида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ривожланишини ўрганиш баробарида “процессуал ҳуқуқий тизим”нинг янги истиқболли йўналишларига асос солиш фурсати етди, дейиш мумкин.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон юриспруденцияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида долзарб масала бўлиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади. Бинобарин айтилган пайтда, ҳаётини савол туғилади. Нима учун жойларда қонунлар самарали ижро қилинмаяпти? Бу соҳада қандай чораларни кечиктирмасдан кўриш талаб этилмоқда? Бу саволларга жавоб топиш бир қатор вазифаларни бажаришни тақозо этади. Энг аввало, қонунларни жойларга етказиш механизмларини яратиш ва уни амалиётда татбиқ этиш зарур. Қонун нормаси ва талабларини ижро қилишни яхшилаш йўллари топиш объектив заруриятдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли амалга ошириш ва муаммоли-мақсадли масалалар истиқболли вазифа эканлиги диққат эътиборда бўлиши шарт. Бошқача айтганда, миллий қонунчилик диалектикаси ҳуқуқни қўллаш амалиётини жиддий тарзда таҳлил этишни талаб этади. Оддий ҳақиқат бўлган тушунчани яъни, “ҳуқуқни қўллаш - бу қонунларнинг ижроси демакдир” маъно-мазмунини ҳамма теран англаши, амалиётга нисбатан тизимли ёндашув ва таҳлил бўлган тақдирда устивор вазифаларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Агар ҳуқуқни қўллаш амалиёти қонунларни сифатли тайёрлашнинг асосий мезони эканлигини, қонун ижодкорлик жараёни билан ҳамбарчас боғлиқлигини назарда тутсак, буни таъминламасдан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириб бўлмаслиги аён.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш механизмларини очиб беришда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалаларни ёритиб бериш лозим. Бундай масалалар жумласига ҳуқуқни қўллаш фаолияти, тушунчаси, аҳамияти ва методи, ҳуқуқни қўллаш предмети, субъектлари ва объектлари, ҳуқуқни қўллаш тизими ва асосий тамойиллари, қонун ҳужжатларининг ижроси ва аҳолига етказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ва унга қўйиладиган талаблар, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши киради. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва вазифалари, ҳуқуқни қўллаш субъектлари фаолиятининг асослари ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингининг ўзига хос хусусиятлари ҳам очиб берилиши лозим. Айниқса президентлик институти ва ижро ҳокимиятининг ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги назорати функцияси, ҳуқуқни қўллашда парламент назоратининг тутган ўрни ва роли суд ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзига хос жиҳатлари, прокуратура, адлия органлари, хўжалик судлари, ички ишлар, солиқ, божхона органларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти, адвокатуранинг ҳуқуқни қўллашдаги тутган ўрни ва роли тизимли таҳлил этилиши талаб этилмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва уни амалиётда қўллашни таҳлил этишни ўтказишда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш лозим. Биринчидан, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаларининг ҳаддан ташқари кўплиги ёки етишмаслигини аниқлаш; бир-бири билан зид бўлган ёки такрорлайдиган, ўз аҳамиятини йўқотган, эскирган нормаларга баҳо бериш; амалиётда ҳар хил талқин қилинаётган нормаларни аниқлаш; ҳуқуқ аналогияси, қонун аналогияси асосида қўллаш мавжудми, амалиётда қонун ҳужжатларини субсидиар қўллаш ҳолатларига йўл қўйиляптими, амалдаги қонун ҳужжатларини нотўғри татбиқ этиш сабабларини аниқлаб, унга баҳо бериш; қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа оқибатларини тизимли таҳлил қилиш; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим. Иккинчидан, қонун ҳужжати ва уни амалиётда қўллаш, таҳлил қилиш учун тайёрлаш ва таҳлил натижаларига кўра асослантирилган хулосаларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштириш. Учинчидан, қонун ҳужжати ва уни амалиётда қўллашни таҳлил этишга тайёрлаш учун таҳлилни объекти ва предмети, амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганиладиган давр ёки унинг оралиғи (масалан, олти ой, бир йил, икки йил ёки бошқа муддат), қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган материаллар миқдори аниқлаб олиниши талаб этилади. Тўртинчидан, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уни амалиётда қўллаш қуйидаги материал ва манбаларни ўрганиш асосида амалга оширилади. Хусусан, ушбу муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан қонун ости ҳужжатлар, идоравий ҳужжатлар, қонун ҳужжатлари қўллаш амалиёти таҳлиллари (масалан, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги ва бошқа давлат органлари)



мамлакатда конституциявий қонунийликнинг ҳолати ҳамда ахборот; амалдаги қонун ҳужжатлари муаммолари бўйича ўтказиладиган илмий-амалий конференция, семинар, давра суҳбатлари материаллари; фуқароларнинг давлат органларига мурожаати; нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган материаллар; оммавий ахборот воситаларида шу жумладан, илмий нашрлардаги ахборотлар; ҳуқуқни қўллаш масалалари бўйича социологик тадқиқот натижалари; статистик маълумотлар; илгари бу ҳақда ёки шунга ўхшаш мавзуда ўтказилган таҳлиллар; бошқа манбалар. Энг муҳими, амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлили ўтказиладиганда муайян соҳадаги амалдаги қонун ҳужжати ўрганилади, уни тизимлигига, ушбу соҳада уни қўллашнинг ижтимоий аҳамияти, ҳуқуқий механизмнинг мувофиқлигига баҳо берилади. Яъни, амалдаги қонунчилик ва уни қўллашдаги ўзаро номутаносиблик бир ёки турдош турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда унинг нормалари ўртасидаги қарама-қарши, зиддиятли, тафовутли нормалар мавжудлиги аниқланади; муайян ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар тизимли таҳлил этилади; ҳаволаки нормаларнинг ҳолатига баҳо берилади; муайян муддатда амал қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда доимий (муддатсиз) норманинг амалда бўлиши ёки муайян муддатда амалда бўладиган норманинг доимий (муддатсиз) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ифодаланиши; ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик-лингвистик талабларининг бузилиши кабилар шулар жумласидандир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилларини баён этишда қандай ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилганлиги, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати, жадваллар, схемалар, услубий қўлланмалар, сўров варақалари ва бошқа таъқиқловчи ҳужжатлар таҳлилий маълумотномада батафсил ўз ифодасини топиши лозим. Ўтказилган таҳлилни расмийлаштиришда олинган хулоса ва таклифлар ҳар томонлама илмий ва амалий асослангириб берилиши талаб этилади. Бундай таклифлар бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид яъни, қонун ҳужжатини алоҳида норма ёки қоидалари амалда бўлмаган ёки эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотди деб топиш, таҳлил қилинган қонун ҳужжати қоидаларини амалга оширишга қаратилган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштириш; қонун ҳужжатини тизимлаштириш; амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа таклифлардан иборат бўлиши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва уни амалиётда татбиқ этиш билан боғлиқ материалларни ўрганиш натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тузилади. Ушбу маълумотнома амалдаги қонун ҳужжати ва уни амалиётда татбиқ этишни такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уни амалиётда қўллаш механизмларининг такомиллаштирилиши нафақат қонун ижодкорлиги фаолиятининг қолаверса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ. Умуман олганда, ҳуқуқий маданият юксак умуминсоний қадрият бўлганлиги сабабли, ҳар бир шахсни хулқ-атворида, ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ифода этилган умум ижтимоий ва субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришда ёрқин намоён бўлади. Субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиш пировардида ҳуқуқни қўллаш орқали таъминланади. Ҳуқуқий норманинг ҳаётийлиги ва самарадорлиги қачонки, ҳуқуқни қўлловчи субъект уни идрок этса ва унга риоя этсагина таъминланиши мумкин. Қонунларни билиш нафақат унинг асосий тушунча ва моҳиятидан хабардор бўлиш балки унинг кучи ва аҳамиятини аниқлаш кўникмасига эга бўлишини ҳам қамраб олади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш механизмида қонунлар ижроси юклатилган шахсларнинг ҳуқуқий маданият даражаси ва кўникмасига эга бўлиши муҳим ўрин тутди. Чунки, касбий ҳуқуқий маданиятни оширмасдан туриб, ҳуқуқ нормасининг амалиётда қўллаш самарадорлигига эришиб бўлмайди. Шу маънода касбий ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти “бир медалнинг икки томони” десак, муболаға бўлмайди. Ҳозирги пайтда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг касбий ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Бошқача айтганда, ҳар бир амалиётчи мутахассиснинг қабул қиладиган ҳуқуқни қўлловчи ҳужжатларининг қонунийлиги ва асосланганлиги айнан уларнинг касбий ҳуқуқий маданияти даражаси билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг юқори органлари томонидан тизимли ва истиқболли амалий чораларни кўриб боришни тақозо этади.

Миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантиришдаги энг долзарб муаммолардан бири ҳуқуқни амалга ошириш шакли бўлиб ҳисобланган ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланади. Ҳуқуқ нормаларини яратишдан асосий мақсад тегишли ижтимоий муносабатлар субъектларининг фаолиятида қўллашдан иборат. Ҳуқуқни қўллаш (инглизча -application) ҳуқуқ назариясида давлат органларининг қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқариш орқали ҳуқуқ нормасини амалга оширишни таъминлашга қаратилган фаолиятдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти “ҳуқуқий ҳаётнинг” таркибий қисмидир.<sup>37</sup> Ҳуқуқни қўллаш универсал юридик категория бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бу тушунчанинг назарий конструкциясини тушунмасдан турдош соҳаларда, хусусан, фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг асослари ва моҳиятини очиб бериш мушкул масаладир. Бизга маълумки, ҳуқуқ нормасини қўллаш янги тушунча эмас у юридик фанда умуман, фуқаролик ҳуқуқи фанининг хусусан, энг долзарб муаммоларидан бўлиб ҳисобланади.<sup>38</sup> Кези

<sup>37</sup> Масалан, қаранг: Кальмыков Ю.Х. Вопросы применения гражданско-правовых норм. Издательство Саратовского университета 1976.

<sup>38</sup> Малько А.В. Категория “Правовая жизнь”: проблемы становления // Государство и право 2001-№5.- С.5-13

келганда шуни айтиш керакки, гарчи ўтмишда ҳуқуқ нормаларини қўллаш муаммоларига устивор тадқиқот йўналиши сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган бўлсада, аммо сўнги йилларда миллий ҳуқуқий тизимда ушбу масалага концептуал жиҳатдан етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу йўналишлардаги илмий ишлар хусусий масала тусига эга бўлиб фундаментал, амалий ва инновация аҳамиятига молик монографик илмий изланишлар ҳолати бугунги кун талабига жавоб бермайди. Айниқса, фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш муаммоларини тизимли ўрганиш цивилист олимларнинг диққат эътиборидаги асосий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Чунки, фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиши бевосита уни амалиётда татбиқ этишга асосланиши табиий ҳолдир.

Ҳуқуқни қўллаш юридик фаолиятнинг энг мураккаб соҳаси бўлиб фуқаролик қонун ҳужжатларини ижтимоий ҳаётда татбиқ этишнинг мустақил шаклидир. Ҳуқуқни қўллаш фуқаролик қонун ҳужжатларини татбиқ этиш жараёни бўлиб, ўзининг бошланиш ва тугаш босқичларига эга. Фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш ваколатли субъект томонидан юридик ҳужжатни чиқариш орқали амалга ошириладиган фаолиятдир. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ижро ҳокимиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг асосий жиҳати қонунларга нисбатан қонун ости ҳужжатлар ижросига кўп эътибор қаратилади. Умумий қоидага кўра қонун ости ҳужжатлар қонунларни амалга ошириш механизмини яратишни назарда тутди. Шу сабабли фуқаролик муомаласида қонунларни бевосита татбиқ этиш баробарида тегишли ижро ҳокимият органлари томонидан уни амалга оширишга устиворлик берилиши зарур. Ижро ҳокимияти томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хусусияти ташкилий-фармойиш ва юридик – қўриқловчи шаклида амалга оширилиши билан боғлиқдир.<sup>1</sup> Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ижро ҳокимияти томонидан қўлланилишини тизимли ўрганиш юридик фан олдида турган муҳим вазифадир. Айниқса, хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил этиш, оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормаларини ижро ҳокимияти тизимида татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар катта илмий қизиқиш уйғотиши табиийдир. Оммавий ва хусусий ҳуқуқда ҳуқуқни қўллаш ўзига хос табиатида эгадир.

Фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш – бу қонунга ва ижтимоий адолатга асосланган фаолиятдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини амалга ошириш орқали иккита фактик ҳолатни инобатга олишни тақозо этади. Биринчиси ҳуқуқни қўллаш, иккинчиси уни бевосита таҳлил қилишдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти бевосита ҳуқуқий эксперимент ва юридик социологияни ривожлантиришга ҳам боғлиқдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш мустақил қонун ижодкорлик фаолиятини амалга оширишга ёрдам беради. Қонун ижодкорлиги фаолиятидаги тизимлилик, ижтимоий

---

<sup>1</sup> Вестник Северо- Кавказский государственный технологический университет. Серия «Право» 2004. №1.(6) <http://www.nestu.ru>.

муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг устувор йўналиши ва объектив эҳтиёж ҳамда заруриятга асосланиши зарур. Бизга маълумки, айрим хорижий давлатлар тажрибасида мавжуд бўлган қонунларни ўрганиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётига баҳо бермасдан миллий қонунчилик оиласига “сунъий” киритиш амалда ўзини оқламайди. Бу қутилмаганда салбий оқибатларни келтириб чиқариши олдиндан башорат қилиниши, ҳуқуқий тараққиётнинг устувор принцип ва йўналишларига асосланишини талаб қилади. Бошқача айтганда, қонун ҳужжатларини ҳуқуқий сифатли бўлишлиги, ижтимоий асосланганлик даражаси, турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, ўзаро ҳуқуқий келиштириши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий онги айниқса, ҳуқуқий кўникмалари ва юридик маданияти даражаси, жамиятдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг умумий ҳолати, ҳуқуқни амалда самарадорлигини оширишнинг юридик омиллари бўлиб ҳисобланади.<sup>1</sup>

Фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётга қўллаш тажрибаси кўрсатишича, қонунларни тўғридан-тўғри ижро қилинишига эришиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сони ва ҳажми бўйича қисқартирилишига қаратилган чораларни кўриш, ижтимоий муносабатларни тизимли, тўлиқ ва барқарор ҳуқуқий тартибга солишга эришиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асоссиз кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш амалиётидан воз кечиш, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини тушунтиришга қаратилган ҳужжатлар чиқариш (қабул қилиш), норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича тушунтиришларда ҳуқуқий нормаларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш амалиётидан воз кечиш, норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик техникаси талабларига ва юридик атамашунослик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лозим даражада тайёрлаш бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, юридик хизмат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, қўшимча олий таълим сифатида ходимларнинг юридик таълим олиш амалиётини кенг татбиқ этиш кабилар шулар жумласидандир.

Кези келганда шунини таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтлари томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларини татбиқ этиш муаммоларини ўрганишни тақозо этмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш амалиётини тизимли таҳлил этиб, асослантирилган ҳулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш лозим. Бунда нафақат қонунни балки ҳуқуқни қўллаш таомилларини такомиллаштиришга эътибор қаратиш зарур.

Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, қонун ижодкорлик фаолиятининг процессуал жиҳатлари нафақат ҳуқуқ шаклланишининг

---

<sup>1</sup> Нерсеянц В.С. Общая теория право и государства.М.: ИНФРА-.М: 1990-478 с

якуний босқичи бўлган ҳуқуқ самарадорлигини қолаверса уни амалиётга татбиқ этишнинг назорат таҳлил фаолиятини ҳам қамраб олади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш кенг маънода бу фаолиятми, жараёнми, унинг илмий тушунчаси, субъекти, объекти, принциплари, белгилари, хусусиятлари ҳуқуқ нормаларни ижрочи ва аҳолига етказиш ҳолати, давлат органлари ваколатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида уни татбиқ этиш тартиби ва асослари фуқаролик жамияти институтларида уни қўллаш, қонунлари қўллаш бўйича жамоатчиликнинг роли ва иштироқи билан боғлиқ бир қатор масалалар илмий-амалий таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Энг муҳими, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хусусиятлари биринчидан, якка тартибдаги муайян шахсга нисбатан ҳуқуқ нормасини татбиқ этишда, иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш фақат ваколатли давлат ва нодавлат органи томонидан амалга оширишда ҳам намоён бўлади. Ушбу ўринда шуни айтиш керакки, ўтмишда қонун нормаларининг фақат давлат органлари томонидан қўлланишига асосий эътибор қаратилар эди. Кучли давлатдан кучли жамият сари боришда ҳуқуқни қўллашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ҳам тобора ортиб боради. Учинчидан, ўтмишда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг давлат-ҳокимият тусдаги фаолият эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу сабабли жамиятни бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида қаралган. Кенг маънода ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бу хусусияти янгича маъно касб этапти, дейиш мумкин. Боз устига, қонунчиликнинг эркинлаштирилиши, аҳоли айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ошиб бориши давлат-ҳокимият тусидан босқичма-босқич давлат шахс олдида масъул бўлгани каби шахс ҳам давлат олдида ўзининг маъсулиятини чуқур ҳис қилиши лозим. Яъни, давлат томонидан ўрнатилган қонунларни амалиётда татбиқ этиш ихтиёрийликка ҳам асосланиши зарур. Фуқаролик қонун ҳужжатлари нормасининг эркинлаштирилиши ўз навбатида ихтиёрийлик асосида уни ижтимоий ҳаётда татбиқ этишни тақозо этади. Тўртинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ижодий жараёндир. Қонун нормаси эрк-ҳоҳиш асосида ижодий ёндашув асосида ижро қилиниши керак. Бешинчидан, ҳуқуқни қўллаш фаолияти қонунда махсус белгиланган шаклда амалга оширилади. Фуқаролик жамиятига ўтишда тегишли фуқаролик ҳуқуқи нормасини қўллаш баробарида ижтимоий тартибга солиш воситаси бўлиб ҳисобланган одоб-ахлоқ қоидаларини татбиқ этиш ҳақида мушоҳада этиш унинг доираси кенг эканлигидан далолат беради.

Шу маънода фуқаролик муомаласида одоб-ахлоқ қоидаларини қўлланиши юриспруденциянинг янги истиқболли мавзуси десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, фуқаролик муносабатларида одоб-ахлоқ норма ва қоидаларини татбиқ этиш муаммоларини ўрганиш цивилистика олдида турган долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллаш-ҳуқуқни норматив тушуниш демакдир. Ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий онгнинг таркибий элементиدير.

---

<sup>1</sup> Куксин И.С. Процессуальный аспект законотворческий деятельности // Государственная власть и местное самоуправление. 2008.№5-С.12-15

Ҳуқуқ давлат томонидан белгиланадиган ёки санкцияланадиган юридик нормалар йиғиндисини қамраб олади. Ҳуқуқни қўллаш бир томондан ҳуқуқ нормасини иккинчи томондан эса муайян ижтимоий муносабатга татбиқ этиш механизми доирасида амал қилади. Яъни, бундай механизм фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга солишда ёрқин намоён бўлади.

“Ҳуқуқни қўллаш” тушунчаси фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Шу маънода ҳуқуқни қўллаш тегишли фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга солишни қамраб олади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифат мезони унинг лойиҳасини тайёрлашдан бошланади ва ҳуқуқни қўллаш билан якунланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонун лойиҳасини киритишдан аввал энг аввало, бир неча саволга аниқ асослантирилган жавоб олиниши керак. Яъни, уни қабул қилишдан фуқаролар нимани кутяпти, юридик хавфсизликка таҳдид солмайдими, фуқаролар ва давлат ҳокимияти органлари уни амалга киритишга тайёрми, уни амалга оширишга қанча маблағ ва вақт кетади ва ҳ.к. Бу ҳал қилув босқичда комплекс ёндошувга эришиш керак.

Ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ҳуқуқий таъминлашнинг юридик фаолияти муайян тизимни ташкил этиб, бир неча компонентдан, яъни, субъектлар, восита ва усуллар, ҳаракат ва жараёнлар, мақсад, предмет натижа ва юридик ҳужжатлардан иборат<sup>39</sup>. Ҳар қандай ҳуқуқий таъминлашнинг юридик фаолияти бевосита унинг натижаси ва юридик ҳужжат билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий таъминлашнинг юридик фаолияти қонун нормасини амалиётда татбиқ этишда намоён бўлади. Шу маънода, буни нафақат фаолият балки, ҳуқуқни қўллаш амалиёти маъносида ҳам тушуниш лозим.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хорижий давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини хусусан, суд прецеденти хусусиятларини ўрганиш долзарб масаладир<sup>40</sup>.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллашни ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарур. Қонунчилик тажрибасидан маълумки, ундаги бўшлиқ ҳуқуқни тўғри қўллашга салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Қонун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги муносабатларнинг “хуфёна” бир қарашда кўз илғамас жиҳатларини хавфсизлик нуқтаи назардан қамраб оладиган нормаларни ҳам ўзида акс эттириши керак. Бошқача айтганда муайян ижтимоий муносабатларнинг “ички” ва “ташқи” омиллари инobatга олиниб, ҳуқуқий тартибга солишга эришиш зарур. Кўпинча қонуншунос ички омилларни ҳамма вақт пайқамаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли, қонун ижодкорлик фаолияти билан махсус шуғулланувчи субъектларнинг масалан, депутат ёки тегишли ишчи гуруҳи аъзоси сифатида қатнашиш, муайян тармоқ ва соҳани ўрганиш амалиётини таҳлил этиш ички омилларни аниқлаш

<sup>39</sup> Амирбеков К.И. Правообеспечительная юридическая деятельность: стратегический подход // Государство и право 2006-№ 1 -89 с.

<sup>40</sup> Марченко М.Н. Особенности судебного прецедента в системе романо-германского права// Государство и право 2006 -№ 8-с.22-28

имконини беради. Чунки сир эмас, қонун ижодкорлик фаолиятида тор идоравий ёндошув ёки корпоратив тузилмаларнинг лоббистик қарашларини камайтириш унинг сифат мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, муайян фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга солишда барча жиҳатларни аниқлаш баробарида хусусий ва оммавий манфаатларнинг уйғунлашган тарзда эрки-ҳоҳишини ҳуқуқ нормасида ифода этишга эришиш керак. Қонун ижодкорлигида бўлгани каби фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётида ягона методология ва келишилган методик таъминотнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқнинг роли ва таъсирчанлигини ошириш имкониятини яратади. Шунингдек, фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ўрганишни режалаштириш уни тизимли таҳлил этишга ёрдам беради. Хорижий давлатлар хусусан Италия, Германия, Испания тажрибаси кўрсатишича, миллий қонунчилик самарадорлигини ўрганиш билан қонунчилик тажрибаси ҳуқуқи субъекти бўлган, давлат органлари, ҳукумат девони, вазирликлар, ҳокимиятнинг минтақавий органлари, турли хил институтлар ва ташкилотлар шуғулланади. Белгияда қонун ҳужжатлари самарадорлигига баҳо беришни Сенат ўз зиммасига олган. Бу масала бўйича вакиллик палатаси ҳукумат кассация суди (Ўзбекистон Республикаси Олий Судига ўхшаш), Арбитраж суди билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Италияда парламент амалдаги қонун ҳужжатларини узоқ муддатли бюджет молиялаштиришни тизимли таҳлил қилиб боради. Бу тажриба жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар йили тегишли қонунларни ижроси бўйича мақсадга мувофиқ молиялаштиришнинг амалга оширилиши уни амалиётда татбиқ этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари бизнинг фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бошқаруви органларида фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини мунтазам таҳлил қилиб бориш қонун нормалари сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётга қўллашда энг муҳим масала асосий тушунчаларни унда ифода этишдир. Миллий қонунчилигимизда шаклланган амалиётга кўра, асосий тушунчаларни аниқ ва тўғри баён этиб берилиши нафақат унинг маъносини тушунишда қолаверса, уни бир хилда татбиқ этишда аҳамиятга эга. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг тизимли таҳлили далолат беришича, барча қонунларда ҳам асосий тушунчалар ифода этиб берилган деб, айтиш қийин. Кези келганда айтиш жоизки, қонун ҳужжатларида асосий тушунчаларнинг изоҳлаб берилиши миллий қонун ижодкорлиги фаолиятининг муҳим ютуғи десак, муболаға бўлмайди. Қонундаги асосий тушунчанинг умумий тавсифини баён этиб бериш баробарида унинг ҳуқуқий категория сифатида тутган ўрни ва роли, вазифаси, моҳияти, шарҳи қонун матни билан ўзаро алоқадорлигини очиб бериш зарур.

Одатда қонун лойиҳасида фойдаланадиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда

қўлланилади. Зарур бўлган ҳолларда, қонунлар лойиҳаларида юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

Шу сабабли қонунда ишлатилган тушунчалар ва атамалардан фойдаланишнинг тартиби ҳамда асосларини ўрганиш, унинг юридик маъносини таҳлил этиш, юридик, техник ва бошқа махсус атамаларнинг илмий-амалий таърифини ишлаб чиқиш, қисқартмаларнинг шакли ва уни изоҳлаш тартибини тадқиқ этиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, асосий тушунча ва атамалар норма сифатида муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармасда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормасини бир хил талқин этишга ёрдам беради. Қолаверса, қонуннинг асосий тушунчаларида уни қўллашга оид таърифлар билан бойитилиши уни татбиқ этишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Илмий ва амалий таҳлиллар кўрсатишича, қонундаги асосий тушунчаларнинг ҳуқуқни қўллашдаги роли: назария ва амалиёт муммоларини ўрганиш юридик фан олдида турган долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.<sup>41</sup> Шу маънода фуқаролик қонун ҳужжатларида фойдаланилган асосий тушунчаларнинг мазмунини ўрганиш асосида илмий асослантилган хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини унда ишлатилган асосий тушунчалар билан тўлдириш қонун ижодкорлик фаолиятининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролик қонун ҳужжатларини ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан қўлланишини умумлаштиришни ташкил этишни йўлга қўйилиши ўз навбатида, унинг нормалари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш бўйича ходимларнинг малакасини ошириб бориш уни ўқув-услубий таъминлаш чораларини кўриш бу борада сифат ўзгаришларини амалга ошириш имкониятини яратади. Айниқса, бакалаврият ва магистратура босқичларида ҳуқуқнинг тегишли соҳалари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича муайян ўқув машғулотларини махсус ажратиш, ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг бу борадаги ахбороти билан мунтазам таъминлаш, бакалаврият ва магистрларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўташининг роли ва таъсирчанлигини ошириш ва юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тажрибали мутахассис ва ходимларнинг илмий, ўқув услубий фаолиятга йўналтириш юксак малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари инқирозга қарши чораларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва уни ривожлантиришга ҳамда инқирозни бартараф этишга, қонунбузилиши ҳолатларига ўз вақтида юридик баҳо бериш ҳамда қонун устиворлигини таъминлашга ёрдам беради.

---

<sup>41</sup>Ҳозирги пайтда ҳуқуқий адабиётларда Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари кизгин муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда батафсил қаранг: Андреев В.К. О проблемах совершенствования ГК РФ// Государство и право 2009-№3.-С.45-52



Айниқса, иқтисодиётда ҳуқуқий тартиб ўрнатиш билан боғлиқ амалиётни мунтазам таҳлил этиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналиши бўлмоғи лозим.

Товар-пул муносабатларини тартибга солишга оид миллий қонун ҳужжатлари билан халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини амалиётда татбиқ этишни ўрганиш устивор тадқиқот йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бинобирин, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқларига оид нормаларни амалиётда татбиқ этишга аҳамият берилишини тақазо этмоқда. Инқирозга қарши курашда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланишни тақазо этмоқда. Шунингдек, инқирозни олдини олишда нафақат иқтисодий балки ҳуқуқий хавфсизлик чораларининг кўрилиши фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтиришда ҳамда ўзаро манфаатли шартномавий муносабатларнинг хизмат ролини оширишга муваффақ бўлинади. Қайд қилинган ҳуқуқий омил инқирозга қарши чоралар тизимида муҳим фуқаролик ҳуқуқий восита бўлиб уни амалиётда татбиқ этишнинг самарадорлигига эришиш талаб этилмоқда.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг мониторинги асосида уни амалиётга кўллашнинг мунтазам тизимли таҳлил этилиши, унинг механизмларининг такомиллаштирилиши цивилистик тафаккурнинг ривожлантиришда ва бу борада қонун ижодкорлик фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳуқуқни кўллаш ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига қаратилган фаол ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқдир. Ҳуқуқни кўллашдаги фаол ҳаракат ҳуқуқий онг орқали тегишли ҳуқуқ нормасини таъминлашга эришилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқни кўллаш кишиларнинг хулқига юридик таъсир кўрсатиш ва ҳуқуқ нормасига риоя қилиш таъминланади. Фикримизча, ҳуқуқ ҳуқуқий тартибга солиш, ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси орқали ижтимоий муносабат субъектларининг феъл атворига юридик тарбияни татбиқ этиш орқали таъсир кўрсатади.<sup>42</sup> “Ҳуқуқни кўллаш” ва “битим” тушунчаси бири-бирига монанд бўлиб, сўнгиси товар-пул муносабатлари иштирокчилари эрк-хоҳиши фуқаролик қонун ҳужжатлари ва битимлар орқали пировард натижага эришилади. Айниқса, фуқаролик қонун ҳужжатларининг нормалари амалга оширишда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситасида битимларнинг роли беқиёсдир. Битимларнинг фуқаролик ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишдаги хизмат роли шундаки, ҳуқуқий шакл сифатида амалиётга кўллаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқни кўллаш амалиётининг фуқаролик ҳуқуқий хусусияти энг аввало, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методида ёрқин намоён бўлади. Яъни, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тизимида диспозитив нормалар устун мавқени эгаллаганлиги сабабли ҳамда тарафларнинг ташаббусига

---

<sup>42</sup> Батафсил қаранг: Рўзиназаров Ш.Н. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари (танланган мақола ва тезислар)Т.2007.Б.95-135.

асосланганлиги уни қўллашнинг ўзига хос ҳолда намоён бўлишидан далолат беради.

#### **4-мавзу. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг илмий-назарий масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

##### **Режа:**

1. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг илмий-назарий муаммолари.
2. Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш муаммолари.
3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.
4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.

Бугунги кунда мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгариши, бозор тизимига асосланган инфратузилмаларнинг вужудга келиши ва фаолият юритиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйилишида тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фани ютуқлари ўзига хос негиз бўлди деб айтиш мумкин. Шу маънода олганда, бугунги кунда тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фани иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз мутақилликка эришгандан буён амалга оширилган иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, диссертацияларнинг жуда катта қисми цивилист олимлар томонидан амалга оширилди. Бунга мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, шартнома интизоми, юридик шахслар ҳуқуқий ҳолати, мулквий жавобгарлик бўйича амалга оширилган ўнлаб илмий тадқиқотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу борада фуқаролик ҳуқуқи томонидан эришилган натижалар салмоқли эканлигини қайд этиш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқий тадқиқотлар доираси чегараланганлигини қайд этиш лозим. Гап шундаки фуқаролик ҳуқуқи иштирокчиларнинг тенглиги, мулквий мустақиллиги ва эрк мухториятига асосланган муносабатларни тартибга солади. Бироқ иқтисодий тизимда ушбу муносабатлар доирасига кирмайдиган, бироқ иқтисодиётнинг ривожланишида, бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқача муносабатлар гуруҳи ҳам мавжуд. Бундай муносабатлар гуруҳига тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисобга қўйиш, лицензиялар бериш, турли имтиёз ва афзалликлар бериш, монополистик ҳаракатни чеклаш, корпоратив бошқаришни ташкил этиш, солиқ, божхона ва бошқа муносабатлар киради. Албатта бу муносабатларни қисман маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, молия ҳуқуқи ҳам ўрганиши мумкин. Бироқ мамлакатимиздаги ушбу соҳалар бўйича илмий тадқиқотлар иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ

равишда ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида энди шаклланиб келмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи жуда улкан ишларни амалга ошириши мумкин.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи, фан, ўқув предмети сифатида ўрганилиши лозимдир. Унда олимлар: Ю.К.Толстой, С.С.Алексеев, В.Ф.Яковлев, В.Ц.Якушев, И.Е.Красько, О.А.Красавчиков, В.В.Лаптев, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Б.И.Ибратов, О.Оқюлов ва бошқалар ўз фикрларини билдиришган. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг предметини тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг субъектлар фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг асосий принциплари: иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатнинг таъсир этиши, нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш, ўзаро эркин рақобат, қонунийлик принциплари ва уларнинг ўзига хослиги. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан қиёсланади.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг манбаи – бу тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг йиғиндисидир. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг манбалари: ЎЗР Конституцияси, қонунлари, ЎЗР Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳужжатлари. ЎЗР Олий суди ва Олий ҳўжалик суди пленумлари қарорларининг тавсифи. Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ва кодификациялаштириш масалалари ҳақида фикрлар.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ва тадбиркорлик ҳуқуқий нормалари асосида тартибга солинадиган муносабатлардир. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатнинг турлари.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилиши, унинг қонуниятларининг жамият ҳаётига кенг қўлланилиши республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига замин яратди. Бунда иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида тадбиркорлик (бизнес) (бундан буён матнда – тадбиркорлик деб юритилади) фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари муҳим ўринга эга. Улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, бизнес юритиш асослари барча шахслар, жумладан хорижий бизнесменлар учун бир хил қилиб белгиланган.

**Масалан:** Ҳиндистонда “МанСин” корпорациясини таъсис этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Деҳли шаҳрида жойлашган. “МанСин” корпорацияси компьютерлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ҳудудларида фаолият юритади. Тошкентда бўлиб ўтган “ИКТ-ЭКСПО – 2014”да ярмаркасида қатнашган “МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх Ўзбекистонда ҳам ИКТ соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларга ҳам эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлди ва ўз бизнесини Ўзбекистонда ҳам амалга оширишга қизиқиб қолди. Шу сабабдан “МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга Ўзбекистон Республикасида бизнесни амалга ошириш тўғрисида, умумий маълумот тайёрлаб беришни сўради.

Ўзбекистонда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлигини кўрсатди. Бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик субъектларининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Жумладан:

Мамлакатимиз **2014 йилда** ялпи ички маҳсулоти **8,1** фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми **8,3** фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши **6,9** фоиз, капитал қурилиш **10,9** фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми **14,3** фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб **70** фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда **9,4** фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **8,7** фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **10** фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича **6,1** фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Ўтган йили солиқ юки **20,5** фоиздан **20** фоизга, даромад солиғи ставкаси эса **9** фоиздан **8** фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,2** фоиз профицит билан бажарилди... Мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормоқда. Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг **98** фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни - электрон шаклда амалга оширмоқда. Саноатнинг энгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги **100** кишидан **200** кишигача оширилди. [Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-

*иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси].*

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини тараққий этишининг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Бозор ва тадбиркорлик ўзаро бири-бири билан боғлиқдир.

**Бозор** – бу муайян товар ёки хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини бир жойда бирлаштирадиган ҳар қандай институт ёки механизм. (*K. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992*).

Бозор (инглизча – market, русча – рынок) – товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Демак, бозорда тадбиркорлик субъектлари ўртасида мустақил равишда қарорлар қабул қилишдаги эркин муносабатлар амалга оширилади. Бозор тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришлари учун кенг шарт-шароитлар яратиб, эркин рақобат муҳитининг, экспорт ва импорт имкониятларининг бозор қонуниятлари асосида амалга оширилишини таъминлайди.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак”.

(*Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 28- бет.*)

Хўш, “**тадбиркор**”, “**тадбиркорлик**” тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантлон қўллаган. Унинг фикрича, **тадбиркор** – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

**Тадбиркорлик** (инглизча – enterprise, enterprising, русча – предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолиятидир.

Соҳибқирон Амир Темур тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва тадбиркорларни улуғлаб, уларнинг нафақат ўзи балки жамият учун ҳам катта нафи тегишини, инсон доимо фаол бўлишини таъкидлаб, ўз тузукларида “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳибби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, деб кўрсатади.

*(Темур тузуклари. //Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Науриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 15 бет.)*

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир бирини тўлдиради.

**“Бизнес”** - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик соҳасида бизнес фойда берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар бизнесмен сифатида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

**Бизнесмен** (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у **“мулк эгаси”** деган маънони билдиради.

**Бизнес** (инглизча – business; русча – дело, антерпренерство – иш, машғулот) – таваккалчилик ва ўзининг жавобгарлиги остида хусусий ёки қарзга олинган воситалари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббускор иқтисодий фаолиятдир.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишидир.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов қайд этганидек “...Соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганлигини таъкидлаш лозим”.

*(Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” халқаро конференциядаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь).*

Бозор муносабатларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар бир қатор қонунларида, жумладан, *Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”*ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ушбу ҳуқуқий муносабатларни тадбиркорлик ҳуқуқи модул фани ўрганади, у бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнида муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини тадбиркорлик ҳуқуқи фани ўрганади.

**Тадбиркорлик фаолияти** тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. (*Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрири) 2012 йил 02 май, 328-сон.*)

*Мисол учун, фуқаро бир ўзи таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, болалар ички кейимлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан кредит олиб, чет элдан тикиш ускуналарини хорижий валютада харид қилди ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқи** – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборатдир.

Демак, тадбиркорлик ҳуқуқи ўзига хос муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси-ми?

Унда, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби: биринчидан, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси; иккинчидан, қонунчилик тармоғи; учинчидан, фан соҳаси; тўртинчидан, ўқув предмети ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат.

*Мисол тариқасида, “Иқтисодий фаолият” термини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида, шунингдек. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида қўлланилган.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг предмети**ни тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг



тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фарқланади.

Аввало, **фуқаролик ҳуқуқи** фани мулкӣ муносабатларни ҳамда мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал, бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга солса, **меҳнат ҳуқуқи** эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ички тартиб қоидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солади.

**Маъмурий ҳуқуқ**нинг предмети маъмуриятнинг буйруқ ҳамда ижро фаолияти билан, яъни ҳокимият ва итоат этиш, бир бирига буйсиниш соҳасидаги фаолият билан боғлиқ муносабатдир. Бундай муносабат итоат этувчи қуйи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари орқали таъсир этиш, бошқариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик муносабатларида эса маъмурий буйсиниш фаолиятлари кам учрайди.

*Мисол учун, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлатнинг умумий раҳбарлиги, яъни давлат назорати, солиқлар билан таъсир этиш, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар.*

**Молия ҳуқуқ**ининг предмети молия бюджети кирим-чиқими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан боғлиқ муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбаини тартибга солиш ва улардан қайта ишлаб чиқариш муомаласида фойдаланиш кабилар Тадбиркорлик ҳуқуқининг предмети ташкил этади.

Барча ҳуқуқ соҳалари каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган **асосий қоидалардир**. Ушбу тадбиркорлик ҳуқуқига оид асосий принциплар республикамизда бозор муносабатларининг ривожланишида барча тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.

**2.** Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш муаммолари.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилади.

*Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши тартибини белгиловчи асосий қонун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиши тартибини белгиловчи қонуности ҳужжатлари.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи** – бу тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари:**

ЎзР Конституцияси, қонунлари, ЎзР Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

ЎзР Олий суди ва Олий ҳўжалик суди пленумлари қарорлари. Тадбиркорлик қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ва кодификациялаштириш масалалари ҳақида фикрлар.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тизимининг манбаи ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлардир.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси* бизнес фаолиятини олиб боришнинг кафолати сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан:

“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди”. (*Конституциянинг 53-моддаси*).

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан бир қаторда давлат ҳимоясида бўлиши, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик бўлиши каби нормалар *Конституциянинг 53-55-моддаларида* белгиланган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турларидан бири **қонунлардир**.

Бунда *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси* муҳим аҳамиятга эга. У мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, мулк ижараси, лизинг, пудрат, қурилиш пудрати, ташиш, кредит, ҳисоб-китоб ва шунга ўхшаш тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган шартномаларга оид қоидаларни ўзида бирлаштириб, бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига манба ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолият олиб боришига хизмат қилувчи ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган “*Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида*”ги, “*Ижара*

тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташиқ иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларидан бири **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларидир.** Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-453-П-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарорини келтириб ўтиш мумкин.

Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуқининг бозор муносабатлари ривожланишида **Ўзбекистон Республикасининг Президенти** томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни **фармонлар, қарорлар ва фармойишлар** муҳим аҳамиятга эга.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва шибилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли фармони, 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли қарори мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаларидан яна бири **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**, яъни 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли, 2014-йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳисобланади.

Шунингдек, **вазирликлар ва давлат қўмиталари, агентликларнинг ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда қабул қилган ҳуқуқий**

**хужжатлари**, яъни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон [қарори билан тасдиқланган](#) “Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги Низом (2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125) ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи манбаси сифатида қўрилади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудуди доирасида кучда бўладиган ҳуқуқий хужжатлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик қонунчилигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Тадбиркорлик қонунчилиги** – бу тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хужжатлар йиғиндисидан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси **Олий хўжалик суди пленуми қарорлари** ўзига хос ўринга эга. Улар тадбиркорлик ҳуқуқи учун манба бўлмаса-да, қонунлар ва бошқа қонуности хужжатларини хўжалик судлари томонидан тўғри қўллашда, хўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда судларга тушунтиришлар бериб, муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Мисол учун**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сон “Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун хужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори судлар ва ушбу масала тааллуқли барча шахслар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлган хужжат ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ субъектлар ўртасида вужудга келадиган, яъни тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, уни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, уни бошқариш, фаолият олиб бориши, шартномалар тузиш, уларни ижро этиш, мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик каби муносабатларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш зарурати вужудга келади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

“Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир”. (Қонуннинг 4-моддаси).

**Тадбиркорлик субъектлари кимлардан иборат бўлиши мумкин?**

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиш учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. ФКнинг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан

ўтгазилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши учун тегишли тартибда давлат рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинishi учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Юқоридагилар билан биргаликда тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг кўйидаги масалаларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив массив илмий адабиётларда жуда кўплиги, бесунақайлиги ва ички зиддиятларга тўлиб-тошганлиги эътироф этилади. Шу муносабат билан ҳозирда тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини кодификациялаштириш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Бунга кўра, Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси илгари сурилмоқда. Ушбу кодекс кўйидаги қонунларни: “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Банкротлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 357-сонли ҳамда ВМнинг 357-сонли Қарорларини тизимлашган ҳолда қамраб олиши керак. Агар бундай кодекс қабул қилинса, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш, амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича тўлиқ жавоб олади.

2. Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасидаги норматив базани инвентаризация қилиш лозим. Бунда тадбиркорлик соҳасига оид норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни қабул қилувчи органларнинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш тубдан қисқартириш чораларини белгилаш зарур.

3. Тадбиркорларнинг тегишли мурожаатлари, ўз фаолиятлари учун зарур бўладиган тегишли рухсатномалар ва ҳужжатлар олишда ваколатли давлат органлари ходимлари билан бевосита, юзма-юз мулоқотга киришишларини минималлаштириш ва шу орқали коррупцияни олдини олиш лозим. Бунда электрон коммуникация технология воситаларидан, электрон мурожаатлар ва электрон ҳужжат алмашинувидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

4. Патент асосида иш олиб борувчи яққа тадбиркорлик фаолияти турларини янада кенгайтириш зарур. Бу ҳолат молия бухгалтерия ҳужжатларини юритиш ва турли ҳисоботларни топшириш, даврий солиқлар тўлаш мажбуриятидан озод қилади.

5. Ўзбекистонда ҳам айрим ривожланган хорижий мамлакатларда (Россия Федерациясида)ги каби тадбиркорларнинг касб байрами кунини жорий этиш ва нишонлаш ҳамда буни кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. 9-йиллик умумий ўрта таълим мактабларида ўқиталадиган Давлат ва ҳуқуқ фани доирасида тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида соатлар ажратиш, коллежлар ва лицейлар ўқув режасига алоҳида “Тадбиркорлик ҳуқуқий асослари” ўқув курсини жорий этиш зарур.

7. Тадбиркорлик ҳақидаги билимларни, илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида тадбиркорларга бағишланган алоҳида махсус радиоканал ва телеканалларни ташкил этиш лозим.

8. Тадбиркорларнинг касбий уюшмалари буйича нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини жорий этиш зарур.

9. Тадбиркорлик тушунчасининг қонунчиликда берилган таърифини қайта ишлаб чиқиш, бунда тижорат субъектларида қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатувчи қимматбаҳо қоғозлар эгаларини тадбиркор сифатида баҳолаш ёки баҳолаш масаласи бўйича ёндашув ишлаб чиқиш. Бу борада манфаатлар қарама-қаршилиги бўлмаган ҳолда давлат органлари мансабдор шахсларига ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва қимматбаҳо қоғозлар эгаси бўлишга рухсат бериш зарур.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий адабиётларни тизимли асосда тайёрлаш, нашр этишни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тузилиши лозим. Бунда тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларга шарҳлар тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказиш зарур.

11. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган мақсадли давлат грантларини жорий этиш, унинг натижаларидан амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

12. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида содир этган ҳуқуқбузарлик учун оммавий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир ҳуқуқбузарлик учун бир жавобгарлик чораси тамойилини қатъий равишда қўллаш ва буни Жиноят, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик, Божхона кодексларида қатъий белгилаб қўйиш керак.

Мазкур масалаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда тадқиқи этилиши иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга ҳамда тадбиркорлик(бизнес) ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда ҳуқуқий муҳофазаси самарали йўлга қўйилишига хизмат қилади.

### **3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тушунчаси ва мақомини аниқлаш учун авваломбор “ҳуқуқ субъекти” ва “фуқаролик ҳуқуқи субъекти” тушунчаларининг моҳиятини чуқур англаб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқ субъекти кенг ҳуқуқий категория ҳисобланиб, унинг таркибига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ўз субъектлари (давлат ҳуқуқида – сайловчилар ва сайланувчилар, меҳнат ҳуқуқида - иш берувчи ва ходим, молия ҳуқуқида - солиқ тўловчи ва солиқ органи ҳамда бошқалар) бўлганидек, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам ўз субъектлари бор.

Фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ягона “шахслар” деган умумий ном билан ифодаланади. “Шахслар” ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: **биринчиси**, фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар; **иккинчиси**, юридик шахслар бўлиб, улар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилотлар) ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (қўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин; **учинчиси**, давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий ҳудудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин. [*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-бўлим*]

Жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланиши мумкин.

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир.**

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли

Давлатнинг куч қудрати – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади. (*И.А. Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва форовон ҳаёт – пировард фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда*

хам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.*

Бироқ, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

**Масалан,** қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари;

давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари;

чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, савдо ташкилотларининг, трестларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслари. *[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланган мансабдор шахслар рўйхати тўғрисидаги” 103-сонли Қарори]*

Шахснинг фойда кўриш мақсадида, таваккал қилиб товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиш ихтисослашган фаолиятга айланган тақдирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фуқаро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (вақти-вақти билан) фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай амалга оширган тақдирда, масалан, ўзидаги ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бошқа ашёларни сотиши, ёки ишларни бажариб бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳақ олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайти, чунки бу каби муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасаларига фойиз олиш мақсадида жамғарма



қўйган фуқаролар, қимматли қоғозлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

*Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектига қуйидагича тушунча бериш мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қила оладиган (юримдик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда юримдик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи - якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган давлат ва унинг ваколатли идоралари ҳисобланади.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни **тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларининг ўзига хос белгилари** ҳисобланади:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- муайян фаолият турлари билан шуғулланишлари учун албатта рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлиги;
- ўз мол-мулкига эга бўлишлиги;
- тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишлиги;
- ўз мол-мулки доирасида мустақил жавобгарлиги;
- ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

### **Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари таснифи**

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг **мулкчилик шаклига** (масалан, фуқароларнинг хусусий мулки, жамоа мулки ёки давлат мулкига асосланган), **ваколатларига** (яъни бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ёки бошқарувни амалга оширувчи субъектлар каби), **шахсларга** (жисмоний шахслар ва юримдик шахслар) ҳамда **фаолият турига** (тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар) қараб белгиланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юримдик шахслар: **тижоратчи ташкилот** (хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва **тижоратчи бўлмаган ташкилот** (жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса) турларига бўлинади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. *[Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида]’ги қонун*

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни қуйидаги асосий мезонларга қараб таснифлаш мумкин:

- қўшган улушига қараб (маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти);
- тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қараб (тўлик ва командит иштирокчилик);
- ўз меҳнати билан шахсан иштирок этишига кўра (ишлаб чиқариш кооперативи, деҳқон хўжалиги);
- бошқарувда иштирок этишига кўра (хусусий корхона, фермер хўжаликлари).

Акциядорлик жамиятларининг фаолияти дастлаб 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган 223-І-сонли қонуни билан тартибга солинган. 2014 йил 6 майда *“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (ЎРҚ-370-сонли) янги таҳрирда қабул қилинди.* Унда акциядорлик жамияти тўғрисидаги умумий қоидалар, акциядорлик жамиятини ташкил этиш, устав фонди (устав капитали), жамиятнинг акциялари, корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари, жамиятнинг соф активлари, акциялар ва қимматли қоғозларни тарқатиш ҳамда жойлаштириш, акциядорлар реестри ва акцияларни сақлаш, дивидендлар, акциядорлик жамиятини бошқарувчи органлари, жамиятнинг йирик битимлар тузиши, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш, ҳисоб-китоб ва жамият фаолиятини назорат қилиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинди.

**Акциядорлик жамияти** - устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти. (*“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 2014 йил 6 май 370-сон*).

Ҳозирги даврда мамлакатимизда кенг тарқалган тадбиркорлик субъектларидан бири маъсулияти чекланган жамият ташкилий-

**Маъсулияти чекланган жамият** – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.

ҳуқуқий шаклда юридик шахслардир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. *(Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).*

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги уларнинг устав капиталига қўшган улушлари билан чекланмаганлигидадир, яъни жамиятининг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

Хўжалик ширкатининг хўжалик жамиятларидан фарқи шундаки, ширкат шахсларнинг бирлашувини ҳамда уларни ширкат фаолиятида фаол иштирокини талаб қилса, хўжалик жамиятларида маблағ (капитал) бирлаштирилади ва унда иштирокчиларнинг жамият фаолиятида шахсан иштироки талаб қилинмайди.

**Унитар корхона** - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. *(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 70-модда)*

**Фермер хўжалиги** - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти ҳисобланади. *[“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун 30 апрель 1998 йил 3-модда]*

Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги N 558-II сонли қонунига мувофиқ мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади.

#### **4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.**

Фуқаролик қонун ҳужжатларидан маълумки, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этишдаги якунловчи босқич бўлиб ҳисобланади, аммо, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим. Хўш, тадбиркорлик субъектини ташкил этиш нимадан бошланади?

Аввало, муассислар ўзларининг умумий йиғилишларига тўпланади ва шу йиғилишда улар ўзларининг мулкларини умумлаштириш-бирлаштириш асосида якуний мақсадларига эришиш учун барча ҳаракатлар доирасини аниқлаб оладилар ҳамда таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиб, уни имзолайдилар ва қарор қабул қиладилар. Шундай қилиб, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектини ташкил этиш деганда, ташкилот ва шартномавий бирлашмаларига ҳуқуқий мақом бериш учун юридик аҳамиятга эга бўлган барча тегишли ҳужжатларни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақоми белгиланиб, бу юридик факт ҳуқуқий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза тақдим этиб, унда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги асосий маълумотларни, чунончи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом (устав) жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом (устав) жамғармасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми, шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган 357-сон қарорига асосан “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом” билан тартибга солинади.*

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан **“бир дарча” принципи** бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. [*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 13-моддаси*]

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-357-сон Қарорига мувофиқ* тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг **хабардор қилиш тартиби** ўрнатилди. Ер майдонлари

ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

Корхоналар ва ташкилотларнинг **Ягона давлат регистри** жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида **Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси** томонидан юритилади.

2011 йилгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бўлса, 2011 йил 1 июндан бошлаб *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529 сон қарори* асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам **иш ҳақи миқдорининг бир баравари** қилиб белгиланди.



**Қайта ташкил этиш** – илгари мавжуд бўлган корxonанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демақдир.

**Қўшиб юбориш** - ўз фаолиятини тугатган икки ёки ундан ортиқ корxonанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корxonани вужудга келтириш.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-406-сон Қарорига асосан “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш натижасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Шўртан ГХК” шўъба корхонасига ўтиши.

Яъни бунда, ўз фаолиятини тугатаётган “А” МЧЖ ва “Б” МЧЖларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қўшиб юборилиш натижасида ташкил этилаётган янги корхона “С” АЖнинг вужудга келиши.

**Қўшиб олиш** - бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш.

Мисол учун “А” хусусий корхонаси ўз фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фаолият юритаётган “Б” МЧЖга берилиши.

**Бўлиш** - юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади.

Мисол учун “А” Акциядорлик жамияти ўз фаолиятини тўхтатди ва бу АЖдан янги “Б” МЧЖ ҳамда “С” МЧЖлар ташкил топди.

**Ажратиб чиқариш** - корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш, яъни бунда юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

Мисол учун фаолият олиб бораётган “А” АЖдан янги “Б” МЧЖнинг ажралиб чиқиши.

**Ўзгартириш** - янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, яъни бунда бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрда қабул қилинган “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги № ПФ-3366 сон Фармонида асосан Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Ўздонмахсулот” давлат-акциядорлик корпорациясини “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси, “Дори-дармон” давлат-акциядорлик уюшмасини “Дори-дармон” акциядорлик компаниялари сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари юридик шахсларни тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишини тўлиқ мужассамлаштирган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлса, шу сингари мустақилликка эришганимиздан буён қабул қилинган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи қонунларда эса юридик шахсни

тугатишда мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ҳуқук нормалари белгиланган.

*Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қароридан белгиланган тартибда хабардор этади.*

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Тадбиркорлик фаолияти билан кимлар шуғулланиши мумкин ва уларга қандай талаблар қўйилган?

2. Давлат ҳам тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкинми, агар шундай бўлса у томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби қандай?

3. Фуқаро Хамидов солиқ органларида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб 1 йил олдин нафақага чиқди. Энди у мустақил равишда жисмоний шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйди ва ўзининг тадбиркорлик фаолиятини қандай ташкилий ҳуқуқий шаклда ва қай тартибда амалга ошириш мумкинлиги ҳақида сиздан ҳуқуқий ёрдам сўради.

*Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фуқаро Хамидовнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сиз қандай ҳуқуқий маслаҳат берасиз?*

4. Алижон, Валижон ва Ғанижон биргалашиб юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилишди. Алижон масъулияти чекланган жамият сифатида, Валижон коммандит ширкат сифатида, Ғанижон эса акциядорлик жамияти сифатида юридик шахс ташкил этишни таклиф қилди. Улар ушбу масалада сизнинг консалтинг фирмангизга мурожаат қилиб энг оптимал вариантни танлаб уларга ҳуқуқий ёрдам беришингизни сўрашди.

*Консалтинг фирма ходими сифатида ушбу масалага ойдинлик киритинг ва уларнинг бир қарорга келишига ҳуқуқий маслаҳатларингиз орқали ёрдам беринг.*

5. Андижон вилоятида жойлашган “Танхо” МЧЖ Бухоро вилоятида ўзининг шўъба корхонасини ташкил этиш мақсадида Бухоро вилоят Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилди.

Бироқ рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу юридик шахсни шўъба корхона сифатида давлат рўйхатдан ўтказиб бўлмаслигини важ қилиб, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди. Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ўзининг ёзма жавобида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “шўъба корхонаси” белгиланмаганлигини, балки юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида “шўъба хўжалик жамияти” назарда тутилганлигини таъкидлаб шу орқали жавобни асослантиришга ҳаракат қилди.

Инспекциянинг мазкур жавобидан норози бўлиб, “Танхо” МЧЖ давлат рўйхатига олишни рад этганлик устидан Бухоро вилоят хўжалик судига шикоят қилиб, ўз аризасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги нормани асос сифатида келтирди.

*Ушбу ҳолат юзасидан ўзингизни фикрларингизни қонун ҳужжатлари асосида асослантиринг?*

6. Хива шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ўз фаолиятини қўшма корхона сифатида бошлаш учун Янги Зеландия инвесторлар билан ҳамкорликда устав фондини шакллантириб таъсис шартномаси имзоланди.

Ушбу қўшма корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун Хоразм вилояти адлия бошқармасига ариза топширилди ва қуйидаги ҳужжатлар илова этилди:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг (устав фонди ва таъсис шартномаси) икки асл нусхаси;

500 АҚШ доллари миқдорида давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль;

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари;

таъсисчиларнинг, жумладан Латвиялик шахсларнинг паспортлари нусхалари.

Бироқ, Хоразм вилояти адлия бошқармаси давлат рўйхатидан ўтиш учун тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар борлиги, ҳамда ушбу қўшма корхона Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиши кераклигини кўрсатиб рад жавобини берди.

Ушбу ҳолат юзасидан қўшма корхона сизнинг юридик хизмат фирмангизнинг веб саҳифаси [www.abl.uz](http://www.abl.uz) га юридик ёрдам сўраб мурожаат қилди.



*Юридик фирма ходими сифатида сиз қўшма корхонага ушбу масала бўйича қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатларга таянишини ва масалани қандай тартибда ҳал этишини маслаҳат берасиз?*

**5-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Тадбиркорлик (бизнес) субъектларида корпоратив бошқарув ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари**

**Режа:**


1. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларнинг ўзига хослиги.
2. Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари. Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш билан боғлиқ лойиҳалар ва жаҳон модели.
3. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари

**1. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларнинг ўзига хослиги**

Бизга маълумки, шартномаларнинг турлари жуда кўп. Уларни фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқа фан –модуллари орқали ҳам танишгансиз. Бироқ, шундай шартномаларнинг бир кўриниши бўлган “тадбиркорлик шартномалари” ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадбиркорлик шартномалари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, хўжалик шартноманинг алоҳида кўринишидир. Олдинги чоп этилган адабиётларда тадбиркорлик фаолиятидаги шартномалар хўжалик ҳуқуқи фанининг “хўжалик шартномалари” мавзуси доирасида ўрганилган.

Ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришда фуқаролар ташаббускорликка асосланган иштирокининг ортиши ва мамлакатимизда яратилаётган ялпи миллий маҳсулотларнинг катта улуши тадбиркорлик субъектлари иштирокида яратилаётганлиги хўжалик шартномаларидан “Тадбиркорлик шартномалари”ни ажратиб ўрганишни тақозо этмоқда.



Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятларида турли хил шартномаларни тузадилар: таъсис шартномалари, меҳнат шартномалари, тадбиркорлик шартномалари ва ҳ.к. Тадбиркорлик шартномалари дейилганда, бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тадбиркорлик субъектлари (жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар) ва давлат органлари билан тузиладиган шартномалар тушунилади.

**Тадбиркорлик шартномаси** - тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув.

Хўжалик шартномалари ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти учраши ва ундан фойда олиш мақсад қилиб қўйилмаслиги мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларда эса албатта фойда олиш мақсади билан бирга ўзига хос иштирокчи – тадбиркорлик субъекти иштирок этиши шарт.

Хўжалик шартномалари каби, тадбиркорлик шартномаси ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича умумий тамойилларга бўйсинади.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

- 1 • Тарафларнинг эркини эркин ифодаланиши
- 2 • Шартноманинг барча шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги
- 3 • Шартноманинг Ҳақ эвазига тузулиши
- 4 • Шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги
- 5 • Шартнома ёзма тарзда тузилиши
- 6 • Шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати
- 7 • Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг мавжудлиги

Тадбиркорлик фаолияти шартномаси тўрт қисмдан ташкил топади:

1) кириш;

- 2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг **кириш** қисмида қуйидагилар: шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш, кредит, транспорт воситалари ижараси, қурилиш пудрати ва ҳоказолар); шартномани имзолаш вақти ва жойи; шартнома тарафларининг тўлиқ номи, тарафларнинг шартнома бўйича номланиши (масалан, «лицензиат», «кредитор», ва шу кабилар); шартномани имзолаётган шахснинг тўлиқ номи ва мансаби, шунингдек, унга шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (устав, низом ёки ишончнома) кўрсатилиши лозим.

Тадбиркорлик шартномасининг **иккинчи** қисмида шартнома предмети; тарафларнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари; тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи; тарафлар мажбуриятларини бажариш усуллари (ҳаракатлар тартиби, кетма-кетлиги ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Тадбиркорлик шартномасининг **учинчи** қисми барча шартномалар учун мажбурий эмас. Аммо, бундай шартлар мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек, уларни бажариш тартибига таъсир қилади.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларига шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг жавобгарлиги, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари; шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари, шартнома бўйича маълумотларни сир сақлаш, низоларни ҳал қилиш тартиби кабилар киради.

Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам тадбиркорлик шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат шартноманинг амал қилиш муддати қачон тугагини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош тортганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддатининг бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларидан яна бири, бу — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари дир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Одатда, тадбиркорлик шартномалари фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишларига йўл қўйилади. Шунингдек, шартномада унинг қайси шартлари сир сақланиши ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг **тўртинчи** қисми ўз ичига тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна қандай меъёрлар билан тартибга солинишини; тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги маълумотларни; шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижаларини; тарафларнинг реқвизитларини; шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумотларни; шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибини; тарафлар вакилларининг имзоларини олади.

Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга ваколатли шахслар (номлари ёки мансаби), шунингдек, алоқа турлари (телефон, факс ва ҳ.к.) кўрсатилади.


Тарафларнинг реқвизитларига — почта индекси, манзили, ҳисоб-китоб рақами, банк муассасасининг номи, коди, МФО, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юклаш реқвизитлари киради ва улар тадбиркорлик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Шартномада унинг нусхалари сони ва уларнинг ҳақиқийлиги кўрсатилади. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартнома қалбакилаштирилишининг олдини олади.

Ҳар бир шартнома уни тузган тарафлар ёки уларнинг тўлиқ ваколатга эга бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек, шартнома юридик хизмат ходими ёки адвокат томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, муайян ҳолатларда шартнома юзасидан юридик хулоса берилиши талаб қилинади.

### **Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларнинг турлари**


Тадбиркорлик шартномалари турли мезонларга қуйидаги турларга ажратилади.

#### ***А. Шартнома мазмунига кўра:***




**Б. Ҳуқуқий табиатиға кўра:** шартномалар консенсуал ва реал бўлиши мумкин.

1. Кўпгина шартномаларни тузиш учун тарафларнинг розилиги етарли, шунинг учун бундай шартномалар консенсуал шартномалар деб аталади.



2. Реал шартномаларни тузиш учун муайян ҳаракатлар, масалан банк кафолати, кредит, мулк гарови, мулкдорнинг ёки таъсисчининг розилиги бўлиши лозим.

**В. Шартнома тадбиркорлик субъектининг молиявий имкониятиға кўра:**



Қуйидагилар йирик битимлар (шартномалар) деб ҳисобланади:

➤ Акциядорлик жамиятлари учун жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш** фоизидан ортиғини ташкил этган битим.

➤ Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун жамият мол-мулки қийматининг **йигирма беш** фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим.

➤ Оилавий корхоналар йирик битимни ўз уставида белгилаб қўяди.

**Г. Тузилиш шаклиға кўра:**



Тадбиркорлик шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим тадбиркорлик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ тадбиркорлик шартномалари (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара ва бошқ.) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик хўжалик шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик шартномаларининг субъект (тараф)лари бўлади. Тадбиркорлик шартномасида давлат манфаатларини кўзлаб, давлат органлари ёки у ваколат берган бошқа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

*Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-1-сонли Қонунига мувофиқ, хўжалик шартномалари қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.*



### **Тадбиркорлик шартномаси** **тарафининг ҳуқуқлари**

- ✓ - шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;
- ✓ - шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;
- ✓ - давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;
- ✓ - бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;
- ✓ - ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усуллари қўллаш.

Тадбиркорлик шартномасининг тарафларни шартномавий муносабатга киришадиганда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

**Мисол учун** 2009 йил 22 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан

### **Тадбиркорлик шартномаси** **тарафининг мажбуриятлари**

- ✓ - шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;
- ✓ - қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;
- ✓ - тузилган шартномалар бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.




фойдаланиш қоидалари”га кўра, саноат истеъмолчиларига электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбурияти ҳам юкланади. Ёки Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра, тадбиркорлик субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақлидирлар.

Булардан ташқари, тарафлар шартномавий муносабатга киришишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин. Мисол учун шартнома юзасидан тўловларни олдиндан тўлиқ тўлаш мажбурияти белгиланиши мумкин.

### Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у оферта, акцепт, юридик экспертизадан ўтказиши ва шартномани имзолаш босқичларидан. Таклиф **оферта**, таклифни киритган шахс эса **оферент** деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши **акцепт**, таклифни қабул қилган шахс эса **акцептант** деб аталади.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар икки турга бўлинади. Булар:



*Акцептлаш муддати  
кўрсатилган оферта*

Одатда, офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати кўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичида ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда, агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб, бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади.

*Акцептлаш муддати  
кўрсатилмаган оферта*

Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар орали шартноманинг шартлари шакллантирилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулоқот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дарҳол акцептланса, оферентни «боғлаб» кўяди. Ёзма берилган оферта эса, аввал унинг матни билан танишиб чиқишни, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қилади. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан «боғланган» бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни «боғлаб» турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартномани тузиш учун берилган таклифда қуйидагилар мавжуд бўлсагина **оферта** деб ҳисобланади:

1. Бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари;
2. Оферта юборилаётган шахс аниқ кўрсатилганлиги.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у оферта деб эмас, балки **офертага даъват** деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай даъватга турли жавоблар келиши мумкин. Балки улардан баъзиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага даъват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган акцепт деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий маънодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Шартномавий муносабатларга киришиш учун оферта ва акцептнинг мавжудлиги мажбурий шарт эмас. Уларсиз ҳам шартнома тузиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномаларини **ҳуқуқий (юридик) экспертизадан** ўтказиш шартнома тарафларининг юридик хизмати ёхуд шартнома асосида

жалб этилган адвокатлар, адвокатлик тузулмалари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик шартномалари борасида юридик хизмат:

- тадбиркорлик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

- шартномалари бажарилиш устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

- тадбиркорлик субъекти раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган тадбиркорлик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Тадбиркорлик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни ҳуқуқий эксперт имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган **энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан** ортиқ суммадаги тадбиркорлик шартномалари тадбиркорлик субъектлари юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

- ❖ тадбиркорлик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;
- ❖ тадбиркорлик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;
- ❖ тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

## **2. Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари. Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилиш билан боғлиқ лойиҳалар ва жаҳон модели.**

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив муносабатлар, уларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёж долзарблик тусини олмоқда. Кейинги йилларда хусусий тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг шакли ва турлари кўпайиши натижасида улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш эндигина бундай муносабатларни ўзлаштириш бошлаган мамлакатимиз учун ўта муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодида юз бераётган қатор жараёнлар корпоратив бошқарувнинг янги стандартларини киритишнинг долзарблигини белгилаб беради. Улар қуйидагилардан иборат:

- янги инвестиция манбаларини талаб қилувчи жадал иқтисодий ўсиш;
- бошқарувнинг марказлашмаган шаклини киритишга қаратилган ислохотлар ва улар натижаси ўлароқ, иқтисодни бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати;
- амалга оширилган хусусийлаштириш ва бунинг натижасида шаклланган корхона, компаниялар устидан назоратнинг мувофиқ шаклига ўтиш;
- компанияларнинг кўпчилигини модернизация қилиш ва бунда фирибгарлик ва суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ошқора бошқарув тизимига ўтиш зарурати.

Ривожланган давлатларнинг корпоратив бошқарув тизимида самарали механизмни шакллантиришнинг асосларидан бири сифатида миллий корпоратив бошқарув кодекслари хизмат қилади.

2012 йил ҳолатига кўра дунёда ўз корпоратив бошқарув кодексига эга бўлган давлатларнинг сони 90 тадага ортган. Европа Корпоратив бошқарув

институтининг маълумотларига кўра, бундай давлатларнинг айримларида бир неча кодекслар мавжуд.

Корпоратив бошқарув кодексларим нисбатан янги феномендир. Корпоратив бошқарув кодексларига бериладиган энг оддий таъриф куйидагича: фирма ёки компаниянинг директорлар кенгаши хулқ-атвори ва тузилишига нисбатан энг яхши тажрибалар йиғиндисидан иборат тавсиялар.

Корпоратив бошқарув кодекслари қаерда ва нима сабабдан пайдо бўлди, деган савол туғилади. Америкалик олимлар Агуилера ва Суерво-Сазурранинг таъкидлашларича, дастлаб кодекслар 1989 йил Гонгконгда ва 1991 йил Ирландияда яратилди. Аммо, энг кенг тан олинган миллий кодекс Бирлашган Қиролликда 1992 йилда Адриан Кедбари бошчилигида ишлаб чиқилди. У «Корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари» ёки «Кедбари кодекси» деб ном олди. Кодекс Буюк Британиянинг Молиявий ҳисобот қўмитаси томонидан бир неча марта қайта кўриб чиқилгандан сўнг, «Буюк Британия Корпоратив бошқарув кодекси» номи билан амал қилмоқда.

Дастлабки кенг доирадаги халқаро кодекс Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ОЭСД) томонидан 1999 йилда ишлаб чиқилган. Бугунги кунга келиб дунёнинг 90 га яқин бозорларида корпоратив бошқарув кодексларини учратиш мумкин.

Корпоратив бошқарув кодекслари қонунлардан фарқли ўлароқ, ўзгарувчан бўлиб, қонунчилик қамраб ололмайдиган жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, ташкилот ёки компанияларнинг тез ўзгарувчан талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу кодекслар қонунга нисбатан янги қоидалар билан тезроқ тўлдирилиши мумкин.

«Кедбари кодекси» ва бошқа шунга ўхшаган корпоратив бошқарув кодекслари 1990-йиллар бошларида кетма-кет юз берган бир неча компанияларнинг инқирозга учраши натижасида, кейинчалик шундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кодекс яратувчилари бошқарув тажрибасини яхшилаш, инвесторлар ва халқнинг бизнесга бўлган ишончини оширишни мақсад қилиб қўйганлар. Корпоратив бошқарув кодексларининг ишлаб чиқилишига ҳар хил давлатдаги сабаблар бир-биридан фарқ қилса-да, умумий жиҳатлар ҳам мавжуд эди. Масалан, одатда, бу жараён мавжуд корпоратив бошқарув режимига бўлган ишонсизликдан бошланган. Шунингдек, манфаатлар билан боғлиқ низолар тез-тез учраб турган.

Кодекс яратувчилари унинг ҳамма учун бир хил ва ўзгармас бўлишини мақсад қилиб қўймаганлар, балки компаниялар учун асосий принципларни белгилаб берган ҳолда, улардан Қоидаларга амал қилишни, амал қилинмаган тақдирда эса унинг сабабини тушунтириб беришни талаб қилишни назарда тутганлар. Улар, одатда, Қонун билан тартибга солинадиган Қатъий қоидалардан кўра, «базар ёки тушунтир» («comply or explain») режимига асосланган «юмшоқ стандартлар» («soft standards») сифатида таърифланади.

Энг дастлабки кодекслар фақат корпорациялар учун мўлжалланган эди. Яқин йилларда инстшудцион инвесторлар, воситачилар каби бозорнинг бошқа

иштирокчилари учун ҳам кодекслар шакллана бошланди. Инвесторлар учун яратилган кодекслар бошқарув ёки назорат кодекслари («Thestewardshipcodes») деб номланади.

Шу пайтгача яратилган, энг кўзга кўринарли кодекслар корпоратив бошқарувдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ёзилган. Масалан, Буюк Британиянинг Кедбари қўмитаси бозорнинг машҳур шахслари, компаниялар, инвесторлар, бухгалтерлик фирмалари, банклар, фонд биржалари вакиллари, академиклардан ташкил топган эди.

Корпоратив бошқарув кодекслари давлат органлари томонидан ҳам ишлаб чиқиши мумкин ва бу анча кенг тарқалган тажриба ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқининг Германия, Нидерландия каби давлатларида ҳукумат томонидан тузилган корпоратив бошқарув кодексларини ёзиш ва қайта кўриб чиқиш учун масъул бўлган комиссиялар мавжуд.

Корпоратив бошқарув кодекслари даврий равишда ўзгариб, янгиланиб боради. Бундай ўзгартиришлар муаллифлар ёки кодексдан фойдаланувчилар томонидан киритилиши мумкин.

Айрим давлатларда инвесторлар учун мўлжалланган кодекслар ҳам ишлаб чиқилган. Бундай кодексларнинг энг ёрқин мисоли сифатида Буюк Британия бошқарув кодексини кўрсатиш мумкин. Бу Кодекс инвесторлар амал қилиши керак бўлган етти асосий тамойилга асосланган:

- ўз мажбуриятларини қандай амалга ошириш ҳақидаги сиёсатни ошкор қилиш;
- бундай муносабатлар билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича самарали сиёсатга эга бўлиш ва бу сиёсатнинг ошкоралиги;
- ўзлари инвестиция киритган компаниялар устидан назорат қилиш;
- зарур бўлган ҳолларда бошқа инвесторлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр бўлиш;
- акцияларнинг баҳосини ошириш ва ҳимоя қилиш услуги сифатида ўз фаолиятини қачон ва қандай шаклда кучайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар ўрнатиш;
- овоз бериш ва овоз беришнинг ошкоралиги бўйича аниқ сиёсатга эга бўлиш;
- ўзларининг бошқаруви ва овоз бериш ҳаракатлари тўғрисида даврий равишда ҳисобот бериш.

Умуман олганда, корпоратив бошқарув кодексларининг мавжудлиги ҳар бир давлатнинг корпоратив бошқарув тизимининг ишончилигига хизмат қилади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, корпоратив бошқарув кодекслари қуйидаги талабларга жавоб берганда улар анча самаралироқ ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув кодексини яратишда шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш тавсия қилинади:

биринчидан, корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш учун бу соҳада фаолият юритувчи компаниялар, давлат органлари, инвесторлар, фонд биржалари вакиллари, мутахассислар, юристлардан иборат қўмита ёки комиссия ташкил қилиниши, мазкур қўмита ёки комиссия доимий фаолият

юритувчи бўлиб, кодексга мунтазам тегишли ўзгартишлар киритиб бориш лозим;

иккинчидан, корпоратив бошқарув кодекслари ўз табиатига кўра асосан тавсиявий характердадир. Бироқ, у «базар ёки тушунтир» моделидаги амалга ошириш механизмига ҳам эга бўлиши керак. Яъни, компаниялар ҳисоботида қанчалик корпоратив бошқарув кодексига амал қилинаётгани, бажарилмаган бандлар бўйича сабаблар асослаб берилиши керак.

Корпоратив бошқарув кодексларининг самарали ишлашини таъминловчи яна бир восита оммавий ахборот воситалари орқали компаниялар фаолиятига бўлган жамоатчилик қизиқишини оширишдир. Чунки, корпоратив бошқарув кодексларига амал қилмаслик ҳолатлари юзасидан оммага изоҳ беришга тўғри келса, бундай ҳолатларнинг олди олинади.

Мамлакат иқтисодиётининг таянч тармоқларида фаолият юритувчи тузилмалар ўз фаолиятини акциядорлик жамиятлари шаклида амалга оширар экан, улар фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув услубларини ташкил этиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ҳамда инвесторлар учун уларнинг очиклигини ва жозибadorлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Чунки тўғри ҳамда самарали ташкил этилган корпоратив бошқарув тегишли тузилмаларнинг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишида, инвестицион салоҳиятнинг ошишига хизмат қилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солишнинг изчил механизми яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб бермоқда. Шу билан биргаликда, республикаимизда шаклланган мулкдорлар синфининг ўз маблағлари ҳамда мол-мулкини фаол молиявий жараёнларга жалб этиш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш тенденцияси амал қилаётган бир даврда мазкур шахсларнинг ҳуқуқларни таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қилишда ҳуқуқий воситалар тизимини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожлантириш ўз ўзидан хусусий мулкчиликни ривожлантиришга, акциядорлик жамиятларига инвестициялар киритилишининг рағбатлантирилишига, корпоратив бошқарув иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, акциядорлар, айниқса, миноритар акциядорларнинг корпорацияларни стратегик бошқаришда бевосита ҳамда билвосита қатнашишлари ҳамда вужудга келадиган корпоратив низоларни ҳал қилиш механизминини яратишга катта таъсир

кўрсатиш билан бирга ривожланган хориж тажрибаси асосида корпоратив бошқарув қонунчилигини такомиллаштириш имконини беради.

### **3. Тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда низоларни ҳал этиш йўллари**

Тадабиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу сабабли, тадабиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Ушбу сиёсатнинг моҳияти, уни амалга оширишнинг шакл ва воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан ҳар томонлама асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида Президентимизнинг сўзлаган маърузасида ҳам бу масалага асосий эътибор қаратилди. «Тадабиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб - қувватлаш, – деб таъкидлади юртбошимиз, – улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масалалари барча даражадаги раҳбарларнинг, биринчи галда ҳудудий ҳокимлик ва бошқарув идораларининг доимий диққат марказида туриши керак. Ушбу маърузада юртбошимиз томонидан тадабиркорлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яратиш ва уни мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди ва уни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Сўнгги йилларда тадабиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди: матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, брошюралар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ташвиқот воситалари тайёрланди ва аҳоли ўртасида тарқатилди. Улардан тадабиркорлар ўзлари учун зарур барча фойдали маълумотларни олишлари мумкин.

*Тадабиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя қилиш нафақат тадабиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган субъектларга нисбатан балки, ўз уставида тадабиркорлик фаолияти билан шугулланиши ҳуқуқи кўрсатилган субъектларга нисбатан ҳам тадабиқ этилади.*

Тадабиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг қамровлик асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадабиркорлик қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади.

*Ҳуқуқий ҳимоя тизими нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёки суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи орқали, балки давлат ва нодавлат, суд ва носуд тузилмалар орқали ҳам амалга оширилади.*

Ҳуқуқий ҳимоя юксак даражада юридик таъминланган. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадабиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими энг аввало тадабиркорларни фаоллигига таянади. Ҳар бир



тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан энг аввало ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл кўйилган барча воситалардан (ўзини–ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усулларини қўллаш ва ш.к.) фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хохламас (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига эга. Бу тузилмалар ичида адлия идоралари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.

#### **Хорижий тажриба!**

Россия Федерацияси бундан истисно. Чунки, Россия Федерациясида тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича омбудсман институти жорий этилган. Шунингдек, прокуратура органлари тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида мувофиқлаштирувчи идора сифатида ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларини махсус ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими узил–кесил шаклланганига қадар бўлган даврда, яъни 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари билан бунга ҳуқуқий замин тайёрланди. Улар жумласига куйидагилар киради: 1995 йил 5 январдаги *ПФ-1030-сон “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”* (Фармонда давлат органларига қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари тадбиркорларни тезкор-хўжалик ва хўжалик тижорат фаолиятига аралаштириш таъқиқланди, тадбиркорлар ва давлат мулклари тенг ҳуқуқлилигини оғишмай таъминлаш белгилаб қўйилди, томонлардан бирининг айби билан кўрилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш шарти билан иқтисодий муносабатларда бошқарув органлари билан тадбиркорларни икки томонлама масъулияти принципи ўрнатилди); 1995 йил 27 июндаги *ПФ-1193-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”* Фармонлари.

Уша даврда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда бунда хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларни корхоналар хўжалик

фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб бир йўла комплекс текширувини ўтказиш, қўшимча текшириш, муқобил текшириш ва тафтиш қилиш асослари доираси ва тартиби аниқлаштирилди, ўз мажбуриятларини тўла ва вақтида бажараётган хўжалик юритувчи субъектлар учун режали комплекс текширув 2 йилда бир марта ўтказилиши белгиланди, назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кундан ошиб кетмаслиги белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини шаклланишида *Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”*, *2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”*ги, *2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”*ги Қонунлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу қонунлар мақсад ва вазифаларида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими асосий предмет сифатида белгилаб қўйилмаган бўлса ҳам уларнинг моҳияти ва қатор новеллалар мазмуни ушбу тизимни шакллантириш ва уни амал қилиш механизминини таъминлаш билан узвий боғлиқ.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат идоралари (суд, прокуратура, адлия, туманлар, вилоятлар ҳокимликлари) ва нодавлат тизимлари (товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ассоциациялари) баб-баравар фаолият кўрсатадилар.

Адлия органларининг бу борадаги ваколатлари *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 февраль 2000 йилдаги Қарори* билан белгилаб қўйилган. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибида тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмалар мавжуд. Адлия вазирлиги ва жойлардаги унинг идоралари томонидан тадбиркорлар учун ишонч телефонлари ташкил этилган. Адлия вазирлиги тадбиркорлик ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонунчиликка риоя қилиш устидан барча минтақаларда даврий комплекс текширувларни амалга оширади. Ушбу текширувлар вилоятлар ва туман ҳокимликлари, солиқ, божхона, банк, тайёрлов ва таъминот корхоналари фаолиятини қамраб олади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»*ги Низомда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари белгиланган. Ушбу Қарорга кўра Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида:

- бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу соҳада бюрократик тўсиқ ва ғовларни яратишга йўл қўймаслик;

- шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, шартномаларни, энг аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширади.

Адлия органлари текширишлар давомида тадбиркорларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган фактлари аниқланган ҳолларда судларга ва хўжалик судларига тегишли даъво аризалари билан чиқадилар ва айблардан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш талабини қўядилар.

2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан *ПФ-3619-сон «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида қабул қилинган. Ушбу норматив ҳужжатда илк бор тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. 2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 3619-сон «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларини таъкидлаш мумкин.

Мазкур Фармонида илк бор тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг қонуний асосларидан бири бўлиб 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг *«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»*ги Қонуннинг 5-моддасида тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоя қилишда қуйидаги принципалар белгилаб ўтилади:

-тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат

хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши;

-рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги; рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;


-рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши;

-рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги кабилардир.

Тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни муҳим ўзагини 2012 йил 2 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни таъкидлаш лозим. Хусусан, ушбу Қонунда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги (11-модда), тадбиркорлик фаолиятини субъектларининг кафолатлари (18-34-моддалар), тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари (35-38-моддалар) белгилаб ўтилади.

### **Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими**

Давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлган ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳам мавжуд бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таркибий қисмидир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларни манфаати тўкнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши мумкин. Бироқ бу ўринда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқий низоларни ҳал этиш тизими билан бир хил, айний деган тасаввур туғилмаслиги лозим. Ҳуқуқий ҳимоя тизими гарчи муайян ҳолатларда ҳуқуқий низоларни ҳал этиш тизими билан туташса ҳам ҳуқуқий майдонда ўзига хос нисбий мустақил сегмент сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ субъектларини ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нормал амалга оширишини таъминлаш, уларни ҳар қандай бузилишлардан ва тажовузлардан сақлаш мақсадида қўлланиладиган, ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилган юридик таъсир чораларини ва уларнинг амал қилишини таъминловчи институционал, процессуал нормалар мажмуидан иборат.



Хукукий ҳимоя тизими ўз таркибига кўра куйидаги элементлардан иборат:

**а) ҳимояланувчи субъект томонидан қўлланиладиган юридик таъсир чоралари.** Бундай таъсирни юридик таъсир чоралари сифатида намоён бўлиши нафақат уларни ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилганлигида, балки ҳукукий оқибатлар вужудга келтиришида ҳам кўринади. Юридик таъсир чоралари ҳимояланувчи субъект ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Юридик таъсир чоралари тизимида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари марказий ўринни эгаллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси *Фуқаролик кодексининг* 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кўрсатилган. Жумладан, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни талаб қилиш, зарарни қоплашни талаб қилиш, ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этишни талаб қилиш шулар жумласидандир;

**б) хукукий ҳимоя тизимини институционал тузилмалари ҳам хукукий ҳимояни қўлланиши ва самарали амалга оширилишини таъминлайди.** Институционал тузилмалар ўзига хос ташкилий-ҳукукий қурилмалар сифатида намоён бўлади. Ташкилий-ҳукукий тузилмалар ҳукукий ҳимояни амалга ошириш ёхуд ҳимояланувчи субъектга бундай вазифани бажаришга кўмаклашиш функцияларини бажаради. Айнан институционал тузилмалар ҳукукий ҳимоя тизимини барқарорлиги, доимийлиги, тизимлашни белгилайди. Институционал тузилмалар ҳам оммавий ҳукукий, ҳам хусусий ҳукукий характерга эга бўлиши мумкин. Давлат органлари тизимида махсус ихтисослашган идоралар – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, ички ишлар, монополияга қарши органлар ва ҳ.к.) бу соҳада фаол эканлигини таъкидлаш лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳар бирини ўзига хос фаолият йўналиши, мақсадлари, вазифалари ва функциялари мавжуд, бироқ буларнинг барчаси

бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш функциясининг муайян жиҳатларини камраб олади ёхуд ушбу вазифалар билан узвий боғлиқ. Шу сабабли ҳам уларни ҳуқуқий ҳимоя тизимининг институционал тузилмалар сегментида алоҳида ўрин эгаллашини қайд этиш лозим;

**в) ҳуқуқий ҳимоя тизими таркибида процессуал воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.**

Айнан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнида муайян тартиб, таомиллар, процессуал ҳаракатлар кетма-кетлиги ва узвийлиги, юридик ҳужжатлар шакл-шамойили белгилаб қўйилганлиги процессуал жараён иштирокчилари учун қулайлик туғдиради.

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб этаётган ёки ҳимояни амалга ошираётган субъект процессуал тартиб мавжудлиги ва унга қатъий риоя қилиш шартлиги сабабли бошқа шахсларни, айниқса, баъзи давлат ёхуд нодавлат ташкилотлар ходимларининг ўзбошимчаликлари, бюрократик муносабатлари таъсирини кескин камайтиради ёхуд олдини олади. Ушбу процессуал воситалар оммавий-ҳуқуқий ҳам, хусусий-ҳуқуқий ҳам, универсал-ҳуқуқий ҳам, локал-ҳуқуқий ҳам бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳар қандай ҳуқуқ тизими – оиласида (англо-саксон, китъа, мусулмон ва ҳатто патриархал ҳуқуқ оиласида ҳам) мавжуд. Ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг маънода ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимига таянади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ундан фойдаланувчи субъектлар доирасига қараб умумий ва махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимларига табақаланади.

Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқий майдонда ҳаракатланувчи барча субъектларни – фуқаролар, юридик шахслар, давлат, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларни камраб олади.

Ушбу субъектларни барчаси ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилиш имкониятларига эга бўладилар. Албатта, амалда кўпроқ ундан фуқаролар ва юридик шахслар доимий равишда фойдаланадилар.

Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимининг асосий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муайян даражада ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг 13-моддаси (демократик ҳуқуқ ва эркинликлар қонун билан қўриқланиши), 8-моддаси (тенг ҳуқуқлилик), 19-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги), 20-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш шартлари), X-боби (ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатлари) шулар жумласидандир. Умуман олганда, Конституциянинг жуда кўп нормаларида субъектларни муайян ҳуқуқлари ва эркинликлари ёки уларни таъминлаш кафолатлари мужассамланган.

Давлат кучли ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимини яратиш, уни ташкилий – ҳуқуқий ва норматив таъминлаш орқали умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимини доимий ва узлуксиз ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Барча субъектлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ва истисноларсиз ушбу тизим имкониятларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Шуни назарда тутиш лозимки, айрим тоифадаги шахслар учун махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини жорий этилганлиги Конституциянинг 18-моддасида белгилаб қўйилган барча фуқароларни тенг ҳуқуқлилиги тамойилига асло зид эмас.

Алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланувчилар аҳолини элита қисми сифатида баҳоланмайди. Улар аҳолини бошқа қатламларига мансуб кишиларни ҳуқуқларини камситилиш, ерга уриш эвазига қўшимча имтиёзларга эга бўлмайдилар. Аксинча, масалан, вояга етмаганлар ва ногиронларга алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизими жорий этилмаса, у ҳолда улар бошқа кишиларга нисбатан имкониятлари чекланганлиги сабабли ноқулай аҳволга тушиб қолган булур эди.

Алоҳида махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини жорий этиш орқали “заиф” субъектлар бошқа субъектлар имкониятлари даражаси бўйича тенглашади. Демак, махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими энг аввало, субъектлар тенг ҳуқуқчилигини реал жиҳатдан таъминлашга қаратилади.

Шу маънода махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ тартиботнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди ва унинг ташкилий механизми яратилди.

Бу тизимда **тадбиркорнинг шахси** ҳам муҳим ўрин тутади. Биринчи галда тадбиркор ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини англаб етган бўлиши ва ҳуқуқий саводхон бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун қандай тизим яратилмасин, у самарали фаолият кўрсата олмайди. Аслини олганда, тадбиркор ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмаса ундан қандай фойдаланишни ҳам, уни қандай ҳимоя қилишни ҳам, ва ҳатто, ҳуқуқи бузилган ҳолларда ўз ҳуқуқлари бузилганлигини ҳам англаб етмайди. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан, энг аввало, ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл қўйилган барча воситалардан (ўзини-ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усулларини қўллаш ва ш.к.) фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хоҳламаса (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфаатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари

белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таклифлари давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган тадбиркорлик фаолияти субъектига ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Аризалар ёки шикоятлар масалани моҳиятига кўра ҳал этиши шарт бўлган давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиганлари эса, ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади (*ЎзР “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси*).

Сўнги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди: матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, рисоалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ташвиқот воситалари тайёрланди ва аҳоли ўртасида тарқатилмоқда. Улардан тадбиркорлар ўзлари учун зарур барча фойдали маълумотларни олишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими **кенг қамровлилик** асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадбиркорликда қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоя тизими нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёки суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи орқали, балки давлат ва нодавлат, суд ва носуд тузилмалар орқали ҳам амалга оширилади.

Ҳуқуқий ҳимоя **юксак даражада юридик таъминланган**. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.





Бунинг маъноси шундаки, тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, фаолиятини амалга ошириш ва бекор бўлиш жараёнларининг ҳамма босқичида ҳуқуқий ҳимоя мавжуд бўлади, масалан, тадбиркорлик субъектини рўйхатга олишни рад этганлик учун судга шикоят қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлар фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашувлардан ҳимоя қилиш тартиби ва ниҳоят, тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топиш асослари ва тартиби (аслини олганда банкротлик ҳам ҳимоя тизимига киради, яъни якка тартибдаги тадбиркорни муайян асосларга кўра кредиторлар олдида жавобгарлигини бекор бўлишига олиб келади ва ҳ.к.).

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган **ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига** эга. Бу тузилмалар ичида адлия органлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат органлари (суд, прокуратура, адлия, туманлар ва вилоятлар ҳокимликлари) ва нодавлат тизимлари ( савдо-саноат палатаси, фермер хўжаликлари уюшмаси) баб-баравар фаолият кўрсатадилар.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб **тадбиркорлик, хўжалик юритишни ҳуқуқий таъминлаш** ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.). Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга. Низоларни ҳал этишнинг давлат тизимида хўжалик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. (масалан, контрактация шартномаси бўйича низолар туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати бериш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Интеллектуал мулк Агентлиги ҳузуридаги Апелляция кенгаши томонидан ва ҳ.к.). Кўп ҳолларда давлат идораси қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Хўжалик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик

суди ва хижалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий юрисдикция судлари иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Тадбиркорлик субъектлари даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда хўжалик судлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари изчиллик билан жорий этилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни масофавий амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга уларнинг вақтини ва маблағларини тежаш натижада тадбиркор ўз фаолиятини тўлақонли шуғулланиши учун шарт-шароит яратилади.

Конституция ишлаб чиқилган ва қабул қилинган шарт-шароитларда мамлакат иқтисодий ривожининг стратегик мақсади, яъни бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш аниқ ва равшан белгилаб қўйилган эди. Бироқ ушбу иқтисодий тизимни барпо этиш йўллари, давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлатни иқтисодиётга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари ҳали мукамал ишлаб чиқилмаган эди. Мана шундай шароитда Конституциянинг XII-боби жамиятни иқтисодий негизи тўғрисида конституциявий нормаларни ўзида мужассам этди. Бугунги кунда ушбу нормалар мазмунини таҳлил этар эканмиз, уларни ниҳоятда заргарона аниқлик билан белгиланганлигини эътироф этиш лозим.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий негизининг асосида ётади. Худди шу сабабли ҳам Асосий қонунимизда мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор **конституциявий принциплар** белгилаб қўйилган. Биринчи галда **Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма хил шакллардаги мулк ташиқил этиши** белгилаб қўйилган. Демак, бундан мамлакатимизда қандайдир мулк шаклини танҳо ҳукмрон мавқега эга бўлмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўринда Конституцияда мулк шакллари санаб чиқилмайди, уларнинг рўйхати белгилаб қўйилмайди. Бу эса келгусида истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган у ёки бу мулк шаклларига тўсиқлар қўйишни истисно этилишини аңлатади. Конституцияда шунингдек, **барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилиши кафолатланиши тўғрисида конституциявий принцип** ўз ифодасини топган. Ушбу принцип шунчаки декларатив характерга эга бўлмасдан, кейинчалик фуқаролик қонунларида янада ривожлантирилди ва муайянлаштирилди. Давлат – мулкдор, давлат мулки яъни оммавий мулк мулкнинг алоҳида шакли

хисобланади. Бироқ давлат на сиёсий ҳокимият субъекти сифатида, на қонун чиқариш ҳокимиятини соҳиби сифатида ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда оммавий мулк учун алоҳида имтиёзли ҳолатни белгилаб бермайди. Аксинча барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолати сифатида намоён бўлади.

Конституцияда шунингдек, мулк шакллари орасида хусусий мулк шакли тўғрисида алоҳида сўз юритилади. Бир қарашда Конституциянинг 53-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари орасида зиддият бордек туюлади. Агар 53-модданинг биринчи қисмида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги расман баён этилса, 53-модданинг иккинчи қисмида эса мулк шакллари ичида хусусий мулкка алоҳида эътибор берилади. Аслини олганда бундай зиддият мавжуд эмас. Чунки, гарчи хусусий мулк алоҳида таъкидлаб кўрсатилса ҳам, Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисми барча мулк шакллари учун таъсир кучига эга. Шу билан бирга, хусусий мулкка алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Чунки, Конституция қабул қилингунга қадар хусусий мулк амалда тўлақонли ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган. Аксинча, нисбатан яқин ўтмишда у қораланиб, юридик жиҳатдан қонундан ташқари деб эълон қилинган. Бошқа жиҳатдан олганда эса, айнан хусусий мулк эркин рақобат ва шартномалар эркинлиги ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий шартидир. Тадбиркорликни ривожлантириш учун тадбиркорлик субъектлари ўз мол-мулкларига эга бўлиши лозим.

Давлат мулки – оммавий мулк ўзининг алоҳида тайинланиш мақсад ва вазифаларига эга. Бу вазифалар давлатнинг ўзига хос функциялари, яъни мудофаа, хавфсизлик, социал функциялар, давлатни нормал фаолиятини ташкил этиш ва шу кабилар билан узвий боғлиқ.

Иқтисодиётда хусусий сектор субъектлари тадбиркорликни асосий субъектлари сифатида намоён бўлиши табиий. Бундан эса, хусусий мулкни жамият иқтисодий негизини ривожлантиришда, бозор тизими ва тадбиркорликни тараққий этишида асосий моддий-мулкий манба бўлиши тўғрисида хулоса келиб чиқади. Демак, қонун чиқарувчи томонидан Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмида хусусий мулкка урғу берилиши ҳар жиҳатдан ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлган. Навбатдаги **конституциявий принцип** мулк дахлсизлиги билан боғлиқ.

ФКнинг 166-моддасига кўра Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва бошқа қатор қонунларда мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари ва тартиби батафсил белгилаб қўйилган. Мулкдор ҳар қандай ҳолатда эмас, балки ўзининг ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлари ёки жамият манфаатлари тақозосига кўра, муайян чекланган ҳолатлардагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий қонунимизда мулк ҳуқуқини мазмуни ва мулкдор ваколатларини амалга ошириш чегараси белгилаб қўйилган. Мулкдор ваколатлари, энг аввало, ўз мол - мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилишда намоён бўлади. Бироқ, мулкдор ваколатлари мутлақо чегарасиз эмас. Мулкдор ўз мол -мулкидан фойдаланиш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа субъектларни ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Конституцияда жамият иқтисодий негизлари билан боғлиқ яна бир **конституциявий принцип бу - иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги принципи** ҳисобланади. Иқтисодий фаолият эркинлигининг моҳияти шундан иборатки, фуқаролар ва юридик шахслар қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу иқтисодий фаолиятни амалга оширувчиси томонидан фойда олиш мақсади кўзда тутилса тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Агарда бундай мақсадни кўзламаса ҳайрия, биргаликдаги фаолият ва шу каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги фуқаро ёки тижоратчи юридик шахсга қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият соҳаси бўйича тадбиркорликни амалга ошириш имконини беради. Бироқ ҳар қандай иқтисодий фаолиятни, тадбиркорликни ва меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз фаолияти натижаларидан баҳраманд бўлувчи **истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини** унутмасликлари лозим. Бозор шароитида ҳар қандай меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий фаолият пировард натижаси истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳисобланди. Бинобарин, ушбу тамойилни давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда қатъий амалга ошириши шарт бўлган ўзига хос **конституциявий принцип** сифатида эътироф этиш ўринли бўлур эди. Юқоридаги **конституциявий принциплар** иқтисодиётни тартибга солувчи ҳар қандай қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ётувчи асосий раҳбарий қоида бўлиб қолиши, уларни Конституцияга тўлиқ мувофиқлигини таъминловчи асосий юридик шарт ҳисобланади.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб тадбиркорлик, хўжалик юритиш фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.).

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга.

*Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминланганлик даражасини юқорилиги – бу ўринда ким томонидандир ўзбошимчаликлар содир этилишини камайтиради ва охир оқибатда ҳуқуқий ҳимояни юксак савиясини таъминлайди.*

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини батафсил ҳуқуқий тартибга солинганлиги жуда муҳим ижобий ҳолат ҳисобланади. Айтиш керакки, бу борада барча муаммолар ҳал этилган деб айтиш қийин. Афсуски, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив массивда аксарият кўпчилик турли идоралар меъёрий ҳужжатлари ташкил этади. Одатда қонунларда мустаҳкамланган норматив умумий йўналиш билан идоравий манфаатлар мустаҳкамлаб қўйилади, бу эса холислик, адолат, оқилоналик, инсофлик каби умумий тамойиллар мазмунига ҳар доим ҳам тўла мувофиқ келмайдими.

*Шу сабабли ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибасида идоравий ҳужжатлар орқали ҳуқуқий тартибга солиш иложи борича кам қўлланилади.*

Шу сабабли ҳам келгусида хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда идоравий меъёрий ҳужжатлар (Марказий Банк, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси каби идоралар чиқарган ҳужжатлар) ўрнига қонунлар билан тартибга солишга кенг ўрин бериш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари энг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлари алоҳида концептуал аҳамият касб этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида 2005 йил 24 июнда қабул қилинган *ПФ-3622-сон «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»*ги Фармони, 2011 йил 24 августда ишбилармонлик муҳитини знада тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт саноатини ривожлантириш, атоли бандлигини ва даромадларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган *ПФ-4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар*

*тўғрисида»ги, 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни таъкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва қарорларини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра 2014 йил 1 июндан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини кўллаш тақиқланиши белгилаб кўйилди. Шу билан бирга ушбу Фармонга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари улар расман чоп этилган фурсатдан бошлаб, уч ойдан олдин бўлмаган муддатда кучга қриши белгиланди.*

*2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари улар расман чоп этилган фурсатдан бошлаб, уч ойдан олдин бўлмаган муддатда кучга қриши белгиланди.*

Низоларни ҳал этиш давлат тизимида хўжалик-тадбиркорлик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. (Масалан, контрактация шартномаси бўйича низолар туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати бериш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Интеллектуал мулк Агентлиги Апелляция Кенгаши томонидан ва ҳ.к.). Кўп ҳолларда давлат идораси қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Хўжалик–тадбиркорлик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий судларни иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги, тезкорлиги билан ажралиб туради (масалан, суд буйруғи тартибининг мавжудлиги). Хўжалик юритувчи субъектлар даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги хўжалик қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик–тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни ҳал этишнинг носуд тизими ҳам мавжуд.

Масалан, талабнома билдириш тартибида низоларни ҳал этишга йўл қўйилади. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-18-моддаларида талабнома билдириш орқали хўжалик низоларини ҳал этиш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари тарафлар келишув битими тузиш, низони ҳакамлар судига бериш орқали ҳам ҳал этишлари мумкин. Ҳакамлар судининг қарори давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади, шунингдек муайян асослар мавжуд бўлган тақдирда ушбу қарор устидан судга (хўжалик судига) шикоят қилиш мумкин.

Низоларни ҳал этишнинг халқаро тизими ҳам мавжуд. Одатда хорижий тадбиркорлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар бу борада вужудга келган низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар судларига ёки халқаро арбитражларга мурожаат этишлари мумкин.

Бунда албатта ҳар қандай низолар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида йўл қўйилган низолар хорижий давлатлар судларида ёки халқаро арбитражида кўриб ҳал этилиши мумкин (масалан, банкротлик бўйича ишлар, давлат бюджет олдидagi мажбуриятлар билан боғлиқ низолар, хорижий юрисдикция бўла олмайди.)

Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимида Савдо-саноат палатаси муҳим ўрин эгаллайди. Савдо-саноат палатаси тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотидир. Палата Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашиб, бозор инфраструктурасини яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорнинг фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади. Палата ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги 713-П-сонли «*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида*»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;



тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик тузилмалари хусусан фермер хўжалик ҳуқуқий ҳимоя тизимида Фермер хўжаликлари кенгашлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар ўз фаолиятларини «*Фермерлар кенгаши тўғрисида*»ги Уставга мувофиқ амалга оширади. Мазкур уставга мувофиқ Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

республикада фермерликни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ўрганади ва фермерликни ривожлантириш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва улар фаолият масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланаётганда уларнинг сўровига кўра ушбу лойиҳалар бўйича хулосалар бериш;

фермер хўжаликларининг иқтисодий аҳволи ва моддий-техник таъминланганлигини таҳлил қилади ҳамда унинг натижасига кўра тегишли таклиф ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, корхоналар билан фермер хўжалик ўртасида тузилган шартномаларнинг, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини мониторинг қилишда иштирок этиш;

бозорларда талаб ва таклифларни ўрганиб чиқиб ўзининг аъзоларига керакли бўлган маҳсулотларнинг бозор нархлари бўйича амалий кўмак бериш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

Ўзбекистон фермерлари кенгаши аъзолари фермерларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан ва уларнинг қонуний манфаатларини қўзлаб, давлат органларига таклифлар киритиш;

қонунда белгиланган тартибда (жумладан, давлат тузилмалари билан биргаликда) ўқув марказларини, бизнес-мактабларини ва турли хил профессионал тайёргарлик ва раҳбарларни қайта тайёрлаш ҳамда фермер хўжалик мутахассисларини замонавий даражада ва стандартларга тайёрлаш курслари, хусусан бошқариш асослари ва бизнесни юритиш, бухгалтерлик ҳисоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиради;

ҳалқаро, республика ва ҳудудий кўرғазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, бошқа давлатларнинг шундай ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, ўзининг аъзоларини чет давлатларга хизмат сафари ва стажировкага юбориш, Ўзбекистонга тегишли хорижий ташкилотлар вакилларини таклиф қилиш;

кенгаш аъзоларига кредит олиш ва ўзлаштиришда консултив ва методик ёрдам бериш, кредит ресурсларга, жумладан хорижий кредит ресурсларини олишда имкониятларни кенгайтириш;

худудий ва туман фермерлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

### **3. Хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари.**

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимининг марказида тадбиркор билан унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат хизматчиси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва инсофга асосланган қонуний муносабатларни вужудга келтириш ва уни доимий барқарор равишда сақлаб туриш ётади. Бу вазифа анча мураккаб ҳисобланади.

*Уни амалга оширишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим бўлиб жумладан:*

биринчидан, тадбиркорлик фаолияти муайян моддий бойликлар, пул маблағлари билан узвий боғлиқ равишда амалга оширилади. Шу сабабли ҳам ушбу моддий қийматликларни муомалада бўлиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат талаб этилади. Назоратга олиб, ўз мажбуриятларини бажаришда таъмагирликка, суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш оқилона ташкил этилмоғи, тадбиркорлик субъектига ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишга асло тўсқинлик қилмаслиги лозим.

учинчидан, назорат очик, ошкор, шаффоф бўлмоғи, назорат асослари, тартиби, усул ва воситалари аниқравшан белгилаб қўйилмоғи шарт. Акс ҳолда ҳар хил ўзбошимчаликлар келиб чиқиши мумкин.

тўртинчидан, тадбиркорлик субъекти назорат жараёнида ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етган деб ҳисоблаган тақдирда, суд орқали ҳимояланиш имкониятларига эга бўлиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томондан назорат қилиш тартиби 1998 йил, 24 декабрда қабул қилинган “*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томондан назорат қилиш тўғрисида*”ги Қонуни, шунингдек “*Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолати тўғрисида*”ги Қонуннинг 39-40-моддалари билан қўйилган бундай шакллар текшириш, тафтиш, муқобил текширишда, назорат тартибида текширишда, статистик ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш, идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказишдан иборат. Қонунда текшириш, тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш тушунчалари аниқ белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралаштишга ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралаштиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимини яна бир бўғини – бу хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат бўлинмалари ҳисобланади. Айниқса хўжалик шартномалари тузишда юридик хизмат бўлинмалари фаол иштирок этади. Агар тадбиркорлик субъекти ўз юридик хизматида эга бўлмаса (масалан, яқка тадбиркор, фермер хўжалиги ва х.к.), у ҳолда улар ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатиш шартномалари орқали адвокатлар хизматидан фойдаланишлари шарт (*“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси*).

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз юридик хизмати бўлиши унинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкилий таъминловчи кафолат ҳисобланади. Юридик хизмат бўлинмалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча йўналишларида ва саналарида, барча босқичлар узлуксиз ва доимий равишда, биринчидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини қонунийлигини, ўз манфаатларига мослигини таъминласа, иккинчидан, бошқа ҳар қандай субъектларни хатти-ҳаракатлари унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф бўлмаслигини кузатиб боради ва зарур ҳолларда тегишли ҳуқуқий ҳимояни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “*Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида*”ги 182-сон қарорига 2-илова қабул қилинган Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди. Мазкур низомга мувофиқ, қуйидагилар корхона юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Шу билан бирга, корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

**1) қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:**

- корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

- корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

- корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар

лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

- корхонанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

- корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

- корхона ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга корхона фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради;

**2) мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳасида:**

- мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

- бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонада мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

- моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

- шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

- бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

- қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

- шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

- корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, корхонада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

- корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади;

#### **4) бошқа соҳаларда:**

- таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқӣ ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

- норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқӣ нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда тадбиркорларни ҳуқуқӣ ҳимоя тизими миллий қонунчилигимизнинг алоҳида комплекс институти бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда уларга берилган имтиёзлар, енгилликлар, афзалликлар, алоҳида кафолатлар, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган давлат ва нодавлат органларининг махсус ваколатларини, хўжалик – тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг алоҳида тартибини ўз ичига олади.

## ТАҚДИМОТЛАР



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ КАФЕДРАСИ



Фуқаролик-ҳуқуқий ва  
тадбиркорлик (бизнес)  
ҳуқуқий фанларни  
ўқитиш назарияси ва  
амалиёти



## РЕЖА

1. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти
2. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари
3. Фуқаролик қонун ҳужжатлари буйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари


Фойдаланилган адабиётлар



## Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти



## Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим –тарбия, шу жумладан юридик таълим тўғрисидаги ғояларнинг моҳияти





## Замонавий фуқаролик ҳуқуқи фанининг ўқитишнинг назарияси ва амалиёти

### ТАЪЛИМ

бу инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, шахс ва жамиятнинг ахлоқий, ақлий, руҳий ва жисмоний ҳолатининг доимий такомиллашуви мақсадида билимларни эгаллаши ҳамда янги авлодга ўтказилишига йўналтирилган тарбия ва ўргатиш жараёнидир.

### Олий таълимни модернизация қилиш мақсадида

олий таълим олиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи эканлигини тўлиқ англаш ва ўқув жараёнининг сифатини тубдан яхшилаш

асосий йўналишлари бўйича унинг тузилмасини тартибга солиш

жамият ва ишлаб чиқаришнинг долзарб ва истиқболли талаблари асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш



Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш йуналишлари

Ўзбекистон Республикасининг  
фуқаролик назарясига киритилган  
ўзгртиш ва қўшимчаларни моҳияти

Ўзбекистон Республикаси  
фуқаролик назарясини  
такомиллаштиришнинг асосий  
тенденцияларини хусусий  
ҳуқуқий фанларни ўқитишдаги  
аҳамияти

Фуқаролик қонун ҳужжатларини  
такомиллаштириш бўйича  
тенденциялар



## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

- Мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади;
- Муносабатлар тарафларнинг тенглиги тамойили асосида тартибга солинади.
- фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар қиймат шаклига, яъни товар – пул хусусиятига эга бўлади;
- Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар кимлигидан қатъи назар (фуқаро, юридик шахс, давлат) ҳар қандай шахс ўртасида вужудга келиши мумкин.



Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни ривожлантиришда фуқаролик қонун ҳужжатларининг роли беқиёсдир.

- Шу боис бозор муносабатлари тизимини қарор топтириш товар пул муносабатларини ҳуқуқий шакли бўлган шартномаларга (битимлари) оид нормаларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.
- Энг аввало, маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишда шартномаларни тузишни моҳияти ва асосларини илмий-амалий таҳлил этиш ўта долзарб масаладир.



Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш суд амалиётининг тавсифи ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тавсифи

Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш масалалари

Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш усуллари

- Жамиятда ҳуқуқнинг мавқеини ошириш, унинг инсонлар ҳуқуқ атворига ва ижтимоий муносабатларга таъсири ва хизмат ролини кучайтириш ҳуқуқни қўллаш фаолияти механизмини қай даражада тизимли ташкил этишга боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳуқуқ реализацияси уни реал амалиётда амалга оширишнинг мураккаб механизми сифатида фойдаланилади. Кўплаб юрист олимлар ҳуқуқ реализацияси шаклига риоя этиш, фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллашни киритади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг фуқаролик ҳуқуқий хусусияти энг аввало, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методида ёрқин намоён бўлади. Яъни, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш тизимида диспозитив нормалар устун мавқеи эгаллаганлиги сабабли ҳамда тарафларнинг ташаббусига асосланганлиги уни қўллашнинг ўзига хос ҳолда намоён бўлишидан далолат беради.



## Фойдаланилган адабиётлар

### Раҳбарий адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5.– Т.: Ўзбекистон, 1997.– 384 б.
6. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6.– Т.: Ўзбекистон, 1998.– 4296 б.
7. *Каримов И.А.* Биз келажгимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 413 б.
8. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.– 432 б.



## РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

21. *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.
22. *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.:Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
23. *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.–280 б.
24. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 56 б.



## МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Толстой Ю.К. Понятие права собственности // Проблемы гражданского и административного права. – 187 с.
2. Иоффе О.С. Советское гражданское право. – М.: Юрлит, 1958. – 272 с.
3. Гражданское право. Учебник. Т.1. – М.: Юрлит, 1969. – 65 с.
4. Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование экономических отношений. – Л.: ЛГУ, 1986. – 53 с.
5. Зокиров И.. Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2006.
6. Мейер Д.И. Русское гражданское право: В 2-х ч. По испр. и доп. 8-му изд., 1902. Ч. 2. М., 1997 – 254 с.
7. Алексеев С.С. Частное право. М.: Статут, 1999.
8. Брагинский М.И. О месте гражданского права в системе "право публичное — право частное" // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. М., 2000.
9. Гражданское право. Учебник. / Отв. ред. проф. Е.А.Суханов. – М.: Волтерс Клувер, 2004.
10. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права (Серия "Классика российской цивилистики) – М.: Статут, 1998.



## МАХСУС АДАБИЁТЛАР

11. Шершенович Г.Ф. Учебник русского гражданского право. По изд. 1907 г. М., 1995. – 222 с.
12. Советское гражданское право. Учебник. Часть I. – М.: Юрлит, 1986. – 278 с.
13. Гражданское право. // Под ред. Корнеева С.М. – М., 1969. – 266 с.
14. Гражданское право. Учебник. Ч.1. // Под ред. А.Г.Калпина и А.И.Масляева. – М.: Юрист, 2000. – 266 с.
15. Рахманкулов Х. Становление и перспективы развития частного права в Республике Узбекистан. / Вестник НУУЗ. – 2008. – №1. – С. 60-63.
16. Ровный В.В. Проблемы единства российского частного права. – Иркутск.: 1999.
17. Римское частное право. Учебник. // Под. ред. И.Б.Новицкого и И.С.Претерского – М.: Госюриздат, 1948.
18. Черепахин Б.Б. К вопросу о частном и публичном праве. – М.: Де-юре, 1994.
19. Гражданское право. В 4 т. Т. 1: Общая часть : учебник. отв. ред. — Е.А. Суханов. — 3-е изд., перераб и доп. — М. : Волтерс Клувер, 2006. — 720 с.
20. Рахмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I қисм. Т.:ТДЮИ, 2010.



# МАХСУС АДАБИЁТЛАР

Белов В.А. Гражданское право: Общая и Особенная части: Учебник. –М.: АО “Центр ЮрИнфорР”, 2003. 960 с.

Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т., 2000. – 218 б.

Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. – 662 с.

DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*. 2-том. CD ва DVD материаллари. – Тошкент., 2008.

Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1. – Т., 2011. – 182 б.

Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

## 4 мавзу бўйича слайдлар



## ФАННИНГ НАЗАРИЙ ДОЛЗАРЪЛИГИ

Ишлаб чиқарувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчинининг манфатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради. Тежамли хўжалик юритишнинг кучли оқилона жиҳатларини яратади, ҳаражатларни камайтиради, талон-тароғга қарши курашади. Фақат бозоргина янгиликларга сезгирлик килиб, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.



”  
Адлия органлари томонидан 2011 йилда вилоятлардаги бу борадаги ҳолатларни ўрганишлар натижасида **2895 та тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини текшириш тартиби бузилганлиги**, шундан назорат қилувчи идоралар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсатсиз **180 та ҳолатда текширишлар** ўтказилганлиги аниқланган. 2012 йилда бу кўрсаткич **71** тани ташкил этган, шундан 3 та ҳолатда рухсатсиз текшириш ўтказишга йўл қўйилган. Шунингдек адлия органлари томонидан 2011 йилда **29 447 та тадбиркорлик субъектларида текширишларни рўйхатга олиш китоблари мониторинги** ўтказилган. Шундан **119 та ҳолатда ўтказилган текширишлар** бўйича тегишли ёзувлар умуман киритилмаганлиги, **403 та ҳолатда тўлиқ тўлдирилмаганлиги**, жами **550 та қонунбузарликлар** аниқланган.

## ФАННИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ



### Амалий мисол


Оҳангарон туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан “Оҳангарон дон” ОАЖда 2012 йил 28 мартда ҳужжатли тафтиш ўтказилган. Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисидаги прокуратуранинг қароридан текшириш даври 2011 йил 1 январдан 2011 йил 12 декабргача белгиланган бўлсада, жавобгар 2011 йил 1 январдан 2011 йил 31 декабргача бўлган даврни (12 декабрдан кейинги даврни ҳам ноқонуний) текширган.  
[Текширишнинг қонунийлигига баҳо беринг?](#)

1. Давлат ҳуқуқий фаолият йўналишида тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг аҳамиятини қандай тасаввур қиласиз?
2. Амалий ҳаётда тадбиркорлик (бизнес) билан боғиқ реал муаммога дуч келсангиз, уни ҳал қилишда нимага эътибор берасиз?
3. Бизнес ҳуқуқи қандай амалий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган?
4. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг халқаро миқёсдаги ролини тушунтиринг?


### Амалий саволлар




## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи ҳақида қарашлар




## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи ҳақида концепциялар



## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектлари



## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг асосий тамойиллари



## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг манбалари

Юқоридаги қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ҳал этилиши тадбиркорлик қонунчилигини ягона тизимга келтириб уни кодификациялаштириш орқали ўз ечимини топиши мумкин.

Бу кодекснинг қандай номланиши масаласи асосий муаммо эмас.

У «Хўжалик кодекси»,  
«Тижорат кодекси»,  
«Тадбиркорлик кодекси»  
ёки бошқача номланиши

Тадбиркорлик қонунчилигини кодификациялаштирилиши тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, бу тадбиркорлик муносабатлари субъектларига қонунлардан фойдаланишларида қулайлик ярадади. Шу билан бирга хўжалик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал қилишларида ҳам, қонунларни ҳам бир йўсинда қўлланилишига эришилади.

## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларини қайта ташкил этиш тушунчаси

### ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

Илгари мавжуд бўлган корxonанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демақдир. Корхона у ёки бу маънода бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар олувчиси (янги ҳуқуқ субъекти), янги юридик шахс томонидан амалга оширилади. Тугатишдан фарқли ўлароқ қайта ташкил этишда мулк сақланади, хўжалик ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йўқотмайди.

## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларини қайта ташкил этиш тушунчаси (ҳуқуқий ворислик)

### ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК

Қайта ташкил этиш ҳар доим *ҳуқуқий ворислик* билан боғлиқ бўлиб, бунда мулкӣ ва бошқа ҳуқуқ (мажбурият)лар бекор қилинган (турини ўзгартирган) бир ҳуқуқ субъектидан бошқасига, қайтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахсни тугатишдан бунинг асосий фарқи ҳам шунда ифодаланади.

## ЎЗР Фуқаролик кодексининг 49-моддасида қайта ташкил қилишнинг беш шакли:

1. қўшиб юбориш (ўз фаолиятини тугатган икки ёки ундан ортиқ корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш);
2. қўшиб олиш (бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш);
3. бўлиш (юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади);
4. ажратиб чиқариш (корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш, яъни бунда юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади);
5. ўзгартириш (янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, яъни бунда бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради).

## ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС) ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Юридик шахсни қайта ташкил этиш умумий қоидаларга асосан ихтиёрий равишда – унинг таъсисчиларининг (қатнашчиларининг) ёки таъсис этилган ҳужжатлар билан ваколатга эга бўлган юридик шахс органи

масалан, аъзоларнинг умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш, қўшиб юбориш ёки ўзгартириш шаклларидаги *ихтиёрий* қайта ташкил этиш қонунда белгиланганидек, давлат органларининг олдиндан олинган розилиги асосида амалга оширилади.

Масалан, бундай розиликни товар бозорларида монополистик фаолиятни келтириб чиқарувчи хўжалик субъектлари устидан назорат қилувчи монополияга қарши давлат органидан ҳам олиш талаб қилинади.

## ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС) ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Баъзан юридик шахсни қайта ташкил этишда унинг хоҳиш-иродасидан четга чиқилиши мумкин. Бу тўғридан-тўғри қонунда белгиланган ҳолатларда, юридик шахсни қайта ташкил этишнинг унинг таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахсларни бўлиш ёки ажратиб чиқариш турлари ваколатли давлат органлари ёки суд қарори билан *мажбурий* амалга оширилади.

Чунки қонунга биноан бирор хўжалик юритувчи субъект товар бозорида устун мавқега эга бўлган ҳолда монополияга қарши қонун ҳужжатларини уст-устига бузса, монополияга қарши давлат органи ракобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий тартибда бўлиб юбориш ёки таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш ҳақида судга даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга.

Агар юридик шахс муассислари (*иштирокчилари*), улар вакил қилинган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади.

## ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ



Шартнома деб икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахнинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувга айтилади. (ЎзР Фуқаролик кодекси 353-модда)

## Хўжалик шартномаси тушунчаси, субъектлари ва аҳамияти



## Хўжалик шартномаси тушунчаси, субъектлари ва аҳамияти

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида куйидаги белгилар билан характерланади:

- а) тарафларнинг эркини эркин ифодаланиши;
- б) унинг мазмунини ташкил этувчи барча муҳим шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги;
- в) тарафларнинг ўз мажбуриятлари бўйича ҳаракатларини (қоида тариқасида) ҳақ эвазига бажариши;
- г) шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги;
- д) шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати;
- ж) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

## Хўжалик шартномаси тушунчаси, субъектлари ва аҳамияти

### Хўжалик шартномаси деб

тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

## Хўжалик шартномаси тарафлари ҳуқуқлари

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

## Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари

Хўжалик шартномаси тарафлари:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.



## Хўжалик шартномаси ўзига хос хусусиятлари

**биринчидан** – шартнома фақат тадбиркорлик фаолияти соҳасида - яъни фойда олиш мақсадида;

**иккинчидан** – шартнома юридик шахслар ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида;

**учинчидан** – шартнома товарлар бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида;

**тўртинчидан** – шартнома фақат ёзма тарзда тузилади.

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;

тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

шартнома интизомига риоя этиш;

тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ АҲАМИЯТИ



## Хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир



1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқӣ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

4) иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно.



## Хўжалик низоларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин

- тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юза-сидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;
- шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;
- мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;
- мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;
- мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;
- мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;



- етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар. Бу турдаги низолар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида етказилган зарар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин;
- шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;
- давлат органлари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;
- ундириш сўзсиз (акцентсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;



давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар билан боғлиқ низолар;

агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолардир.



## Хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби

**Хўжалик низоларини умумий юрисдикция судларида кўриш тартиби**

**Хўжалик низоларини маъмурий тартибда ҳал этиш.**

**Хўжалик низоларини ҳакамлик судлари орқали ҳал этиш.**

**Инвестицион низоларини ҳал этиш.**

## 6-мавзу слайдлар



Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб тадбиркорлик, хўжалик юртишни ҳуқуқий таъминлаш ҳисобланади. бу ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, хўжалик юртиши, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган.

4

Низоларни ҳал этиш давлат тизимида хўжалик-тадбиркорлик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади



масалан:

контракция шартномаси бўйича низолар туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция томонидан;

интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати бериш билан боғлиқ низолар давлат патенти идораси ҳузуридаги Апелляция кенгаши томонидан;

5

Хўжалик-тадбиркорлик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий судларни иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги, тезкорлиги билан ажралиб туради. (масалан, суд буйруғи тартибининг мавжудлиги). Хўжалик юритувчи субъектлар даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги хўжалик қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимида Савдо-саноат палатаси муҳим ўрин эгаллайди. Савдо-саноат палатаси тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига қирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қаршли бўлмаган ноижорат ташкилотидир. Палатанинг мақсади Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишига кўмаклашиш, бозор инфраструктурасини яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорни фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантиришдир. Палата ўз фаолиятини 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунга асосан ташкил этади.





Палата куйидаги вазифаларни бажаради:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан бошқа мамлакатда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайди

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан бошқа мамлакатда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайди

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш консерсиясини ишлаб чиқишда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини рўйбга чиқаришда иштирок этади

корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг регистрини юритади

8

Палата куйидаги вазифаларни бажаради:

уч томонлама ҳамкорлик (ёлланма ишчилар иттифоқи, иш берувчилар иттифоқи ва ҳукумат) тизимини вужудга келтиришда, миллий иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда олиб боришда иштирок этади

тадбиркорлар фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини уюштиради

тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларини аниқлайди, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда товар чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этишга қўмаклашади

9



тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимининг марказида тадбиркор билан унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат хизматчиси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва инсофга асосланган қонуний муносабатларни вужудга келтириш ва уни доимий барқарор равишда сақлаб туриш ётади. Бу вазифа анча мураккаб ҳисобланади. Уни амалга оширишда қуйдаги омилларни ҳисобга олмасдан иложи йўқ

биринчидан, тадбиркорлик фаолияти муайян моддий бойликлар, пул маблаглари билан узвий боғлиқ равишда амалга оширилади. Шу сабабли ҳам ушбу моддий қийматликларни муомалада бўлиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат талаб этилади;

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш оқилона ташкил этилмоғи, тадбиркорлик субъектига ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишга асло тўсқинлик қилмаслиги лозим;

учинчидан, назорат очик, ошкор, шаффоф бўлмоғи, назорат асослари, тартиби, усул ва воситалари аниқ равшан белгилаб қўйилмоғи шарт. Акс ҳолда ҳар хил ўзбошимчаликлар келиб чиқиши мумкин

тўртинчидан, тадбиркорлик субъекти назорат жараёнида ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етган деб ҳисоблаган тақдирда, суд орқали ҳимояланиш имкониятларига эга бўлиш лозим



